

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«АГРОИҚТИСОДИЁТ»  
ЙўНАЛИШИ**

**«АГРОБИЗНЕС ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ўқув-услубий мажмуа**

**Тошкент-2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“АГРОИҚТИСОДИЁТ”  
ЙЎНАЛИШИ**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси

**АГРОБИЗНЕС ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2021**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими йўналишилари бўйича Ўқув-услубий бирлашималар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашиининг 2020 йил “7”декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган*

- Тузувчилар:** ТДАУнинг “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси: и.ф.н., проф. доцент и.ф.н., Н.Мардиев, А.В.Маматқулов – ТДАУ ҳузуридфги ПКҚТМО тармоқ маркази деректори.
- Тақризчилар:** Кишлoқ хўжалиги ва озиқ-овқат иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти, е.и.х., и.ф.н., А.Х.Мухторов ТДАУнинг “Агрологистика” кафедраси доцент., и.ф.н. Ш.Қаршиев.

*Ўқув дастури Тошкент давлат аграр университети Кенгашиининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2020 йил 5 декабрдаги 3- сонли баённома).*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. Ишчи дастур .....</b>	<b>5</b>
<b>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари.</b> .....	<b>26</b>
<b>III. Назарий машғулот материаллари .....</b>	<b>35</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>120</b>
<b>V. Кўчма машғулотлар.....</b>	<b>148</b>
<b>VI. Кейслар банки .....</b>	<b>152</b>
<b>VII. Глоссарий .....</b>	<b>171</b>
<b>VIII. Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>179</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахassislik фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахassislik фанлар доирасидаги билим, кўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар**

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш

### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили

### **III. Мутахассислик фанлари**

3.1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва маркетинги.

3.2. Агробизнес ва инвестицион фаолият.

3.3. Агрологистика.

### **IV. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнишка ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

“Агроиктисодиёт” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўнишка, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Агроиктисодиёт” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- аграр соҳани ривожланиш концепциясини;
- қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштиришни;
- ишлаб чиқариш функциялари ва назариясининг асосий концепцияларини;
- ишлаб чиқариши оптималлаштиришни;
- ишлаб чиқариш жараёнларини баҳолаш усулларини;
- маркетинг назарияси ва замонавий маркетинг концепциясини;
- маркетингда стратегик ва тактик режалаштиришни;
- бозор истеъмолчиларини сегментлашни;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни, хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрнини;
- Республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислоҳотлари ва уларни амалга оширишдаги давлатнинг ролини
- қишлоқ хўжалик корхоналарида замонавий маркетингни ташкил этиш самародорлигини оширишни;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини самарали сотишда маркетинг стратегиясини қўллашни;
- замонавий агробизнес ва инвестицион фаолиятнинг ҳозирги ҳолатини ва юритиш усулларини;
- агробизнес ва агрологистик фаолиятни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш стратегиясини **билиши керак**.

#### **Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, таҳлил қилиш, башоратлаш, бошқарув қарорларини иқтисодий асослаш, маҳсулотларнинг сифат ва ресурс ҳажмини бошқариш, корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларининг иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш; маҳсулотлар ишлаб чиқаришни миқдорий баҳолаш; интенсив ўзгаришларда самарадорликни хисоблаш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори ҳақида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, маҳсулотга бўлган талабни аниқлаш, маҳсулот сифатини баҳолаш, товар рақобатбардошлигини таъминлаш ва сотиш;
- қишлоқ хўжалигида табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф мувозанати даражасига оид билимларни амалиётда қўллаш;
- бизнес фаолиятини юритиш;
- аграр соҳада инвестицион ва логистик фаолият юрита олиш;
- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнида вақтни тежаш **каби кўникумаларига эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш ва ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;
  - индивидуал ва гуруҳлар билан ишлашда қарорлар қабул қилиш;
  - қишлоқ хўжалик корхоналарида инвестиция жараёнларини бошқариш ва бизнес режа тузишга оид билимларини амалиётда қўллаш;
  - аграр соҳада бизнесни ташкил этиш ва логистик хизматлар кўрсатиш бўйича;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида илғор хориж тажрибаларини қўллаш, башорат қилиш, бошқарув қарорларини иқтисодий асослаш;
- ишлаб чиқариш функцияларининг асосий концепциялари ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши омилларининг ўзгариши тамойиллари бўйича **малакаларига эга бўлиши зарур.**

#### **Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалик таҳлилчиси, маслаҳатчи, бизнес юритувчи ва бошқарувчи илмий тадқиқотчи- педагог сифатида тайёргарликка эга бўлиш;
- аграр сиёsat, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, корхоналар фаолиятини баҳолаш, режалаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- хўжалик, меҳнат, маъмурий ва халқаро хуқуқ масалалари бўйича таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш;

- қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш;
- аграр соҳага инвестициялар жалб қилиш;
- агробизнесни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш;
- замонавий иқтисодий усуллар асосида аграр соҳа корхоналарини самарали бошқариш бўйича **компетенцияларга эга бўлиши лозим**.

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соати ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир хафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

# **“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

## **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

### **1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини кредит тизими асосида ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.

Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Профессионал ўқитувчи шахси. Кредит таълим тизимини ташкил этишда педагогнинг бошқарув маҳорати, техникаси ва услублари. Педагогнинг креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат, лойиха) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари

(дизайн-фиркалаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишининг замонавий усуллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари. Фанлараро интегратив ёндашув, илмий-техник билимлардан реал ҳаётда фойдаланиш, танқидий фирмеклаш; ўз кучига ишончни тарбиялаш, фаол коммуникация ва жамоавий иш; техник фанларга қизиқиши ривожлантириш; лойиҳаларга креатив ва инновацион ёндашув; техник ижодкорликка мотивацияни ривожлантириш; касбга эрта йўналтириш; таълим олувчилик инновацияларга тайёрлаш.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти. Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш обьектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-ложиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви.

Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

## **П. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиилар»дан фойдаланиш. Булутли технологиилардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

### **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-кор ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти, анъаналари ва машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот. Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технорология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ**

#### **3.1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти ва маркетинги**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни ва хусусиятлари. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг моҳияти ва аҳамияти. Агарар сиёsatни амалга оширишда давлатнинг роли ва иқтисодий стратегияси.

Иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг назарий асослари. Қишлоқ хўжалигида табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўллари. Ишлаб чиқариш жараёнида вақт ишлаб чиқариш омили сифатида.

Ишлаб чиқариш функцияларининг асосий концепциялари. Қисқа ва узок муддатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши омилларининг ўзгариши тамоиллари. Ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида фойдани максималлаштириш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари. Қишлоқ хўжалигида инвестицион ва инновацион фаолият ва уларнинг самарадорлиги.

Маркетинг назарияси концепцияси ва замонавий маркетинг. Маркетинг фаолиятини ахборот ва коммуникация воситалари билан таъминлаш. Тармоқ маркетинги, товар ва хизматлар маркетинги, ишлаб чиқариш воситалари маркетинги, халқаро бизнесда маркетинг. Қишлоқ хўжалик корхоналарида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш. Маркетингда стратегик ва тактик режалаштириш. Бозор конъюнктурасини тадқиқ этиш ва башорат қилиш. Бозор сегментацияси ва харидор турлари. Товарлар рақобатбардошлиги ва уни ошириш йўллари. Маркетингда нарх ва нарх сиёсати, нархни таҳлил этиш ва прогноз қилиш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари, эгилувчанлиги ва уларни баҳолаш усуслари. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф мувозанати даражаси. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро мутаносиблик

### **3.2. Агробизнес ва инвестицион фаолият**

**Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари.**

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва мазмuni. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни юритишнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари. Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш. Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ер, мол-мулк ва ижара ҳамда ички ҳўжалик ҳисоби мунособатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.

Тадбиркорликни давлат тамонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади ва вазифалари. Аграр соҳада кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини давлат тамонидан қўллаб-қувватланадиган фаолият турлари ва рағбатлантириш усуллари.

#### **Агробизнесда ресурслардан самарали фойдаланиш.**

Ер ресурслари тушунчаси ва ундан фойдаланиш тартиби. Ернинг унумдорлиги, ерни иқтисодий баҳолаш ва унинг мониторингини ташкил этиш. Ер тузиш ва ер кадастри фаолиятини ташкил этиш ва ер участкаларини бериш тартиби. Ер ресурсларидан рационал фойдаланиш ва тупрок унумдорлигини ошириб бориш, Сув ресурслари тушунчаси ва ундан фойдаланиш тартиби. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда агробизнеснинг ўрни. Сув тақчиллигини бартараф этишда замонавий ресурстежовчи технологияларни жорий этиш йўллари.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш шакллари, тамойиллари ва вазифалари. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини ишга қабул қилиш, иш билан таъминлаш ва иш ҳақи бериш йўллари.

#### **Инвестиция ва инвестицион фаолият.**

Инвестицион фаолият тушунчаси. Инвестиция фаолиятининг таркибий тузилиши. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг роли. Инвестиция фаолиятига таъсир этиш омиллари ва усуллари. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятнинг меъёрий-қонуний базаси.

#### **Хорижий инвестициялар ва инвестицион муҳит.**

Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти ва турлари. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш турлари ва шакллари.

Инвестиция муҳити ва унга таъсир етuvчи омиллар. Инвестиция муҳитини баҳолаш усуллари. Инвестиция муҳитида инвестицион салоҳиятни

(табиий ресурслар салоҳияти, меҳнат, ишлаб чиқариш, инновацион, молиявий салоҳиятлар ва истеъмолчилик салоҳияти) ўрни. Инвестиция салоҳияти. Инвестиция муҳитини шакллантиришда ҳуқуқий-меъёрий тизим. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб бориш вазифалари.

### **3.3. Агрологистика**

## **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсни кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йигилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини риволантириши лозим:

- олий таълим тўғрисидаги норматив-хукуқий ва директив ҳужжатларни, олий таълим давлат таълим стандарти, классификатор, малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастурини такомиллаштириш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларни қўллаш, шунингдек, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш, ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари асосида ташкил этиш, ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ташкиллаштириш;
- талabalар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти; талabalарнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш; иқтидорли талabalарни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

## Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ”Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199 сонли Фармони. 2017 йил 9 октябрь.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3318 сонли Қарори. 2017 йил 10 октябрь.

15. ... (Агар соҳага доир ноорматив-ҳуқукий ҳужжатлар бўлса, йиллар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда)

### **III. Махсус адабиётлар**

16. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.—Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.

17. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

18. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. — Самарқанд: “Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

19. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

20. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

21. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

22. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.  
[http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)

23. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvssu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

24. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида.  
[https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)

25. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

26. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
27. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
28. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
29. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
30. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
31. The theory and practice of investment management / Frank J. Fabozzi, Harry M. Markowitz, editors.—2nd ed. Copyright © 2011 by John Wiley & Sons, Inc. All rights reserved. Printed in the United States of America.
32. Бочаров В.Р. Инвестиции: Учебник для вузов. – 2-е изд.-СПб.: Питер, 2018. – 384 с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
33. Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент, Iqtisod-moliya. 2010. – 164 б.
34. Юсупов Э.Д., Мардиев Н. Қишлоқ хўжалигида инвестицион жфараёнларни бошқариш. Ўқув қўлланма.-Тошкент.: 2020.- 388 б.
35. Economics: principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell & Stanley Ҷ. Вше.- 17th ed. New York, NY, 10020. Copyright 2018 у. ISBN13: 978-0-07-312663-0 (alk. paper).
36. Саматов Ф., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2005. — 508 б.
37. Жураев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Т.: ”Истиқлол”, 2004. -343 б.
38. Умурзаков У.П., Тошбоев А.Ж., Рашидов Ж.Х., Тошбоев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва мененжмент.Т.:”Иқтисод-молия”, 2018. -264 б.
39. Юсупов Э.Д., Кушаров З.К. Менежмент назарияси, услугий қўлланма, Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-манбаа уйи», 2019. Б. 356.
40. Юсупов Э.Д., Кушаров З.К., Сиддиқов З.Т., Алиева Н.А. Агроконсалтинг, услугий қўлланма, Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-манбаа уйи», 2019. Б. 565.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

41. www.edu.uz.
42. www.aci.uz.
43. www.ictcouncil.gov.uz.
44. www.bimm.uz
45. www.Ziyonet.uz.
46. www.infocom.uz.
47. www.uni-halle.de.- Галле-Виттенберг университети (Германия)
48. www.hswt.de. - Вайштефен Triesdorf Университети (Германия)
49. writtle.ac.uk - Writtle College (Англия).
50. www.agro.uz
51. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т.Шоймардонов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
oshiришни ташкил этиш ҳамда  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсонбобоев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.

М.Ү.

Тошкент давлат аграр университети  
Ректор \_\_\_\_\_ Б.А.Сулаймонов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

Тошкент давлат аграр университети  
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ  
маркази

Директор \_\_\_\_\_ А.В.Маматқулов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.

М.Ү.

## **Кириш**

Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини илмий асосларини яратиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ниҳоят мухим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигидаги талабга жавоб берадиган қўйидаги ҳукуқий, ташкилий иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизими яратилди, яъни:

-мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилиши, натижасида эркин мулкий муносабатлар вужудга келди, тадбиркорликнинг ҳар хил турларини яратиш, уларни ривожлантириш йўллари изланмоқмоқда, ер-сув ислоҳотлари амалга оширилмоқда;

-тармоқнинг чекланган ишлаб чиқариш ресурслари (ер-сув, капитал, меҳнат, тадбиркорлик қобилияти)дан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, даромад, фойда ва уларнинг тақсимланиши, инвестицияларни жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш, тармоқ ишлаб чиқаришини мақсадга мувофиқ жойлаштириш, ихтисослаштириш ҳамда агросаноат интеграциясини халқаро муносабатлар асосида ташкил этиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизими яратилиб, улар такомиллаштирилмоқда.,

Юқорида таъкидланган иқтисодий муносабатлар тизимини яратиша ҳалқимиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда табиий, ижтимоий, иқтисодий қонунлар, иқтисодий категориялар талабларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий асосини, такрор ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириши таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимини яратиш, уларни ҳаётга жорий этиш масалаларини, йўлларини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини инвестицион меъёрлар доирасида бошқариш ва бошқаришни ташкил этиш «Агробизнес ва инвестицион фаолият» модулнинг предмети ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан менежмент усуллари мукаммаллиги ва тўғри шаклланганлиги билан узвий боғлиқдир. Менежмент усуллари бу – бошқарув субъектининг бошқарув обьектига мақсадли йўналтирилган таъсир ўтказишнинг усуллари бўлиб, яъни унинг вазифаси бошқарувнинг ишлаб чиқариш жамоаси олдига қўйилган мақсадларни мувофиқлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

### **«Агробизнес ва инвестицион фаолият» модулнинг мақсади**

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида чекланган ер-сув, меҳнат ресурслари, инвестициялар ва улардан тадбиркорлик билан самарали фойдаланишни;
- қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини;
- аграр-иктисодий ислоҳотлар, уларни ривожлантириш йўлларини;
- қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхоналар, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва улар фаолиятини такомиллаштириш йўлларини;

- бошқа масалаларни ўрганиш.

**«Агробизнес ва инвестицион фаолият» модулнинг вазифалари:**

- илфор қишлоқ хўжалик корхоналарининг эришган ютуқларини чуқур ўрганиш ва уларни бошқа хўжаликларга жорий қилиш учун тавсия этиш;
- экин майдонлари бирлиги ҳисобига кўпроқ ва арzonроқ маҳсулот етишириш учун кәенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни жорий қилиши имкониятини яратиш учун иқтисодий тадбирлар ишлаб чиқишидан иборат.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- аграр соҳани ривожланиш концепциясини;
- қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштиришни;
- ишлаб чиқариш функциялари ва назариясининг асосий концепцияларини;
- ишлаб чиқаришни оптималлаштиришни;
- ишлаб чиқариш жараёнларини баҳолаш усулларини;
- маркетинг назарияси ва замонавий маркетинг концепциясини;
- маркетингда стратегик ва тактик режалаштиришни;
- бозор истеъмолчиларини сегментлашни;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни, хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрнини;
- Республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислоҳотлари ва уларни амалга оширишдаги давлатнинг ролини
- қишлоқ хўжалик корхоналарида замонавий маркетингни ташкил этиш самародорлигини оширишни;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини самарали сотишда маркетинг стратегиясини қўллашни;
- замонавий агробизнес ва инвестицион фаолиятнинг ҳозирги ҳолатини ва юритиш усулларини;

– агробизнес ва агрологистик фаолиятни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш стратегиясини ***билиши керак***.

#### **Тингловчи:**

– қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, таҳлил қилиш, башоратлаш, бошқарув қарорларини иқтисодий асослаш, маҳсулотларнинг сифат ва ресурс ҳажмини бошқариш, корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

– ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларининг иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш; маҳсулотлар ишлаб чиқаришни миқдорий баҳолаш; интенсив ўзгаришларда самарадорликни ҳисоблаш;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори ҳақида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, маҳсулотга бўлган талабни аниқлаш, маҳсулот сифатини баҳолаш, товар рақобатбардошлигини таъминлаш ва сотиш;

– қишлоқ хўжалигида табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф мувозанати даражасига оид билимларни амалиётда қўллаш;

– бизнес фаолиятини юритиш;

– аграр соҳада инвестицион ва логистик фаолият юрита олиш;

– қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнида вақтни тежаш **каби қўнималарига эга бўлиши лозим**.

#### **Тингловчи:**

– қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш ва ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

– индивидуал ва групҳлар билан ишлашда қарорлар қабул қилиш;

– қишлоқ хўжалик корхоналарида инвестиция жараёнларини бошқариш ва бизнес режа тузишга оид билимларини амалиётда қўллаш;

– аграр соҳада бизнесни ташкил этиш ва логистик хизматлар кўрсатиш бўйича;

қишлоқ хўжалик корхоналарида илғор хориж тажрибаларини қўллаш, башорат қилиш, бошқарув қарорларини иқтисодий асослаш;

– ишлаб чиқариш функцияларининг асосий концепциялари ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши омилларининг ўзгариши тамойиллари **бўйича малакаларига эга бўлиши зарур**.

#### **Тингловчи:**

– қишлоқ хўжалик таҳлилчisi, маслаҳатчи, бизнес юритувчи ва бошқарувчи илмий тадқиқотчи- педагог сифатида тайёргарликка эга бўлиш;

– аграр сиёsat, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, корхоналар фаолиятини баҳолаш, режалаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;

– хўжалик, меҳнат, маъмурий ва халқаро хукуқ масалалари бўйича таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш;

- қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш;
- аграр соҳага инвестициялар жалб қилиш;
- агробизнесни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш;
- замонавий иқтисодий усуллар асосида аграр соҳа корхоналарини самарали бошқариш **бўйича компетенцияларга эга бўлиши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар:**

Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини кредит тизими асосида ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.

Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Профессионал ўқитувчи шахси. Кредит таълим тизимини ташкил этишда педагогнинг бошқарув маҳорати, техникаси ва услублари. Педагогнинг креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат, лойиха) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий усуллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари. Фанлараро интегратив ёндашув, илмий-техник билимлардан реал ҳаётда фойдаланиш, танқидий фикрлаш; ўз кучига ишончни тарбиялаш, фаол коммуникация ва жамоавий иш; техник фанларга қизиқиши ривожлантириш; лойиҳаларга креатив ва инновацион ёндашув; техник ижодкорликка мотивацияни ривожлантириш; касбга эрта ўйналтириш; таълим олувчиларни технологик инновацияларга тайёрлаш.

### **Модулнинг ўқув режасидаги бошқа Модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги:**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва маркетинги ва Агрологистика Модулларидаги фанларнинг объекти предмети, мақсади, вазифалари, билим кўникмаси ва малакаси ўзаро боғлиқ ва узвийдир.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>				
		<b>Хаммаси</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>			<b>Кўчма машгулот</b>
			<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	
1	Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари		4	2	2	
2	Агробизнесда ресурслардан самарали фойдаланиш		10	2	6	2
3	Инвестиция ва инвестицион фаолият		8	2	2	4
4	Хорижий инвестициялар ва инвестицион мухит		4	2	2	
<b>Жами:</b>		<b>26</b>	<b>26</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	<b>6</b>

## **II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“SWOT-таҳлил” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўулларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



## **Хулосалаш (Резюме, Веер) методи:**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармокли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маърӯза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади мавзу

**Кейс.Мобил** қурилма учун Андроид опреацион тизимининг 5.0 (*API Level: 21*) версияси учун илова ишлаб чиқилди. Сизнинг телефонингиздаги Андроид опреацион тизимининг версияси 4.3 (*API Level:*

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўйларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

•

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибида тақдимот қилинади.

## Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиландыр (индивидуал ва кичик гурұхда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажарыладагина ишлар кетма-кетлегини белгиландыр (жұфтпиклардаги иш).

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

**Ф**

- фикрингизни баён этинг

**С**

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

**М**

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

**У**

- фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

## **Намуна.**

**Фикр:** “**Полимарфизм объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир**”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маърӯза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослади, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“Венн Диаграммаси” методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташқил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурӯҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурӯҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурӯҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурӯҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташқил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-мавзу. Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари:** Қишлоқ хўжалигининг республика ижтимоий иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти. Иқтисодиётни модернизация қилиши шароитида аграр соҳани ривожлантириши йўллари. Агробизнес ва инвестицион фаолият фанининг ўрганиши усуллари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни. Тадбиркорлик фаолияти ва уни ривожлантиришининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши йўналишлари. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши ва бошқариишининг хориж тажрибаси.

**2-мавзу. Агробизнесда ресурслардан самарали фойдаланиш:** Ер ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби. Ердан фойдаланиши самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби. Ердан фойдаланиши самарадорлиги, уни ошириши йўллари. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри. Сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби. Сувдан фойдаланиши самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби. Сувдан фойдаланиши самарадорлиги, уни ошириши йўллари. I. Агробизнесда ишлаб чиқариш ресурслари ҳақида тушунча ва уларни классификацияси. Ишлаб чиқариш ресурсларини агробизнесда ўзига хос хусусиятлари. Асосий ва айланма фонdlар ҳақида тушунча ва унинг иқтисодий мазмуни. Агробизнес корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фонdlаридан ва айланма фонdlаридан самарали фойдаланишини ташкил этиши ва бошқарии.

**3-мавзу. Инвестиция ва инвестицион фаолият:** Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Асосий фонdlарнинг шаклланишида капитал қўйилмаларнинг роли. Молиявий ва реал инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги. Инвестицияларни ўстириши омиллари. Жамгармалар – инвестициялар манбаси сифатида. Инвестиция фаолияти тушунчаси. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришида давлатнинг роли. Инвестиция фаолиятига таъсир этиши омиллари ва усуллари.

**4-мавзу. Хорижий инвестициялар ва инвестицион мухит:** Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти ва турлари. Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишининг объектив зарурлиги Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиши турлари ва шакллари. Хорижий инвестициялар билан боғлиқ рисклар. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиши сабаблари.

**Таянч сўзлар:** агробизнес, талаб ва таклиф, ресурслар тушунчаси, меҳнат унумдорлиги, таннарх, тежамкор технологиялар, банинет балл, рента тушунчаси, ялпи даромад, соф даромад, амортизатсия, рентабеллик, инвестиция, инвестицион мухит, асосий воситалар, айланма воситалар.

## **1-мавзу. Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари**

### **Режа:**

- 1. Қишлоқ хўжалигининг республика ижтимоий иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти.*
- 2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни.*
- 3. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни?*

### **1. Қишлоқ хўжалигининг республика ижтимоий иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти.**

Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини илмий асосларини яратиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ниҳоят мухим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида талабга жавоб берадиган қўйидаги ҳуқуқий, ташкилий иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизими яратилди, яъни:

-мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилиши, натижасида эркин мулкий муносабатлар вужудга келди, тадбиркорликнинг ҳар хил турларини яратиш, уларни ривожлантириш йўллари изланмоқмоқда, ер-сув ислоҳотлари амалга оширилмоқда;

-тармоқнинг чекланган ишлаб чиқариш ресурслари (ер-сув, капитал, меҳнат, тадбиркорлик қобилияти)дан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, даромад, фойда ва уларнинг тақсимланиши, инвестицияларни жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш, тармоқ ишлаб чиқаришини мақсадга мувофиқ жойлаштириш, ихтисослаштириш ҳамда агросаноат интеграциясини халқаро муносабатлар асосида ташкил этиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизими яратилиб, улар такомиллаштирилмоқда,,

Юқорида таъкидланган иқтисодий муносабатлар тизимини яратища халқимиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда табиий, ижтимоий, иқтисодий қонунлар, иқтисодий категориялар талабларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий асосини, такрор ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириши таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимини яратиш, уларни ҳаётга жорий этиш масалаларини, йўлларини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий меъёрлар

доирасида бошқариш ва бошқаришни ташкил этиш «Агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш» фанининг предмети ҳисобланади.

### **Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш тизими:**

-бошқарилётган обьектлар ҳолати ҳақида ахборот олиш ва таҳлил қилиш;

-бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш;

-объектларга бошқарув таъсирларини ўтказиш;

-объектларнинг янги ҳолати ҳақида ахборот олиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жихатдан менежмент усуллари мукаммаллиги ва тўғри шаклланганлиги билан узвий боғлиқдир. Менежмент усуллари бу – бошқарув субъектининг бошқарув обьектига мақсадли йўналтирилган таъсир ўтказишнинг усуллари бўлиб, яъни унинг вазифаси бошқарувнинг ишлаб чиқариш жамоаси олдига қўйилган мақсадларни мувофиқлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

### **Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни, аҳамияти қўйидагиларда ифодаланади:**

- қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат билан таъминлайди, озиқ-овқат кишиларнинг маънавий ҳаёти ва моддий ишлаб чиқаришининг асоси ҳисобланади;

- қишлоқ хўжалиги енгил ва озиқ-овқат саноати учун хом ашё манбаидир. Бу тармоқларнинг маҳсулоти ҳам бевосита аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги саноатнинг айрим тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва самарадорлигини аниқлайди. Тўқимачилик саноатида барча моддий харажатларнинг 40 фоизини, қанд саноатида – 70 фоизини, сут ва ёғ маҳсулотларида 80 фоизга яқинини қишлоқ хўжалик хом ашёси ташкил қиласи. Ҳозирги вақтда мамлакатда аҳоли истеъмоли фондининг  $\frac{3}{4}$  қисми бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотидан ёки қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотидан иборат;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мамлакат оғир саноатининг ривожланиш суръатига ва даражасига самарали таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги йирик миқдорда ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол қилгани ҳолда трактор, мелиоратив ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати, айниқса минерал ўғит ишлаб чиқаришга фаол таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришга кетадиган моддий харажатларнинг асосий қисмини саноат етказиб берадиган ишлаб чиқариш воситалари (ёқилғи-мойлаш материаллари, заҳира қисмлар, минерал ўғит, омухта ем, асосий воситалар амортизацияси ва бошқалар) ташкил қиласи;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга меҳнат ресурсларини

жалб қилиш сифатида катта аҳамиятга эга, чунки бу тармоқда фаол ходимларнинг 40 фоизи фаолият олиб боради. Қишлоқ хўжалиги ходимларнинг бир қисмини бошқа тармоқларга ўтказиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшади;

- қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни яна шу билан аниқланадики, у умумхалқ масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган жамғаришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида мамлакат ҳалқ хўжалигида ташкил топган қўшилган қийматнинг юқори улуши яратилади.

Республикада бозор ислоҳотларига ўтишнинг тамойиллари асосида қишлоқ хўжалиги ривожланишида туб бурилиш ясалди.

### **Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари:**

- Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” қонуни 1998 йил;
- Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” қонуни (янги таҳрири) 2004 йил;
- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида” қонуни 1998 йил;
- Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” 1998 йил;
- Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” қонуни 1993 йил;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартағи “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 март “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш тўғрисида”ги Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мева сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли қарори;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 486-сонли қарори;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 июлдаги “Сув ресурсларини бошқаришни ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори;
- “2006-2010 йилларда қорамолчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш” дастури
- 2018 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида маҳсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида»ги 3077 фармойиши;
- 2018 йил 20 октябрдаги «Озиқ овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 404 сонли Фармони;
- «Иқтисодиётни реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора тадбирлари дастури тўғрисида»ги 4058 сонли Фармони қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаи корхона ва ташкилотларни ижтимоий-иктисодий ривожланишида янги босқични бошлаб берди;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрьдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сонли Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5199 – сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14

мартдаги ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат қишлоқ хўжалигини ҳамда у билан боғлиқ бўлган тармоқларни бошқариш билан:

- Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- Республика мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги;
- Ўрмон хўжалиги вазирлиги;
- Мева сабзавот узум саноати акциядорлик жамияти;
- Давлат сув хўжалиги қурилиши қўмитаси;
- Давлат ер ресурслари қўмитаси;
- Ўзгўшсаноати акциядорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар шуғулланганлар.

Ушбу тузилмаларнинг фаолияти бозор иқтисоди тамойиллари асосида самарали бошқариш талабларига мос келмай қолдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолиятини уйғунлаштириш натижасида бошқарилиши қулай бўлган ихчам вазирликлар, компаниялар ҳамда давлат қўмиталари шакллантирилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Ўзмевасабзавотузум холдинг компанияси, Ўзқишлоқмашлизинг компанияси, Ўздонмаҳсулот акциядорлик компанияси, Ўзагромашсервис компанияси ва бошқа ташкилотлар фаолият қўрсатмоқдалар. Уларни келажакда янада такомиллаштириш талаб этилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидағи корхона ва ташкилотларни ижтимоий–иктисодий фаолиятларини ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида тармоқда молия, кредит, солиқ ва баҳолар ислоҳоти амалга оширилмоқда, эркин бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида нодавлат мулкчилигига асосланган субъектларни молиялаштириш тартиби тубдан ўзгарди.

Уларнинг фаолиятини молиялаштириш асосан ўз маблағлари эвазига амалга оширилмоқда. Унинг манбаси бўлиб маҳсулот етиштириб сотиш, хизмат қўрсатиш натижасида олаётган пул даромадлари, асосий воситаларнинг эскириши оқибатида шакланаётган амортизация фонди, ишлаб чиқариш воситаларини сотишдан олинаётган пул тушумлари ҳамда уларнинг фойдалари ҳисобланади. Давлат буюртмалари миқдоридаги пахта ҳамда ғаллани ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маблағлар давлат тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар эвазига қопланмоқда. Шу манбалардаги маблағлар етишмаган ҳолларда қишлоқ хўжалик корхоналари давлатнинг, тижорат банкларининг, хориж давлатларининг нодавлат корхона ва ташкилотлари, ҳомийлар ва бошқаларнинг вақтинча бўш бўлган маблағларини жалб этмоқдалар.

«Агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш» фани ўзининг мақсад ва асосий вазифаларини ҳал этишда барча иқтисодий муносабатларни ўрганишда бир қатор тадқиқот усувларидан фойдаланади.

**Тахлил қилиш-ҳодисанинг ҳар бир қисмини алоҳида батафсил**

ўрганиш, улар орасидаги боғланишларни тадқиқ қилиш мақсадида уларни таркибий қисмларга ажратишидир. Таҳлил қилиш илмий билишнинг энг асосий ва кўп тарқалган усусларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш тармоғидаги чуқур жараёнларни ва хусусиятларни кўрсатиб беришдан иборатdir.

**Таҳлил усули** – илмий ўрганиш усули бўлиб, бунда тадқикот объекти хаёлан айрим бўлакларга бўлинади ёки объектнинг белги ва хоссалари айрим ўрганиш учун ажратилади. Таҳлил айрим элементларнинг моҳияти ва улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади.

**Иқтисодий-статистик услуг** – ўрганилаётган объектларнинг катта мажмуасида, ишлаб чиқариш омилларини ўрганиш ва уларнинг сўнгги натижасини аниқлашда қўлланилади. Нотипик, яъни доимий бўлмаган ҳолатлар, шарт-шароитларни бартараф қилишга имкон беради.

**Тажриба услуби** – бу услуг ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг усуслари ва йўлларига иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш бўйича тажрибалар ўтказиш, корхона фаолиятининг шарт-шароитларини аниқлаш, бу шарт-шароитларнинг самарадорликка таъсирини аниқлашда қўлланилади. Тадқиқотларнинг юксак сифатли бўлишига имкон беради.

**Ҳисоб-китоб, режа услуби** – бу услуг корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этишда баъзи бир жиҳатлар ёки бутун тизимни ривожлантиришнинг истиқболли режасини ишлаб чиқиша қўлланилади. Мақсадга эришишнинг энг самарали вариантини танлаш, яъни қўйилган вазифаларни оқилона бажаришга имкон яратади.

**Дедуктив усули** – умумий қоидалар ва қонуниятлардан келиб чиқиб, нисбатан жузъий хулосалар чиқарилади. Ҳар қандай иқтисодий тамойил ва механизмнинг амал қилишини аниқлашда даставвал назарий ғояларга, сўнгра уларнинг амал қилишига асосланилади. Бу жараён муаммони тадқиқ этишнинг дедуктив усули деб номланган. Юқоридаги масалани тадқиқ этишда, ўрганишда даставвал маълумотлар, воқеалар, фактлар ўрганилади.

**Индуктив усули** – бунда алоҳида бир хил фактлардан умумлаштиришга, жузъийдан умумий хулосалар чиқаришга таянилади. Назарий ғояларни яратиш жараёни эса индуктив тадқиқ этиш усули деб номланган. Демак, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ҳар қандай иқтисодий муаммони аввал унинг назариясидан, яъни ғоясидан амал қилишига қараб ўрганиш ёки бу муаммонинг амалиётга жорий этилишидан, яъни амалиётдаги ҳолатига асосланган ҳолда ғоя ёки назариясини яратишга қараб тадқиқот олиб бориш мумкин.

«Агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш» фанида қўлланиладиган ҳар бир услуг ўзига хосликка, афзалликларга ва айни пайтда маълум бир камчиликларга ҳам эга. Фанда тадқиқотлар олдига қўйилган аниқ мақсад ва вазифаларга қараб, бирор услуг ёки услуглар мажмуасидан фойдаланилади. Пировард натижанинг ҳаққонийлигини аниқлашнинг энг муҳим йўли - илмий хулосаларнинг амалиётда, ишлаб чиқариш тажрибасида кенг исботланишидадир.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг

асосий омилларидан бири кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдир.

Хўш, «тадбиркор», «тадбиркорлик» тушунчалари қандай мазмунга эга ва нимани англатади?

Бу тушунчаларни ҳозирги маъносида биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият қўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машхур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) «Сиёсий иқтисод рисоласи» китобида (1803 й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

У Англия саноатининг муваффақиятини «инглиз тадбиркорлари истеъдоди» таъминлаганлигини таъкидлаган эди. Ж.Б. Сейнинг асосий тезисида маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар асосий фаолият қўрсатади дейилади. Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир. Тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади.

Қайд этиш лозимки, иқтисодиёт фанининг асосчилари тадбиркорлик шаклига кам эътибор берганлар. Тадбиркорлик фаолияти уларнинг илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил объекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А. Смит (1723-1790) ва Д.Рикардо (1772-1823) иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи механизм деб қабул қилганлар. Ушбу механизмда ижодий тадбиркорликка ўрин йўқ эди. «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» (1776й.) китобида А.Смит тадбиркор таърифига алоҳида эътибор берган эди. А.Смит фикрича, тадбиркор – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смит фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қиласи. Бу ишлар, ўз навбатида, бозор тизими билан боғлиқ. Шу боис А.Смит бизларни бозор тизимининг марказий механизми – рақобат механизми билан таништиради. Ўз манфаатини кўзлаб юрган ҳар бир киши бозорда шу мақсад билан юрган кишиларга дуч келади. Натижада, бозордаги ҳар бир ҳаракат қилувчи субъект рақобатчи таклиф қилган нархларга рози бўлади. Бундай рақобатда ўхшаш товарларга меъёрдан ортиқ нарх қўйган ишлаб чиқарувчи харидорни йўқотиши ҳеч гап эмас.

А.Смитнинг қайд қилишича, бозор жамият сотиб олишни хоҳлаган ва керакли миқдордаги товарларни ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, А.Смит бозорнинг қудратли куч эканлигини, у жамиятни керак бўлган товарлар билан доимо таъминлашини ва бу тизим ўз-ўзини мувофиқлаштиришини қўрсатиб берди. Унинг фикрича, ўз-ўзига қўйиб берилган бозор тизими

ривожланади ва бундай тизими бор халқнинг бойлиги ортаверади.

XIX-XX асрлар чегараларида тадбиркорлик институтининг аҳамияти ва ролини кўпчилик англай бошлади. Француз иқтисодчisi Андре Маршалл (1907-1968 йй.) биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг учта омилига (ер, капитал, меҳнат) тўртингчи омил – ташкиллаштириш омилини қўшди. Шу вақтдан бошлаб тадбиркорлик тушунчаси ва шу соҳада олиб бориладиган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) Ж.Б.Сейнинг «учлик формуласига» бир оз ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим тўрт омил иштирок этади:

- 1) капитал;
- 2) ишлаб чиқариш воситалари ва ер;
- 3) тадбиркорлик фаолияти;
- 4) ишчининг меҳнати.

Ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради: капиталдан капиталист қўшимча фоиз олади; ер рента беради; капиталистнинг ишбилармонлик фаолияти даромад келтиради; ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди. Бошқача қилиб, Ж.Б.Кларк сўзи билан айтганда: «Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади»<sup>1</sup>. Тадбиркорлик фаолиятини у ана шундай тушунган.

Машҳур америкалик иқтисодчи Й. Шумпетер (1883-1950) ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси»<sup>2</sup> китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбир-корлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: «Функцияси янги комбинация-ларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаемиз». Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган (1974) инглиз иқтисодчisi Фридрих Фон Хайн (1899-1984) бошқача ёндашган. Унинг фикрича, тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, ҳатти-ҳаракатларни таъминлашдир.<sup>3</sup> Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади.

На хорижда, на бизда ҳали тадбиркорликнинг умум томонидан эътироф қилинган таърифи мавжуд эмас. Америкалик олим Р.Хизрич, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс»<sup>4</sup>, - деб

<sup>1</sup> Ж.Б. Кларк. Распределение богатства. М., 1994. 40-бет

<sup>2</sup> Й. Шумпетер. Теория экономического развития. М., 1982.

<sup>3</sup> Ф.Хайн. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журнали, 1989. 12-сони.

<sup>4</sup> Р. Хизрич., С. Питерс. Предпринимательство. М., 1991, 20-бет.

таъкидлайди.

Инглиз профессори А.Хоскин эса «ишиň үз ҳисобидан олиб борувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади»<sup>5</sup>, - деб изоҳлайди.

Бугунги кунда тадбиркорлик назариясини ривожлантиришнинг тўртта босқичи мавжуд.

XVIII асрдаёқ вужудга келган биринчи босқич – тадбиркорлик хавфхатарини ўзига олиш, бошқача қилиб айтганда, таваккалчилик билан боғлиқ. Тадбиркорликнинг иккинчи босқичи эса инновация жараёни билан боғлиқдир.

Америкалик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг новаторлик ҳарактери қуйидагиларда акс эттирилади:

- бозор учун янги товар ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш;
- янги сотиш бозорларини ўзлаштириш;
- хом ашёнинг янги турлари ва манбаларини топиш.

Тадбиркорликни вужудга келишининг учинчи босқичи тадбиркорликнинг алоҳида шахсий сифатлари: иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши билан таърифланади.

Тадбиркорлик назариясининг ривожланишидаги ҳозирги босқични тўртинчи босқичга киритиш мумкин. Унинг пайдо бўлишини тадбиркор ҳаракатини таҳлил қилишдаги бошқарув аспектига кўчирилиши билан боғлайдилар. Бу ҳозирги вақтда назарияда тадбиркорлик муаммолари таҳлили кўплаб ўзаро боғлиқ фанлар доирасида олиб борилишини билдиради.

Ҳозирги замон назарий тадқиқотларида нафақат тадбиркорликка ишларни мустақил олиб бориш усули сифатида, балки фирма ичидаги тадбиркорликка ёки интрапренерликка эътибор қаратилади. «Интрапренер» атамаси амалиётга америкалик олим Г.Пиншо томонидан киритилган.

Интрапренерликнинг пайдо бўлиши кўпгина йирик ишлаб чиқариш тузилмалари, уларда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг тадбиркорлик шаклига ўтиши билан боғлиқ,. Тадбиркорлик иши ижод эркинлигининг мавжуд бўлишини кўзда тутганлиги сабабли яхлит ишлаб чиқариш бирикмаларининг бўлинмалари ҳаракат қилиш эркинлигини оладилар, бу тадбиркорликнинг асосида ётувчи ғояларни амалга ошириш учун зарур бўлган интракапиталнинг мавжудлигини назарда тутади.

Таникли олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, тадбиркорнинг ўз фаолияти соҳасида олиб борадиган ишлари кўп кирралидир. Бу бозор сиёсатининг ўзгариши билан ёки корхонанинг ички ва ташки омиллари таъсирида аниқланади. Лекин тадбиркорнинг асосий

<sup>5</sup> А.Хоскин. Курс предпринимательства. М., 1993, 23-бет.

мақсади манфаат (фойда) кўриш билан бир қаторда, бозорда самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ишларни амалга оширишдир. Бунинг учун тадбиркорликни бошқариш ва унга кўмак берувчи замонавий менежмент усулларига асосланган механизмни яратиш ва ундан унумли фойдаланишни таъминлаш зарурдир. Бозор шароитида тадбиркорликни бошқаришда унинг қуидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак:

- тадбиркор ҳар доим бозордаги талаб ва таклифни эътиборга олиб иш кўради;

- тадбиркор самарадорликни таъминловчи саъй-ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўлларини қидиради;

- бизнеснинг пировард натижаларига жавоб берадиган шахслар, ўз бизнесини эркин шарт-шароитларда олиб боришига етарли имкониятлар яратишиди;

- кичик корхонанинг пировард натижалари, яъни унинг оладиган фойда ёки заари фақат бозордаги олди-сотди жараёнида маълум бўлади;

- кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор ўз маблагларини ҳаракатга солиб, бозорда қандай хавф-хатарга дуч келиши ёки якуний натижа қандай бўлишини аниқ билмайди.

Шундай қилиб, тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташабbus, жавобгарлик, тадбиркорлик гоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади.

Тадбиркорлик иқтисодий фаолликнинг алоҳида тури бўлиб, унинг бошланғич босқичи, одатда, фикрлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан боғланган бўлади, фақат у кейин моддий шаклни олади.

Тадбиркорлик янгилик киритиш, товар ишлаб чиқариш фаолиятини ўзgartiriш ёки корхонани (шу жумладан, кичик корхонани) ташкил қилиш соҳасида ижодкорликнинг мавжудлиги билан таърифланади. Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги усуллари ёки янги технологияларини тадбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Тадбиркорнинг ўзи тадбиркорлик фаолиятининг асосий субъекти бўлади. Аммо тадбиркор ягона субъект эмас, ҳар қандай ҳолда у ишлаб чиқарилган товар ёки хизматнинг истеъмолчиси ҳамда ҳар хил вазиятларда ёрдамчи ёки рақиб сифатида бўлувчи давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур. Истеъмолчи ҳам, давлат, ҳам, ёлланма (ишчи) ходим ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари қаторига кирадилар.

Тадбиркор ва истеъмолчининг ўзаро муносабатларида тадбиркор фаол субъект категориясига киради. Истеъмолчи эса бунда пассив рол ўйнайди. Бу ўзаро муносабатларни таҳлил қилишда истеъмолчи тадбиркорлик жараёнининг индикатори ролини бажаради. Тадбиркор фаолияти предметини ташкил қилувчи барча нарса истеъмолчининг ижобий баҳосига эга бўлган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчи томонидан товарга баҳо берилади ва кейин у ёки бу товарни ҳарид қилишга тайёрлиги аниқланади. Тадбиркор ўз фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилишда

истеъмолчининг кайфияти, истаги, манфаатларини ҳисобга олиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор учун истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишдан бошқа истеъмолчига таъсир қилишнинг йўли йўқдир. Аммо бу тадбиркор истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши кераклигини билдирамайди. Тадбиркорнинг ўзи истеъмолчининг талабини шакллантириши, янги истеъмол эҳтиёжларини яратиши (агар ҳаридор учун зарур бўлган янги товар яратилса) мумкин. Шундан келиб чиқсан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг икки усулини келтириш мумкин:

- истеъмолчи манфаатини аниқлаш усули;
- истеъмолчига янги товар ёки хизматларни «мажбуран қабул қилдириш» усули.

Шундай қилиб, тадбиркорнинг асосий мақсади – ўз истеъмолчиларига эга бўлиш йўлида товарга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборатdir. Тадбиркор ўз истеъмолчиларини шакллантиришда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиши керак:

- товарнинг янгилиги ва унинг ҳаридор манфаатига мос келиши;
- товар ёки хизматларнинг сифати;
- товар ёки хизматларнинг нархи;
- товарнинг универсаллик даражаси;
- товарнинг ташқи кўриниши, унинг ҳаридор талабига мослиги;
- сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имконияти;
- товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги;
- товарлар ва хизматлар рекламасининг жозибалилиги, ҳаридор дикқатини ўзига жалб қилиши ва ҳоказо.

Хулоса шундан иборатки, агар ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тадбиркор фаол субъект ролида бўлса, унда тадбиркорлик жараёнининг ўзи, унинг самарадорлиги ва мазмуни нуқтаи назаридан истеъмолчи фаол рол ўйнайди ва тадбиркор бу омилни инкор эта олмайди.

Тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари, қобилиятлари, имконият-лари ва ишга доир сифатлари тадбиркорликнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлади. Тадбиркорнинг ишга доир сифатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

- биринчидан, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан таъминланиш даражасини таҳлил қилиш йўли билан иқтисодий хўжалик тизимида ўз ўрнини топиши;
- иккинчидан, шахсий ишлаб чиқариш тузилмасини яратишга тайёрлик қобилияти;
- учинчидан, маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, дастлабки тадбиркорлик ҳисоб-китобларини амалга ошириши;
- тўртинчидан, тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишда раҳбарликни тўғри йўлга қўйиш қобилияти;
- бешинчидан, янги техник, технологик ғояни биринчи бўлиб ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда ушбу ғоядан амалда фойдаланиш, ундан қандай якуний

натижа, маҳсулот ёки хизматлар олиш мумкинлигини тасаввур қила олиши.

Тадбиркорнинг ушбу ишбилармонлик тамойиллари унинг ижодкорлигига асосланади. Айнан ана шу ижодкорлик Й.Шумпетер фикрига асосан, тадбиркор бошқалар эътибор қилмаган ва билмаган ишларга эътибор қилиб, фаолият юритиш имконини беради.

Ижодкорлик тадбиркорни таърифлашда асосий мезон бўлади, аммо у ҳар хил шаклларда намоён бўлиши мумкин. Тадбиркор бошқа ижодкор кишилар томонидан амалга оширилган кашфиётлар, топилмалардан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкинлигини билади. Шу билан бирга, у бу янгиликлардан ҳаридорнинг қизиқишини уйготувчи янги, ажойиб нарса ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиш йўлларини топа олади.

Аммо кашфиёт ва янгилик факат товар турининг янги таркибий қисмини яратишда эмас, балки товар ишлаб чиқаришни янгилаш жараёнига жалб қилишни талаб қилмайдиган оддийроқ шаклларда ҳам намоён бўлади. Масалан, у товар ўрамининг янгилаши, анъанавий товарга янги хусусиятлар ва сифатлар бериш кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Тадбиркор фаолиятининг бошқа томонларида ҳам кашфиётчилик элементларини қўллаши мумкин. Масалан, у ишлаб чиқаришнинг, маҳсулотни сотишини бошқаришнинг янги шаклларини топади, шериклик муносабатларини ўрнатади, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларидан фойдаланади.

Тадбиркорликнинг яна бир муҳим хусусияти ишлаб чиқариш жараёнида янги ғояларнинг амалга оширилиши бозор томонидан қандай қабул қилинишини олдиндан кўра билиш қобилиятида намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, янгиликни бозорда татбиқ этиш ва истеъмолчининг жавобини битта жараёнга бирлаштира олиш тадбиркор муваффақиятининг гаровидир.

Кўпгина тадқиқотчилар жамиятда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони кўпайиб бораётганлигини таъкидлайдилар. Маълумотларга кўра, мустақил фаолият юритувчи аҳолининг 8-10% қисми тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин. Тадбиркорлик ҳар қандай бошқа касб каби ишбилармонлик сифатларини талаб қиласди.

Тадбиркор кишидан, аввало, ўзига ва ўзининг қобилиятига ишониш талаб қилинади. Ўзига, ўз кучига ишонмайдиган инсон нафақат тадбиркорликка, балки ҳар қандай соҳада ҳам ишни охиригача олиб боришга қодир эмас.

Тадбиркорнинг муваффақиятини белгиловчи кейинги шарт – агрессивликдир. Бунда гап, биринчидан, тадбиркорга нимададир биринчиликка эга бўлишлик ишончини берувчи, иккинчидан, тадбиркорнинг аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатларни бажаришида ташабbusни тортиб олишга ҳаракат қилувчи агрессивлик ҳақида гап кетаяпти. Шундай қилиб, бу ўриндаги агрессивлик амалда ғоялар, лойиҳа ва ташабbusни тортиб олиш ва уни тез амалга оширишни билдиради. Бундай агрессивлик атрофдагиларга (хаммадан олдин рақибларга) тўғридан-тўғри заарар келтирмайди, у бевосита заарар келтириши мумкин (агар бирор қандайдир товарни ишлаб чиқаришда

ташаббусни ўз қўлига олса, бошқа киши бундай товарни ишлаб чиқара олмайди, демак, товар ишлаб чиқариш бўйича ташаббусни биринчи бўлиб бошлаган тадбиркорнинг ҳаракати у мўлжаллаган даромадни олишига имкон бермайди).

Тадбиркор қўпгина ҳолларда ўз жамоаси билан ҳаракат қиласди, шунинг учун тадбиркорлик ғоясини амалга ошириш жараёнига самарали таъсир қилувчи жамоани яратгандагина муваффақиятга эришади. Шу муносабат билан тадбиркорнинг олдида мураккаб муаммолар туради. Булар бизнеснинг муваффақияти учун қандай ихтисосдаги мутахассислар кераклигини, улар қандай сифатларга эга бўлишлари зарурлигини, уларнинг тадбиркор шакллантираётган руҳий муҳитга кира олишлари мумкинлигини аниқлаш муаммоларидир.

Ҳар қандай фаолиятдан кутиладиган самара инсонга, аввало унинг меҳнат маданияти даражасига боғлиқдир. Масалан, японлар ўзларининг «иқтисодий мўъжизалари» асосида нафақат илм, илмий-техник ва технологик ютуқлар, балки меҳнат маданиятининг ўзгариши ётганлигини таъкидлайдилар. Япония эксперталарининг фикрига кўра, бунинг учун япон жамиятига 30 йил керак бўлган.

Меҳнат маданияти деганда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси, меҳнатнинг янги, самаралироқ усусларини қўллаш, ҳамкаслар ва қўл остидагилар билан муомалада самимилик, янги ғоялар, технологияларни қидириш, мулкка ва ишлаб чиқариш муносабатларига эҳтиёткорона ёндашиш тушунилади.

Корхона фаолиятини бошқаришда тўғри қарор қабул қилиш тадбиркорнинг энг муҳим сифатларидандир. Бошқача қилиб айтганда, бу тадбиркорнинг ўз фаолияти, ўз бизнеси соҳасида жавобгарликни ўз зиммасига олишидир. Ҳакиқатдан ҳам тадбиркор, қарор қабул қилиб, уни амалга оширишда нафақат ўз шериклари олдида, балки ўзининг келажакдаги қарорининг оқибати учун жавобгарликни ҳам ўзига олади. Бинобарин, жавобгарликни ўзига олиш жараёни, айни бир вақтда, хавф-хатарни ўзига олишни ҳам билдиради. Шундай қилиб, хавф-хатарни кўра билиш ва уни бартараф этиш учун тайёрлик ҳам тадбиркорга хос бўлган муҳим сифатдир.

Тадбиркорлик ниятини амалга ошириш белгиланган даражада тадбиркорнинг мотивлашуви (манфаатдор бўлиши)га боғлиқ. Тадбиркорлик назариясининг асосчиси Й.Шумпетер учта асосий мотивни ажратган:

- биринчидан, ҳокимлик қилиш, ҳукмронлик, таъсир қилишга эҳтиёж;
- иккинчидан, аниқ ҳаракатларни бажариш орқали эришиш мумкин бўлган ғалабага ирода, муваффақият сари ҳаракат;
- учинчидан, мустақил иш фаолияти берувчи ижодкорлик қувончи.

Аммо, Й.Шумпетер томонидан таклиф қилинган мотивлаштириш назарияси ғарбий мамлакатлар тадбиркорларининг фикрлаш услубини акс эттиради. Тадбиркорликнинг тарихий томирларига эга бўлган Ўзбекистонда тадбиркорликнинг замонавий ҳақиқатларга асосланган ўз мотиви бўлиши керак. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти бир қатор ўзига хос аломатлар ва хусусиятлар билан бирга бўлади. Бизнинг мамлакатимизда

тадбиркорликни мотивлаштириш хусусиятлари қуидаги аломатларга эга:

- ўз салоҳиятини амалга оширишга ҳаракат қилиш;
- энг муҳим, иқтисодий ва ижтимоий самара келтирувчи ғоялар-ни амалга ошириш истаги;
- тўрачилик тузилмалари билан боғликлардан қочиш, ҳаракатлар эркинлиги ва фаолият кўрсатиш жараёнида мустақил бўлиш;
- қизиқарли иш билан мустақил ва эркин шуғулланиш;
- ўзининг ижтимоий мақоми ва обрўсими оширишга интилиш ҳамда ўзига ва ўз яқинларига муносаб турмуш шароитларини таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган истакларни муваффақиятли амалга ошириш учун тадбиркор бир қатор изчил ҳаракатларни амалга ошириши керак. Бу ҳаракатлар танлаб олинган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш шаклларига боғлиқ. Шу муносабат билан тадбиркор ўз фаолиятини ташкил қилишнинг қуидаги иккита таркибий қисмини таҳлил қилиши керак:

- бозор ва унда вужудга келадиган вазият;
- ишлаб чиқариш тузилмаси.

Иш муҳитини таҳлил қилишда тадбиркор бу қисмлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатишнинг самарали усулини топиши керак. Аммо, бунга эришиш қийин. Чунки, биринчидан, иккала таркибий қисмлар сифати турлича. Бозор динамик ўзгарувчан механизмдан иборат. Унга доимо кузатиладиган талаб, таклиф, нарх, рақобат шароитларининг ўзгариши хосдир. Шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш тузилмаси консерватив, кам ўзгарувчан. Ишлаб чиқариш дастурлари ҳар кунлик ўзгаришларни кўзда тутмайди. Иккинчидан, бозор ва ишлаб чиқариш фазо ва вақтга бўлинган. Фазовий бўлиниш шуни билдирадики, бозордаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш тузилмасидаги худди шундай ўзгаришларни келтириб чиқара олмайди. Бу ҳолат вақт бўйича бўлиниш билан ҳам чукурлашади, тадбиркор ишлаб чиқариш дастурини шакллантиради ва уни бозор-даги вазият ҳақидаги ахборотлар билан асослайди. Аммо дастурни бажариш маълум бир вақтни талаб қиласи, шу вақт ичиде бозорда жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Бунинг натижасида ишлаб чиқарилган товар ёки хизматлар бозорда керак бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун тадбиркор муҳим қарорларни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи маркетинг тадқиқотлари бозорда вазиятнинг ривожланиш башоратига асосланиши керак.

Қарор қабул қилиш, масъулиятни зиммасига олиш каби функциялар тадбиркорликни бошқариш фаолияти билан боғлайди. Шунинг учун ҳам тадбиркорни менежердан ажратмоқ зарур. Буларнинг ҳар бири ўзига хос функцияларни бажаради. Бир томондан тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни бошқариш фаолиятидан кенгроқ бўлса, бошқа томондан ҳар бир ишбилармон ҳам менежмент функцияларини бажара олмайди. Менежмент асосларига бағишлиланган китобда бу хақда яхши фикр билдирилган: «Шахсий таваккалчиллик, молиявий имкониятга бўлган муносабат, тинимсиз қаттиқ меҳнат қилиш каби хусусиятларга эга бўлган тадбиркор йириклишиб

бораётган корхонани бошқарыб кетади, деган гап эмас»<sup>6</sup>.

Менежернинг «шаклланмаган тузилмани шакллантириш» қобилияти иши юришиб кетаётган ишбилармонга доимо ҳам хос бўлавермайди. Шу сабабли йирик корхоналар раҳбариятига менежерлар келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шароитда «тадбиркор» тушунчasi «менежер» тушунчасига жуда яқин туради. Шу билан бирга, тадбиркор мулкдор бўлса, менежер бошқарувчидир. Амалда эса, аксарият мулкдорлар менежер функциясини бажаради, қатор менежерлар эса ўзлари бошқарыб турган ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлиб қолмоқда.

«Тадбиркорлик» тушунчаси тадбиркорнинг энциклопедик луғатида қуйидагича таърифланади:

**Тадбиркорлик** – (ингл. enterprise) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкий масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор (фрн. ентрепренеур) қонун томонидан тақиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қофозлар билан иш олиб бориш билан шуғулланиши мумкин.

Тадбиркорлик шахсий ва ижтимоий фойдаларни қўзлаган ҳолда даромад олиш учун сарфланаётган маблағ билан боғлиқ фаолиятдир. Тадбиркорликка берилган ушбу таъриф батафсиллиги билан ажралиб туради. Бу таърифда тадбиркорлик фақат маълум фаолият билан шуғулланиш эмас, балки бевосита фаолият кўрсатишдан иборатлиги таъкидланган. Тадбиркорликка берилган қатор таърифларда энг муҳим ҳолат, яъни шахсий даромад билан ижтимоий фойданинг яхлитлик хусусияти қўрсатилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларига қуйидагилар киради:

- хўжалик фаолияти олиб бораётган субъектларнинг мустақиллиги ва эркинлиги. Ҳукуқий меъёрлар чэгарасида ҳар бир тадбиркор у ёки бу масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиши мумкин.

- иқтисодий манфаатлилик. Тадбиркорликнинг асосий мақсади максимал даражада даромад олишни қўзлаб, жамият тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишдир.

- хўжалик таваккалчилиги ва масъулият. Ҳар қандай ҳисоб-китобда ҳам ноаниқлик ва таваккалчилик бўлиши мумкин.

Тадбиркорликни шакллантириш учун иқтисодий, ижтимоий, ҳукуқий ва бошқа муайян шароитлар яратилиши керак. Иқтисодий шароитларга қуйидагилар киради: товарга бўлган таклиф ва талаб; ҳаридор сотиб олиши учун товар турларининг мавжудлиги; ҳаридор сотиб олиши учун керак бўлган пул ҳажмининг мавжудлиги; ишчиларнинг маошига, яъни сотиб олиш имкониятига таъсир кўрсатувчи ишчи жойларининг, ишчи кучларининг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги.

Пул ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш

<sup>6</sup> М.Х. Мескон, М.Альберт, Ф.Хедуори. Основы менеджмента. М., 1992.44-бет.

имкониятлари, киритилган капиталдан олинаётган даромад миқдори ва ўз ишбилармонлик операцияларини молиялаштириш учун олинмоқчи бўлган кредит миқдори иқтисодий шароитга таъсир этади.

Бу ишларнинг барчаси билан бозор инфратаркибини ташкил қилган турли хилдаги ташкилотлар шуғулланади. Тадбиркорлар шундай ташкилотлар билан алоқа ўрнатиб, тижорат операцияларини амалга оширади. Молия хизматини кўрсатувчи банклар, хом ашё, материаллар, яrim тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, энергия, машина ва ускуналар, инструментлар билан таъминловчилар; товарни ҳаридорга етказувчи улгуржи ва чакана савдогарлар; касбий, юридик бухгалтерия хизматларини, воситачилик хизматини кўрсатувчи фирма ва корхоналар; ишчилар кучини ёллашда ёрдам берувчи ишга жойлаш агентликлари; ишчи ва мутахассис хизматчиларни тайёрлаётган ўқув юртлари; реклама, транспорт, суғурта агентликлари; алоқа ва ахборотни узатиш воситалари ушбу ташкилотлар тизимини ташкил этади.

Тадбиркорликнинг шаклланиши иқтисодий шароит билан чамбарчас боғлиқ. Тадбиркорлик шаклланишининг иқтисодий шароитига ижтимоий шароит яқин туради. Ижтимоий шароит, аввало, ҳаридорларнинг диди ва модага жавоб бера оладиган товарларни сотиб олишга интилиши билан белгиланади. Турли босқичларда ушбу талаб ўзгариб туриши мумкин. Бунга ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқ бўлган аҳлоқий ва диний меъёрлар жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу меъёрлар ҳаридорларнинг турмуш тарзига ва у орқали товарларга бўлган талабига бевосита таъсир этади. Ижтимоий шароит шахснинг ишга бўлган муносабатига ўз таъсирини ўтказади, бу эса, ўз навбатида, бизнес таклиф этаётган маошнинг миқдорига, меҳнат шароитига бўлган муносабатга таъсир этади.

Тадбиркорлик фаолиятининг шаклланишида ишбилармон ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун тадбиркорлик фаолиятини олиб боришининг замонавий услубларини ўрганишни ташкил этиш, ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, уларни ривожланган мамлакатларга малака ошириш учун юбориш, ишбилармонларни ўқитиш учун ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш, тадбиркор сектори учун ходимларни танлаш бўйича маслаҳат марказларини очиш керак.

Ҳар бир тадбиркорлик фаолияти тегишли ҳуқуқий муҳитда кечади. Шунинг учун керакли ҳуқуқий шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Бу нарса биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга келтирувчи фармонлар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиб берувчи қонунларнинг мавжудлиги, яъни корхоналарни рўйхатдан ўтиш жараёнининг қисқа ва оддий бўлиши; тадбиркорликни давлат бюрократизмидан ҳимоя қилиш; солик қонунчилигини такомиллаштириш; Ўзбекистон ва чет эл ишбилармонларининг ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир. Шу билан бирга бунга кичик тадбиркорлик ишларига кўмаклашиш худудий марказларини ташкиллаштириш, статистика шакли ва ҳисоб-китобини такомиллаштириш киради. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолати масаласи билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

АҚШнинг тадбиркорлик соҳасида кўп йиллар мобайнида қўллаб келаётган қонунлар тизими бунга мисол бўла олади. Улардан бир нечасига эътибор берайлик (2.1-жадвал)<sup>7</sup>:

Давлатнинг ишбилармонлик фаолиятини тартиблаштириш кераклигини асослаб берар экан, Ф.Котлер ушбу қонунлар пайдо бўлишининг уч асосий сабабларини кўрсатиб берди:

- фирмаларни бир-биридан ҳимоя қилиш зарурлиги. «Тадбиркорлар бир овоздан рақобатни мақтайдилар, лекин уларнинг манфаати рақобат билан тўқнаш келгандা уни бартараф қилишга ҳаракат қиласидилар<sup>8</sup>».

Шундан келиб чиқиб, «ғирром рақобат» нинг олдини олиш қонунлари пайдо бўлди:

- виждонсиз амалиётдан истеъмолчиларни ҳимоялаш зарурлиги.

## **2.1-жадвал**

### **АҚШда тадбиркорлик соҳасида узоқ йиллар мобайнида амал қилаётган қонунлар тизими**

<b>Қонунлар</b>	<b>Қонунларнинг асосий моҳияти</b>
Трестларга қарши Шерман қонуни (1890 й.)	а) монополия ёки монополиялаштиришни тақиқлаш; б) штатлараро ёки ташқи савдени чеклашга қаратилган турли хилдаги шартнома, келишув ва бирлашмаларни таъқиқлаш.
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва медицина препаратларининг сифатлилиги	Штатлараро савдо-сотикқа қалбакилаштирилган ёки марка ёпиштирилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ташиш, сотишни тақиқлаш. Бу қонун 1938 йилда озиқ-овқат, дори-дармон ва косметика воситалари ҳақидаги Федерал қонунига
Федерал савдо комиссияни таъсис этиш ҳақидаги қонун (1954 й.)	«Савдода рақобатнинг виждонсизлик услуби ноқонунийлиги» ни текширувчи идорани-комиссияни таъсис этишни назарда тутади.
Клейтон қонуни (1914 й.)	Амалий фаолиятнинг айрим турларини тақиқ етuvчи Шерман Қонунига қўшимча киритилди (нархларни кам-ситиши турларини аниқлаш, шартномага ҳамкор ҳаракатини чекловчи моддани киритиш, сотишнинг чеклаш тажрибасини қўллаш, бошқа корпорациялар
Уилер Ли қонуни (1938 й.)	Рақобатга зарар келтириш ёки келтирмасликдан қатий назар нопок, фириб ҳаракат ва усусларни тақиқлаш; озиқ-овқат, дори-дармон рекламаси устидан Федерал

<sup>7</sup> Предпринимательство: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, проф. Г.Б.Поляка, проф. В.А.Швандара. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2001. 18-бет.

<sup>8</sup> Котлер Ф. Основы маркетинга: Пер. с англ. – М.: Прогресс, 2000. –с.168.

Товарнинг асллиги унинг ўрами ва маркасида акс этиши ҳақидаги /1070\	Кенг истеъмол товарлар ўрами ва маркалашига қоида жорий этилиши ўрам ичидаги нима борлигини, ишлаб чиқарган шахс номини ва ўрам ичидаги нарсанинг аниқ миқдорини кўрсатишни талаб қилади.
Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлишилиги ҳақидаги қонун /1070\	Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлиши билан боғлиқ муаммолар бўйича комиссия таъсис этилиши ва унга истеъмол товарларига нисбатан хавфсизлик стандартларини қўллаш ва ушбу стандартларга риоя
Қарзларни вижданан ундириб олиш ҳақидаги /1070\	Қарзларни ундириб олишда одамларни қўрқитиш, таъқиб қилиш, аёвсизларча муносабатда бўлиш, тухмат қилиш ноқонуний деб эълон қилинди.

Шундан келиб чиқиб, назоратсиз қолиб, сифатсиз товар чиқараётган, рекламада ёлғон ахборот бераётган, ўраш ва нарх ёрдамида алдаётган фирмаларга қарши қаратилган қонунлар жорий этилди.

Ҳар қандай тадбиркорлик маълум бир ҳудудда: мамлакат, вилоят, шаҳар ёки қишлоқ миқёсида олиб борилади. Тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун маълум бир ишчи муҳити бўлиши керак.

Бундай муҳит айрим ҳудудлар миқёсида мужассамланиб, ўзида ишбилармонлик функцияларини амалга оширишни мужассамлантирган. Умумий ҳолда тадбиркорлик муҳити асосан қуйидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғликлigi натижасида амалга оширилади. Улар ижобий ёки рағбатлантириш кўринишида ҳам шаклланиши мумкин. Ушбу ҳолда мамлакат ёки минтақадаги мавжуд шартшароитлар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мос бўлади. Чунки, бундай муҳит тадбиркорга амалга ошираётган ишларининг натижалари қандай бўлишини олдиндан кўра билишига кенг имконият тутғиради. Тадбиркорнинг ўз иши натижаларини олдиндан кўра билиши таваккаллик тушунчасига тескари ҳолда ифода этилади. Агар тадбиркор маълум бир муҳитда таваккалчилик асосида фаолият кўрсатаётган бўлса, у ҳолда у ўзгарувчанлик, барқарорсизлик, таваккалчилик билан тавсифланади. Бундай муҳит юқорида келтирилган ижобий муҳитга тўғри келмайди. Амалда кўп ҳолларда тадбиркорлик муҳитининг маълум бир омили тадбиркорнинг иш натижаларига асосий таъсир кўрсатади, деб бўлмайди. Чунки, тадбиркорни кўпроқ тадбиркорлик муҳитини белгиловчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги қизиқтиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган омиллардан ҳуқуқий омиллар асосий омил бўлиб ҳисобланади, чунки тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тадбиркорлик муҳитида амалга оширилиши мумкин бўлган ўйинлар қоидасини кўрсатиб беради. Ўйинлар қоидаси тушунчаси рухсат этилган ва амалга оширилаётган иш (ҳаракат)ларни ўз ичига олади. Рухсат этилган иш (ҳаракат)ларга нисбатан ўйин қоидалари турли шаклда намоён бўлади. Ўйин қоидалари нима қилиш мумкин-у нима қилиш мумкин эмас тамойили

асосида ишлаб чиқилиши мумкин. Бу қоидаларда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш йўлидаги барча чэгара ёки чекловлар яққол кўрсатилиб берилиши керак. Умуман олганда, ҳукуқий омил – тадбиркорлик фаолиятини юритиш йўлидаги барча қонунлар (солиқ, ер, меҳнат муносабатлари) ва йўриқномалар мажмуи бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солади ҳамда тадбиркорнинг иқтисодий жараёндаги бошқа субъектлар билан муносабатини мужассамлантиради.

Ҳукуқий базанинг тўлиқ ёки бир меъёрда юритилмаслиги тадбиркорлик фаоллиги даражасига катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалиётда тадбиқ қилинаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил қилаётган бир бутун ҳукуқий база мавжуддир.

Ҳукуқий омилнинг тавсифига «ҳукуқий маданият» тушунчаси ҳам киради. Бунинг остида миллатнинг қонунларга тўлиқ риоя қилиши, яъни инсонларнинг онгода қонунлар талабини бажариш керак деган тушунчанинг бўлиши тушунилади. Агар, керак бўлган барча қонунлар қабул қилинса-ю, лекин улар амалда ишламаса ёки тадбиқ қилинмаса, бундай жамиятни қонунларга бўйсунувчан деб бўлмайди ва буни тадбиркор ўз фаолиятини юритишда эътиборга олиши шартдир.

Сиёсий омил тадбиркорлик жараёнида бўлаётган барча ҳодисаларга давлатнинг муносабатини ва уларга давлатнинг таъсирини белгилаб беради. Давлатнинг тадбиркор фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатиши ёки аралashiши кераклиги ҳам сиёсий омил тушунчасига киради. Бундай аралashiш олдиндан белгиланмаган ёки белгиланган бўлиши мумкин. Умуман олганда, тадбиркорлик фаоллиги даражасига давлатнинг муносабати рағбатлантириш ёки қўшилишмаслик қўринишида намоён бўлади.

Ҳар бир мамлакатда тадбиркорликнинг ривожланишига ундаги сиёсий тизимнинг барқарорлиги катта таъсир кўрсатади. Агар сиёсий тизим барқарор бўлмаса, тадбиркорлар катта инвестицияларни жалб қиласдан юқори даражадаги фойда олиш мақсадида кичик муддатга мўлжалланган турли хилдаги операцияларни амалга оширишга ҳаракат қилишади. Сиёсий аҳволнинг барқарорлиги тадбиркорга ўз фаолиятини стратегик жиҳатдан лойиҳалаштириш, яъни узоқ муддатга мўлжалланган ишларни амалга ошириш имконини беради.

Ижтимоий омил бошқаларга нисбатан ўзининг таркиби жиҳатидан анчагина мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг таркиби кўпгина элементлардан таркиб топади. Агар тадбиркор уларни эътиборга олмаса, келгусида салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Қуйидагилар бу омилнинг асосий элементлари ҳисобланади:

- жамиятда мафкуранинг ҳолати;
- миллий урф-одатлар;
- миллатнинг маданий ва майший одатлари;
- атрофдаги кишиларнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати;
- давлатнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган

муносабати.

Иқтисодий омил бозордаги рақобатни ва нарх-наво ҳолатини ўзида акс эттиради. Нарх-наво тизими, ўз навбатида, нархларнинг даражаси, ишлаб чиқариш жараёнига тадбиркор томонидан жалб қилинаётган ишлаб чиқариш омиллари, ишчи кучи, кредит ставкаси миқдори ҳамда солиқ ва мажбурий тўловларни ўз ичига олади. Бунда бозордаги рақобат шарт-шароитлари сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқилади.

Тадбиркорликни давлат томонидан маълум бир шарт-шароитлар яратилгандагина амалга ошириш мумкинdir. Унинг таркиб топиши авваламбор жамиятдаги маълум бир вазиятнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, ундаги сиёсий ва иқтисодий вазият тадбиркорлик фаолиятини таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятининг келажаги тадбиркорлик муҳити билан белгиланади, у эса жамиятдаги ижтимоий-иктисодий вазиятни акс эттиради. Ижтимоий-иктисодий вазиятга иқтисодий мустақиллик, тадбиркорлар синфи, иқтисодий алоқаларда бозорнинг устуворлиги, тадбиркорлик капиталини мужассамлантириш шароитининг мавжудлиги ва керак бўлган ресурсларни ишлатиш киради.

Тадбиркорликнинг ижтимоий мустақаллик даражаси бозорда вужудга келаётган мустақил корхона ва ташкилотлар сони билан тавсифланади.

Тадбиркорлик муҳитини шакллантириш бошқариладиган жараёндир. Лекин бошқариш усуллари маъмурий ёки директив қўринишида бўлиши мумкин эмас. Уларнинг асосий тадбиркорлик фаолияти субъектларига таъсир қиладиган чоралардан эмас, балки шундай субъектларнинг таркиб топиши йўлида қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиши керак.

Тадбиркорлик муҳитини таркиб топтириш кўп жиҳатли жараён бўлиб, у ўз ичига қуидаги таркибларни қамраб олади:


- ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-иктисодий фалсафанинг ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жамият аъзолари психологиясининг ўзгариши;
- тадбиркорликни рағбатлантирувчи миллий дастур қабул қилиниши.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаи сифатида ижтимоий муаммоларни бартараф этишда катта рол ўйнайди, бандлик муаммоларини ҳал этиш, миллий бойликни ўстириш ва миллатнинг фаровонлиги учун хизмат қиласди. (2.1-расм.)

Ҳозирги шароитларда тадбиркорлик муҳитини таркиб топтириш нафақат миллий, балки халқаро муаммолардан ҳисобланади. Мавжуд бўлган мамлакатлараро гурухларда, масалан, Европа Иттифоқи миқёсида ягона тадбиркорлик муҳити вужудга келмоқда. Бу дегани тадбиркорлик фаолиятини юритиш Европа жамиятига киравчи барча мамлакатларда бирбирига ўхшаб кетмоқда.

Иқтисодий фаоллик ва мустақилликнинг муҳим шакли бўлмиш тадбиркорлик республикамизда бандликнинг аниқ шаклини ва янги иш жойларини барпо этиш йўлида энг ривожланган давлатлар томонидан қўллаб-куватланиб келинмоқда. Тадбиркорликнинг давлат томонидан

кўллаб-қувватланиши бир неча йиллар мобайнида маслаҳатлар бериш, молиявий ёрдам кўрсатиш ёки солиқлар тўлашда тадбиркорлар учун маълум бир имтиёзлар берилишида акс этмоқда.



## 2.1-расм. Тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши

Тадбиркорлик муҳити мамлакатнинг ривожланиши асосини ташкил қиласи ва иш билармон кишиларнинг фаолият мазмунини белгилаб беради. Турли мамлакатларда тадбиркорлик муҳити турличадир. Ривожланган мамлакатларда бундай муҳит ўзининг қулайлиги ҳамда иқтисодий жараёнларнинг юқори даражада унумли ташкил қилиниши билан ажралиб туради.

Иқтисодий жараёнлар қанчалик унумли бўлса, жамият моддий ва маънавий жиҳатдан шунчалик юқори даражада бўлади. Иқтисодий жараёнларнинг самараси амалда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг сони ва сифати ҳамда шу фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган кишилар сони билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик ишига янги тадбиркорларни жалб қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорлик муҳити даражаларига боғлиқдир. Охиргиси тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг аралашиши даражасига боғлиқ. Давлат шундай шарт-шароитлар яратиб бериши керакки, унда тадбиркорларнинг ва тадбиркор бўлмоқчи бўлганларнинг қизиқиши, хоҳиши ва интилишлари максимал даражада ўз ифодасини топсин. Жаҳон тажрибаси ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланишга эришган мамлакатларда тадбиркорлик учун барча қулайликлар яратиб берилганлигини кўрсатмоқда.

Бизнесни самарали юритиши унга ташқи муҳитдан аралашишни ёқтирамайди. Бизнесни юритишида ташқаридан озгина аралашув бўлса, унинг емирилишига олиб келмаса ҳам тадбиркорлик таркибларининг фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам давлат иқтисодиёт учун керакли бўлган барча шарт-шароитларни яратиши ва тадбиркорлар учун кўпроқ эркинлик бериши керак. Шунга асосланган ҳолда иш олиб бораётган Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида ўзининг муносиб ўрнини топмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, тадбиркорлик мұхитини яратиш билан боғлиқ бўлган омиллар гурухларга ажратилган ва шу асосда унинг шаклланиш ва ривожланиш механизмининг ташкилий-иқтисодий модели яратилган.

Тадбиркорлик мұхитига таъсир этувчи омилларни қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

- аниқ бир маҳсулотга истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти. Бунда бозордаги мавжуд ҳакиқий талаб билан кутилаётган талаб фарқланади.

Агар, маҳсулот (товар) ўзининг хусусиятлари билан аввалгиларидан ажралиб турса, унга бўлган талаб маркетинг усуслари билан аникланади:

- таваккалчилик ва бозордаги хатарларни ўз зиммасига олиб, мулк жавобгарлиги асосида иш юрита оладиган тадбиркорлар. Улар ўз мулки, билим ва сармоясими самарали ишлата олувчи юқори малакали ва маълум бозор вазиятларига мослаша олиш қобилиятига эга бўлишлари керак;

- сармояга эга бўлган инвесторлар. Бунга жисмоний шахслар ёки эркин сармояга эга корхоналар, ташкилотлар ҳамда тадбиркорларнинг ўзлари ҳам киради. Улар бир қанча тоифани ташкил қиласди: банклар, жамғармалар, сугурта компаниялари, давлат ташкилотлари, чет эл инвесторлари ва бошқалар;

- тадбиркорлик фаолиятини бир меъёрда олиб бориши имконини берувчи инфратузилмалар. Улар қаторига молия-кредит, аудит, маркетинг, консалтинг, ахборот, сугурта ва шу каби хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар киради;

- қарор қабул қилиш тизими. Бу тизим таркибига аввало, бизнеснинг ишончлилиги ва самарали бўлишини баҳолаш имконини берувчи мезонлар, усуслар тўплами киради. Тадбиркор бу тизим орқали ўз иши натижасини текшириш имконига эга булиши керак.

Шу омилларнинг тизимли ва ўзаро ҳаракат қонуниятлари тадбиркорликни фаоллаштиради ва у хўжалик механизми орқали амалга оширилади. Натижада, айrim ҳудуд ва тармоқларда янги корхоналар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тадбиркорлик обьектлари вужудга келади. Бундай фаолиятлар тадбиркорнинг билими, сармоялар, бозор талаби, давлат ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро манфаатли ҳаракати туфайли фаоллаша боради ва бозорга мослашади.

Ишбилармонлик мұхитини таҳлил қилиш жараёнида тадбиркор ҳар бир миллатнинг анъаналари, урф-одатлари, қандай озиқ-овқатларни истеъмол қилиши ва қандай буюмларни кийишини инобатга олиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари халқнинг тўлов қобилиятини билиш ҳам катта аҳамият қасб этади. Ушбу омил истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Тадбиркор шу омилни ҳар томонлама таҳлил қилишда ўз мамлакатидаги бозор вазиятини ҳамда ушбу маҳсулотни келажакда экспорт қилиш мумкин бўлган қўшни мамлакатлар бозорини ҳам кўриб чиқиши керак.

Ҳар бир тадбиркор ўзини ўраб турган мұхитга қўшилиб кетиши учун ишни унинг таҳлилидан бошлиши лозим. Тадбиркорлик мұхитини таҳлил

қилишда тадбиркор маълум бир чегарада касбий фаолият кўрсатиш учун қандай иқтисодий манфаатини амалга ошириши мумкинлигини белгилаб олиши керак. Иқтисодий манфаатни амалга ошириш, авваламбор тадбиркорнинг ўз ишини ташкил қилганлик даражасига боғлиқ бўлади. Ўз ишини ташкил қилганлик эса тадбиркорнинг маълум бир ишбилармонлик муҳитига мустақил кириши билан белгиланади.

Тадбиркор маълум бир тадбиркорлик муҳитига киришар экан, диққат-эътиборини фақат ўз ғояларини амалга оширишга эмас, балки қандай қилиб инвесторларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга ҳам қаратиши керак.

Тадбиркорнинг ўз ишини ташкил қилишидаги асосий вазифа, аввало, ўз ғояларини маълум бир муҳитга тадбиқ қилиш учун керакли бўлган бирламчи капитални барпо қилишдан иборатdir.

Тадбиркорлик ғоясини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш жараёнининг мавжудлиги талаб қилинади.

Тадбиркор ишбилармонлик ғояларига ва мақсадларига тўғри келадиган ва жалб қилинган капиталнинг ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда янги ишлаб чиқариш таркибини шакллантиради. Агар тадбиркор ўз ғоясининг ташаббускори ва инвестори сифатида иштирок этаётган бўлса, фаолиятининг ташкилий-хуқуқий шаклини, корхона учун қўшаётган ўз ҳиссасини олдиндан белгилаб олиши керак. Шундай қилиб, тадбиркорнинг ўз ишини ташкил қилиш тамойили жамият учун янги ишлаб чиқариш таркибини шакллантириш ва унда ўзининг қай даражада иштирок этишини белгилаб олишдан иборатdir.

Ўз ишини тўғри ташкил қилиш тадбиркорликнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадбиркор бу феноменни барпо килувчи барча қисмларни ҳар томонлама эътиборга олиши керак. Тадбиркор фаолиятининг бу жиҳатларини ўрганишда унинг фаолияти кетма-кетлигини кузатиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорнинг асосий ҳаракатлари кетма-кетлиги қуидагича бўлиши мумкин:

- биринчидан, бизнес ғоясини ишлаб чиқиш;
- иккинчидан, ишбилармонлик муҳитини чуқур ўрганиб чиқиш;
- учинчидан, тадбиркорнинг иқтисодий манфаати билан бизнес ғоясининг ўзаро тўғри келиши, тадбиркорлик ғояси билан тадбиркорлик муҳитининг ўзаро мувофиқлиги;
- тўртинчидан, ғояни амалга ошириш учун керакли бўлган капитал ҳажмини белгилаб олиш;
- бешинчидан, бизнес ғояни амалга ошириш учун керак бўлган корхона ёки ташкилотни таркиб топтириш.

Ҳар бир тадбиркорлик фаолиятининг асосини маълум бир ғоя ташкил қиласди. Бу ғоялар оддийлиги билан ажralиб туради: кимдир товарни янгича жилдлаш ғоясини беради, бозорда мавжуд бўлган товарга янгиликлар киритади ва шу асосида унга бўлган талаб даражасини оширишга ҳаракат қиласди ва ҳоказо.

Ишбилармонлик ғояси кўпинча ўз профессионал фаолиятида

мустақилликка әришиш ва қўшимча фонда олиш иштиёқида бўлган кишиларда пайдо бўлади. Бунинг учун киши иқтисодий жараёнларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, ундаги мавжуд бўлган етишмовчиликларни аниқлаб, унга ўз фаолиятини йўналтириши лозим.

Агар тадбиркорда ўз бизнесини ташкил қилиш юзасидан бирон бир ғоя мавжуд бўлса, у ҳолда у ишбилармонлик мухитини ўз ғояси ва иқтисодий манфаати билан мутаносиблик даражасини таҳлил қилиши керак.

Аввало, тадбиркор маълум бир мухитда аниқ ғояни амалга ошириш шаклини белгилаб олиши керак. Бундай шаклларнинг тури жуда хилмахилдир. Тадбиркорлик вазифалари якка ҳолда ва гурӯҳ бўлиб амалга оширилиши мумкин. Қандай шаклларни танлаш ғояга ҳамда тадбиркорлик мухитига боғлиқдир.

Тадбиркорлик мухити ва ғоясини ҳар томонлама таҳлил қилиш шу ғояни амалга ошириш учун керак бўлган капитал миқдорини белгилаб олишга ёрдам беради. Бунда тадбиркор банқдаан ёки бизнес-фонддан кредит олиши учун бизнес-режа ёки техник-иктисодий асосни (ТИА) ишлаб чиқишига тўғри келади.

Бизнес-режада тадбиркор ишбилармонлик ғоясига таянган ҳолда товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқариш учун керак бўлган шартшароитларни амалга оширишнинг барча харажатлари қанча қийматни ташкил этишини акс эттиради. Ушбу ҳолда гап керак бўлган бирламчи капитал ҳажмини белгилаш, тадбиркорлик ғоясини амалга ошириш учун жалб қилиниши лозим бўлган молиявий ресурсларни аниқлаш ҳақида кетмоқда.

Тадбиркорлик ғоясини маълум бир мухитда амалга ошириш мумкинлиги аниқланиб, ишни ташкил этиш бўйича керак бўлган молиявий маблағларни олиш манбаи танлангандан кейин тадбиркор ўз фаолиятини уч йўналишга қаратмоғи лозим.

**Биринчи йўналиш** – ишлаб чиқариш жараёнлари ва тадбиркорлик таркибларини бошқариш. Тадбиркорлик фаолиятининг ушбу йўналиши менежмент тамойилларининг тури сифатида мустақил ривожланади. Тадбиркор менежментнинг асосий тамойилларини яхши ўзлаштирган бўлиши ва замонавий менежер бўлмоғи лозим.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ҳеч қачон тадбиркорнинг бошқа йўналишларидан ажратилган ҳолда олиб борилиши мумкин эмас: у ишлаб чиқаришни фақат истеъмолчилар учун ташкил қиласди. Шунинг учун ҳам тадбиркор фаолиятининг **иккинчи йўналиши** бозорни ҳар томонлама ўрганишдир. Бозорда бўлаётган жараёнларни таҳлил қилмасдан туриб тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш мумкин эмас.

тадбиркорлик, унинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, башоратлаш ҳамда қарор қабул қилишга асос бўлади.

## **Назорат учун саволлар:**

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш тизими нималардан

иборат?

2. Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни, аҳамияти қандай намоён бўлади?

3. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари нималардан иборат?

4. Тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши қандай намоён бўлади?

### **Адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш.

3. Умурзаков У.П., Тошбоев А.Ж., Рашидов Ж.Х., Тошбоев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва мененжмент. Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. -264 б.

4. Юсупов Э.Д., Кушаров З.К. Менежмент назарияси, услугбий қўлланма, Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-манбаа уйи», 2019. Б. 356.

5. Юсупов Э.Д., Кушаров З.К., Сиддиқов З.Т., Алиева Н.А. Агроконсалтинг, услугбий қўлланма, Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-манбаа уйи», 2019. Б. 565.

6. Юсупов Э.Д., Мардиев Н. Қишлоқ хўжалигида инвестицион жфараёнларни бошқариш. Ўқув қўлланма.-Тошкент.: 2020.- 388 б.

### **Интернет сахифалари:**

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
3. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
4. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).
5. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
6. [www.agro.uz](http://www.agro.uz)

### **2-мавзу. Агробизнесда ресурслардан самарали фойдаланиш.**

#### **Режа:**

1. Агробизнесда ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш
2. Агробизнесда сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш
3. Агробизнесда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали

## фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш

### **1. Агробизнесда ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш**

Қишлоқ хўжалигининг ер ресурслари - бу қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда хусусий мулк сифатида эгалик қилишга ва фойдаланишга ажратилган ер майдонлариридир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий асоси сифатида ер ресурслари ишлаб чиқаришнинг умумий омили бўлиб, тармоқдаги бошқа ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш учун моддий асос ҳисобланади. Чунки ер қишлоқ хўжалигига бош ишлаб чиқариш воситаси ҳамда меҳнат предмети ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш восита сифатида ердан фойдаланишда унинг бир қанча хусусиятлари мавжуд:

- ер қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаси. Бошқа соҳаларда ер жой вазифасини бажариб келмоқда;
- ер майдонининг чекланганлиги ва тақорор ишлаб чиқарилмаслиги. ер табиатан чекланган, унинг майдонини инсон кенгайтира олмайди. Бошқа асосий воситаларни, масалан, тракторларни, машиналарни талабни қондириш мақсадида хоҳлаганча ишлаб чиқариш мумкин;
- ернинг табиат маҳсули эканлиги. ернинг келажакдаги тақдири табиатга боғлиқ. Бошқа асосий воситалар, яъни бинолар, иншоотлар, комбайнлар, тракторлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. Зарурият туғилганда улар инсон томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. ерни эса инсон ишлаб чиқара олмайди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш имконияти чекланган. Ундан жойлашган маконида оқилона фойдаланиш мумкин. Лекин машина ва тракторларни талаб этилган жойга олиб бориб, турли хилдаги ишларни амалга ошириш, бино-иншоотларни ҳам талаб этилган жойга куриш мумкин;
- ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлигининг мавжудлиги, яхши қараш натижасида унинг ошиб бориши, тупроққа вақтида ишлов берилса, ўғитланса, унинг унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Лекин бошқа асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши оқибатида жисмоний жиҳатдан ишдан чиқади. Улар вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти натижасида маънавий жиҳатдан ҳам эскиради. ернинг унумдорлигидан тадбиркорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Республикада мавжуд ер майдонлари жами: 4410,3 минг гектар, 21,4 миллион гектар яъни 48 фоиздан ортиқ ерлардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмоқда, шундан сугориладиган ерлар 4279 минг гектар, ёки 9,6 фоизни ташкил этади. 10.1-жадвалда Ўзбекистон ер фондидан фойдаланиш даражаси бўйича тоифаларга тақсимланиши келтирилган.

Хайдаладиган ерларнинг энг маҳсулдор ва самарали қисми суғорма ерлардир.

Ўзбекистон – қадимдан сугорма дәхқончилик мамлакати бўлиб келган. Сугорма дәхқончилик озиқ-овқат соҳасида Республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир.

Ўзбекистон ҳозирда жаҳонда сугорма дәхқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Суғориладиган ерларнинг умумий майдони салкам 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, унинг асосий қисми тупроқ-сув шароити нисбатан қулай бўлган водий ва воҳаларда жойлашган. Фарғона, Зарафшон водийлари, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм воҳалари шулар жумласидандир. 1960 йиллардан сўнг суғориладиган ерлар майдони икки мартадан зиёд кўпайди. Ўсиш асосан Мирзачўл, Қарши чўли, Элликқалъя массиви ҳисобига таъминланган.

### 10.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ерлар тоифалари бўйича тақсимланиши

Т/ Р	Ер фондининг тоифалари	Жами майдон		Шундан суғориладигани	
		Минг (га)	Жами ерга нисбатан (%)	Минг (га)	Жами ерга нисбатан (%)
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	21453,2	48,31	4217,7	9,5
2	Ахоли пунктларининг ерлари	220,4	0,50	48,3	0,1
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	1995,8	4,49	12,0	0,03
4	Табиятни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари га мўлжалланган ерлар	75,9	0,17	0,6	0,001
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	1,1	0,002	0	0
6	Ўрмон фонди ерлари	9462,3	21,31	30,7	0,07
7	Сув фонди ерлари	821,1	1,85	4,6	0,01
8	Захира ерлар	10380,5	23,37	1,8	0,004
	Жами ерлар:	44410,3	100	4315,7	9,72

Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ерлар деб қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига ажратилган, шунингдек шу мақсадларда худудий режалаштиришга мувофиқ белгиланган ер майдонларига айтилади.

Бўз ерларга илгари ҳайдалмаган аммо бир йилдан ортиқроқ муддат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун турли уруғларни экишда фойдаланилмайдиган ер майдонлари киради.

Кўп йиллик дарахтзорларга - боғлар, узумзорлар, тутзорлар, бодомзорлар, анорзорлар, анжирзорлар киради.

Яйловлар-қишлоқ хўжалик мулкининг барқарор бўлмаган вақтинчалик

кўринишидир. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги экинлари учун яроқли бўлган бўз ерлар майдонларини аста-секин ҳайдаладиган ерларга айлантириш, бунга яроқсизларидан пичанзорлар ва яйловлар сифатида фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Чорвачилик учун табиий озуқа базаси бўлган пичанзорлар ва яйловлар ҳам қишлоқ хўжалигида мулк сифатида катта аҳамиятга эга. Бу майдонлар майсазорлар, табиий ўсим-ликлар билан қопланган бўлиб, пичан олиш ёки чорвани ўтлатиш учун мўлжалланган.

Пичанзорлар ва яйловлар сувли, сувсиз, хўжалик ҳолатига кўра соф, бутазор, ёш дараҳтзор билан қопланган, адирли ва бошқа турларга бўлинади.

Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қиёслаганда 1 га. ҳайдаладиган ердан олинган маҳсулот ҳосили энг юксак қўрсаткич ҳисобланади. Ана шундан келиб чиқиб, ер майдонларидан имкон қадар самарали фойдаланиш, унинг ўлчамларини камайтиrmай, иложи бўлса кенгайтириб бориш керак.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлмаган тоифага ўтказиш истисно ҳолатларда Республика Ер кодексида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ер ислоҳоти – бу иқтисодий ислоҳотлар жараёнида, ерни дехқонларга тўлиқ бириқтириш, ерга эгалик ва ундан фойдаланиш, ҳар бир дехқоннинг юқори самарада ишлаб, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришдаги маъсулияти ва манфаатдорлигини таъминлайдиган хукуқий, иқтисодий ва ташкилий чора- тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳалқ амалиётiga жорий қилиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликларга беркитилган ер ресурслари, яъни 1 гектар майдон ҳисобига тўғри келадиган ишлаб чиқарish самарасини акс эттиради.

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги қўрсаткичларига, қишлоқ хўжалигига яроқли ердан ва ҳайдаладиган ердан фойдаланиш коэффициентлари киради.

**Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти** ( ЕРФК) қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни (К/ХЯЕ) хўжаликка беркитилган жами ер майдонига (ЖЭМ) нисбати билан ифодаланади:

$$ERFK = \frac{K/XAE}{JEM} \quad (10.1)$$

**Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш коэффициенти** (К/ХЯЕФК). Ҳайдаладиган ерларни (ХЕ) қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга (К/ХЯЕ ) нисбати билан ифодаланади.

$$K/XAEFK = \frac{XE}{K/XAE} \quad (10.2)$$

**Ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффициенти** (ХЕФК) жами экин майдонларини (ЖЭМ) ҳайдаладиган ерларга (ХЕ) нисбати билан

ифодаланади.

$$\frac{\text{ЖЭМ}}{\text{ХЕФК}} = \frac{\text{ЖЭ}}{\text{ХЕ}} \quad (10.3)$$

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ер қайтими ва ер сифимиdir. Ер қайтими (ЕК) 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган соф маҳсулотни (СМ) ифодаласа, ер сифими (ЕС), 1 сўмлик соф маҳсулот қанча гектар ердан олинганлигини ифодалайди.

$$\frac{\text{СМ}}{\text{ЕК}} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{К/ХЯЕ}} ; \quad \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{СМ}} \quad (10.4)$$

$$\frac{\text{ЯМ; ТМ}}{\text{ЕК}} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{К/ХЯЕ}} ; \quad \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{ЯМ; ТМ}} \quad (10.5)$$

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг қўшимча кўрсаткичлари ана шу ерлардан олинган натура ва қиймат шаклидаги ялпи ва товар маҳсулотлари ҳисобланади. Ер қайтими ва ер сифимининг натурал кўрсаткичлари алоҳида олинган хўжаликларда ёки бир хил табиий ва иқтисодий шароитларда жойлашган ва бир хил ихтисослашган хўжаликларда алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда фойдаланилинади. Ер қайтими ва ер сифимининг натурал кўрсаткичлари 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ер ҳисобига тўғри келган қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар маҳсулотини характерлайди ва аксинча:

Бунда ҳар бир тур қишлоқ хўжалиги маҳсулоти уни ишлаб чиқариш учун керак бўлган қишлоқ хўжалигига яроқли ерга мос келади. Ер қайтимининг натурал кўрсаткичларига қўйидагилар киради:

- 1 га ердан олинган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги; 100га ҳайдаладиган ер ҳисобига тўғри келган, центнер: ғалла, пахта, картошка, сабзавот ва бошқалар.

- 100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга ёки озуқа экинлари майдони ҳисобига озуқа ишлаб чиқариш, озуқа бирлиги.

- 100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобига ишлаб чиқариш, центнер сут, гўшт (турли хил), жун, тухум, ғалла, пахта ва бошқалар.

Дехқончилик, чорвачилик ёки бутун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, шунингдек бошқа турли ихтисослашган хўжаликларни таққослашда, ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш учун ялпи ва товар маҳсулоти қийматини, шунингдек фойдани қишлоқ хўжалигига яроқли ерга бўлиб ҳисблайдиган, ер қайтими ва ер сифимининг қўшимча қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

$$\frac{\text{ЯМК; ТМК; Ф}}{\text{ЕК}} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{К/ХЯЕ}} ; \quad \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{ЯМК; ТМК; Ф}} \quad (10.6)$$

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини характерлайдиган кўрсаткичларга, шунингдек дехқончилик, чорвачилик алоҳида маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг, шунингдек тармоклар ва бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги ҳам киради.

**Ер (экин) майдонларининг ҳосилдорлиги.** Бу кўрсаткич асосан экин турлари ҳамда умумий майдон бўйича, натурал ҳамда қиймат кўринишларида аниқланади, яъни улар 1 гектар фойдаланилган майдондан қандай маҳсулотларни қанча микдорда (кг, центнер, тонна) ҳамда неча сўмлик маҳсулот ёки фойда олинганлиги аниқланади. Бунинг учун қўйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$\frac{ЯХ}{ЭХ} = \frac{ЯХ}{ЭМ} \quad (10.7)$$

бунда: ЭХ- 1 га экин майдонидан олинган ҳосил микдори, ц;

ЯХ- экин экилган майдондан олинган ялпи ҳосил микдори, ц. ёки тоннада;

ЭМ- экин экилган ҳақиқий майдон, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида 1 гектар экин экилган майдондан қанча микдорда ҳосил олинганлиги экин турлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Унинг микдори қанча кўп бўлса шунча яхши. Бу кўрсаткич у ёки бу экин экилган майдоннинг маҳсулдорлигини исботлади. Жами экин майдонлари маҳсулдорлигини аниқлаш учун кўрсаткични қўйидаги қиймат кўрсаткичларида аниқлаш, бунинг учун ҳар бир экиннинг ялпи ҳосили қийматини аниқлаб олиш лозим. Сўнгра уларнинг йифиндисини аниқлаш керак.

$$EM = \frac{ЯМК}{ЭМ} : \frac{ЯДК}{ЭМ} : \frac{СФ}{ЭМ} \quad (10.8)$$

бунда: EM- фойдаланилган **ерларнинг маҳсулдорлиги**. Яъни, бир гектар экин экилган ёки яйлов, пичанзор майдондан неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ҳамда соф фойда олинганлиги аниқланади;

ЯМК- олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўмда;

ЭМ- экинлар экилган майдон, га;

ЯДК- олинган ялпи даромад суммаси;

СФ- олинган соф фойда суммаси.

Таққосланадиган хўжаликларда ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда қишлоқ хўжалигига яроқли ер турлари (хайдаладиган ер, пичанзор, яйлов) ўртасидаги, яъни тупрок унумдорлиги ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун ерни иқтисодий баҳолаш балларидан фойдаланилади. Таққослама (кадастар) ер майдонидан олинган у ёки бу маҳсулотни ёки ҳосилдорликни аниқлаш учун ҳақиқий кўрсаткични 100 га кўпайтириб ва ер баҳоси баллига бўлиш керак. Масалан: 1 га ердан олинган пахта ҳосилдорлиги 25 центнер бўлиб, шу ернинг иқтисодий баҳосининг балли 90 га teng бўлса, у ҳолда 1 гектар кадастар майдонидан олинган ҳосилдорлик 27,7

(25x 100:90=27,7) центнерни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг зарурый шарти, ҳозирги вақтда айни долзарб масала бўлган, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадор-лигини сезиларли даражада ошириш ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ўз навбатида сув ресурсларидан ҳам оқилона фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки ўсимлик дунёсини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни иссиқ ўлка ҳисобланган бизнинг республикамиизда яққол кўриш мумкин. Шунинг учун сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш қонун билан белгилаб қўйилган.

### **Ерлардан, сувлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун:**

- ер-сув ислоҳотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;
- захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;
- янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;
- экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;
- селекция, уруғчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;
- ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;
- ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.

Фермер хўжаликлари учун ягона ер солиғининг обьекти бўлиб, қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси ҳисобланади. Солик солинадиган база бўлиб эса, ер участкаларининг меъёрий қиймати ҳисобланади. Ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалик ерларининг меъёрий қиймати Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастр қўмитаси томонидан аниқланади.

### **Агробизнесда сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш**

Ер ресурслари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида сув ресурслари ҳам муҳим ишлаб чиқариш омили бўлиб ҳисобланади. Сув органик моддалар ҳосил бўлишидаги фотосинтез жараёнида қатнашиб, ўсимлик организми учун муҳим омил ҳисобланади. Бундан ташқари, сув озуқа моддаларни эритади ва уларни ўсимлик томонидан ўзлаштирилишини амалга оширади, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг шаклланишига имконият яратиб беради.

Республика деҳқончилиги суғоришга асосланган. Шунинг учун сув қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер каби энг зарур восита ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига этиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми суғориладиган ерларда этиштирилади. Қишлоқ хўжалигига этиштирилаётган

ялпи маҳсулотнинг 95 фоизга яқини суғориладиган ерлардан олинади. Саноатнинг қишлоқ хўжалиги хом ашёларига, аҳолининг эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби қондирилишида ер ва сувнинг аҳамияти жуда катта. Ерлардан, сувлардан қанчалик оқилона, самарали фойдаланилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми қўпаяди, натижада юқорида таъкидланган талабларнинг қондирилиш даражаси ортади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувларнинг сифати ҳам барча вилоятларда бир хилда бўлмай, бир-бирларидан фарқ қиласди. Андижон, Намангандан ва Фарғона вилоятларининг аксарият ҳудудларида экинларни суғориша фойдаланиладиган сувларнинг сифати яхши, яъни уларнинг таркибида ҳосилдорликка салбий таъсир этувчи турли хилдаги минераллар кам, лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳудудларида фойдаланилаётган сувларнинг таркибида хлор ва бошқа моддалар кўп. Шунинг учун ҳам уларнинг сифати ниҳоятда ёмон. Бундай ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмига ва сифатига салбий таъсир кўрсатади. Келажакда ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувларнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар мажмуасини самарали амалга ошириш орқали зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини, миқдорини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга эришиш мумкин.

Республикамида сув ресурслари манбалари чекланган. Уларнинг умумий миқдори 49,4 млрд.  $m^3$  атрофида. Шундан 30,6 млрд.  $m^3$  ёки 61,9 фоизи йирик дарёларнинг сувидан, 16,5 млрд.  $m^3$  республика ҳудудидаги майда дарёларнинг сувларидан, қолган қисми эса ер ости ҳамда коллектор-зовурлардан олинадиган сувлардан иборат.

Мавжуд сув ресурслари ҳозирги ўсиб бораётган талабни тўлиқ қондира олмайди. Шу сув ресурсларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлатилади. Сув ресурслари давлат муҳофазасида, мулкчилик шакллари бўйича тақсимланмаган. Республикада мустақиллик йилларида сувдан фойдаланиш ислоҳотлари олиб борилди.

Суғориладиган дехқончиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш суғориладиган ерларда сув танқислигини вужудга келтиради. Бу эса ўз навбатида хўжалик суғориш тизимларида сувни беҳуда нобуд қилмаслик, сув сарфини камайтириш, суғориш усувларини такомиллаштириш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириш ва сувдан фойдаланишни қатъий ҳисоб-китобини олиб бориш тартибини жорий этишни талаб қиласди.

Қишлоқ хўжалик экинларини суғориша тупроқдан сизиб йўқоладиган ва суғориш тизимлари такомиллаштирилмаганлиги туфайли исроф бўладиган сув миқдори 35-40 фоизга тенг бўлади. Ўзбекистонда экинларни суғориша фойдаланиладиган сув асосан ўз оқими билан қеладиган сув бўлиб, асосий суғориш усули қатор оралари ишланадиган экинлар ва ем-хашак экинларини эгатлар орқали суғориш ҳисобланади. Келажакда суғориш усувлари ва техникасини такомиллаштириш, суғориш тизимларига хизмат қилишни тегишли йўлга кўйиш, мавжуд суғориш машиналарини такомиллаштириш ва шу асосда эгатлар орқали суғориш учун сув етказиб беришга қилинадиган

кўл меҳнати сарфларини камайтириш талаб қилинади.

Бу борада Ўзбекистонда ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурӣ-ҳудудий тамойилидан ҳавза тамойилига ўтишни кўзда тутувчи, сув ресурсларини бошқариш, шунингдек сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини барча даражада тадбиқ қилиш амалга оширилмоқда.

### **Сувдан фойдаланиш коэффициенти.**

У ҳақиқатда суғорилган майдонни шу сув билан суғорилиши мумкин бўлган майдонга тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$СФК = \frac{СМ}{СММ} ; \text{ ёки } \frac{СМ}{СММ} \times 100 \quad (11.1)$$

бунда: СФК-сувдан фойдаланиш коэффициенти ёки фоизи;

СМ-ҳақиқатда суғорилган майдон, га;

СММ-суғорилиши мумкин бўлган майдони, га.

Буни аниқлаш натижасида сувдан фойдаланиш даражаси белгиланади. Бу кўрсаткични аниқлашда экинларга сув бериш меъёрига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки унга риоя қилинса, албатта, сувдан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Демак, унинг даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Агарда юқори бўлса, унда экин майдонлари сифатли суғорилган бўлмайди.

Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражасини аниқлаш учун ҳақиқатда уруғ экилган майдонни мавжуд экин экилган ер майдонига тақсимланади. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$ЕФС = \frac{УЭМ}{ФМ} \quad (11.2)$$

бунда: ЕФС-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;

УЭМ- бир йил мобайнида уруғ, чигит экилган майдон, га;

ФМ- фойдаланилган ер майдони, га;

Бу кўрсаткич ёрдамида бир майдонга неча марта экиб, фойдаланганлик даражаси, яъни сони аниқланади. Демак, унинг сони бирдан кўп бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мавжуд бўлган ерлардан бир неча марта экиб, ҳосил олишга интилиш лозим.

### **Сувдан фойдаланиш самарадорлиги.**

Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир метр куб сув эвазига олинган ялпи маҳсулот миқдори, қиймат, даромад ва соф фойда суммаси қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланади:

$$СФС = \frac{ЯХ}{ФСМ} : \frac{ЯМК}{ФСМ} : \frac{ЯДК}{ФСМ} : \frac{СФ}{ФСМ} \quad (11.3)$$

бунда: СФС-сувдан фойдаланиш самарадорлиги;

ФСМ-фойдаланилган сув миқдори. Бу натура ҳамда қиймат кўринишида аниқланади. Бунда 1 м<sup>3</sup> сувдан фойдаланиш натижасида қанча миқдорда маҳсулотлар етиштирилганлиги ҳамда неча сўмлик ялпи маҳсулот

ва ялпи даромад, соф фойда олинганлиги аниқланади.

Суғориш системаси (тизими)дан фойдаланиш коэффициенти даражасини аниқлаш учун шу тизимнинг охирида экинларни суғориш мақсадида берилган сув миқдорини шу тизим бошида олинган сув миқдорига тақсимлаш зарур. Бунда қуйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$CTFK = \frac{CTOEBc}{CTBOSM} \quad (11.4)$$

бунда: СТФК – суғориш тизимидан фойдаланиш коэффициенти;

СТОЭБС – суғориш тизимининг охирида экинларга берилган сув миқдори;

СТБОСМ – суғориш тизимининг бошида олинган сув миқдори.

Бу кўрсаткич даражаси ёки коэффициенти 1 га интилиши керак. Чунки суғориш тизимининг бошида олинган сув экин майдонларига тўлиқ етказилиши лозим. Агар унинг даражаси паст бўлса, демак, сувнинг маълум миқдори тизим давомида парланган, тупроққа сизиб кетган ёки оқиб кетган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич тизимнинг ҳолатини ҳам исботлайди.

Сувдан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик экинлари учун ерларни тайёрлаш режаларининг бажарилиш коэффициенти қуйидаги ифода орқали ҳисоблаб чиқилади.

$$CFK = \frac{Qg \cdot Qc}{n \cdot Qg} \quad (11.5)$$

бунда  $Qg$  – хўжаликка ўн кун давомида келиб турадиган ўртacha сув миқдори;

$Qc$  – хўжаликка бир кеча-кундуз давомида келиб турадиган ўртacha сув миқдори;

$n$  – ўн кунда суғориш ўтказиладиган кунлар сони:

Ўн кун давомида режа бўйича берилиши лозим бўлган ва ҳақиқатда берилган сув оқими қуйидаги ифода бўйича аниқланади.

$$W = 0,0864 \times Qg \times n, \text{ минг м.куб} \quad (11.6)$$

Сувдан фойдаланиш коэффициенти режа бўйича бирга teng бўлиши керак. Шунга кўра амалда сувдан фойдаланиш коэффициенти (СФК) қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$CFK = \frac{WaQp}{WppQ} \quad (11.7)$$

бунда:

$Wa$ ,  $Wp$  – режа бўйича белгиланган ва амалда суғорилган майдон, га:

$Qa$ ,  $Qp$  – ўн кун давомида режа бўйича ва ҳақиқатда сарфланган сув миқдори, м.куб/с

СФК нинг қиймати 0,9-1,10 атрофида бўлиши керак, у пасайиб кетганда бунинг сабаби аниқланади ва тегишли тузатиш киритилади. Сувдан фойдаланиш коэффициентини ошириш кўп жиҳатдан хўжаликда ва далаларда унга нисбатан моддий жиҳатдан жавобгарликни ҳис этишга, етиштирилган ҳосилга боғлиқ бўлади. Сувдан фойдаланишда моддий жиҳатдан жавобгарликни белгилаш учун хўжаликка келаётган сувни қатъий

равища ҳисобга олиб бориш ва ундан самарали фойдаланишни жорий этиш керак бўлади.

Йил давомида талаб этилаётган умумий сув сарфи (Q-брутто) ва соғ ҳолати талаб қилинаётган сув микдори (Q-нетто) аниқланиб, улар асосида сувдан фойдаланиш коэффициенти топилади.

Экинларни сугорища сувдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш кўп жиҳатдан сугориш тизимларини сув олишга қандай тайёрланганлиги ва сувни эгатларга тақсимлаб берадиган сугориш техникасининг қанчалик юқори мухандислик типида бажарилганлиги хўжаликларда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ва шулар асосида ўстирилаётган экинлар ҳосилдорлигини оширишни таъминлайди.

Экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва асосий жамғармаларнинг ҳосил билан қанчалик қопланишидаги бирдан-бир муҳим омил –хўжаликларда сувдан режали фойдаланишни такомиллаштиришдан иборатdir.

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун тупроқ унумдорлигини ошириш билан бир вақтда участкалар ичидаги каналларнинг қанчалик созлиги тўғрисида мунтазам қайғуриш керак, бу эса ўз навбатида сугориш шохобчаларига ўз муддатида сув етказиб бериш ва далалар бўйлаб сувдан самарали фойдаланиш имконини беради.

### **Агробизнесда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш**

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришда, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширища моддий-техника базасининг аҳамияти катта бўлиб, уни қенгайтириш, қайта ташкил қилиш ва реконструкция қилиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базаси қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йигиндисидир.

Унинг таркибига ер ресурслари, ишлаб чиқариш иморатлари, иншоотлари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозлари, транспорт воситалари, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар, кўп йиллик дараҳтлар, сув ресурслари, уруғлик, чорва озуқалари, нефт маҳсулотлари, ўғит, кимё воситалари, уруғликлар, ем-хашаклар, ёқилғи, ёғловчи, қурилиш материаллари ва бошқалар киради.

Фермер хўжаликлари моддий-техника базасининг таркибий тузилмаси:

- фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари;
- фермер хўжаликлиридаги кўп йиллик дараҳтлар ва узумзорлар;
- чорва фермаларининг маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлари;
- фермер хўжаликлиридаги бино-иншоотлар, техникалар, машиналар ва бошқа иш қуроллари;
- фермер хўжаликларидағи айланма маблағлар (уруглик, озуқа, ЁММ, минерал ўғитлар);
- фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари, қимматбаҳо қофозлар;

- фермер хўжаликларининг таъсисчилиги асосида ташкил қилинган муқобил МТП, СФУ ва агрофирмалар ҳисобидаги мол-мулки.

Моддий ресурслар ёрдамида қишлоқ хўжалигида турли хилдаги ишлар, хизматлар бажарилиб, маҳсулотлар етиштирилади. Фан-техника тараққиёти натижасида уларнинг сифати, ҳолати яхшиланади, янгиларини яратиш мақсадида катта ишлар қилинади. Моддий ресурсларни ишлаб чиқаришда кўллаш натижасида серҳосил, тезпишар навлар, сермаҳсул чорва зотлари, ҳар томонлама қулай ва самарали ҳисобланган илғор технологиялар яратилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари Республика иқтисодиёти ресурсларининг муҳим қисми ҳисобланади. Улар мулк сифатида тармоқнинг, корхоналарнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкам бўлса, уларда иқтисодий жиҳатдан ривожланиш учун асос мавжудлигидан далолат беради.

Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларини юқоридаги моддий-техника воситаларига эга бўлмасликлари уларни келгусида иқтисодий бақувват хўжалик сифатида фаолият кўрсата олмасликларини билдиради.

Ҳар бир ҳудудда фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлашда ҳисобга олинадиган омилларга қуидагилар киради:

- ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби;
- фермер хўжаликларининг ихтисослашганлик даражаси;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг таркиби;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги;
- қишлоқ хўжалиги экинларини моддий-техника ресурсларига бўлган талаби.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминлашга доимо катта эътибор берилмоқда. Чунки бу сарфланадиган меҳнат ҳамда маблағ харажатлари камайиши, меҳнат унумдорлиги юксалиб, фойда суммаси қўпайиши учун имконият яратади. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника воситалари билан таъминланиш бу воситалардан фойдаланиш жараёнини ва бу борадаги ўзгаришларни билиш талаб этилади. Бунинг учун бир қанча қўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Энг аввало, корхоналарнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси қўрсаткичидир.



## **12.1-расм. Асосий воситалар таркиби**

Хўжалик ўз фаолиятида амалга оширадиган ишларни тез ва сифатли бажаришга интилади, бу жараёнда техника воситалари ўртасида мутаносибликни таъминлашга алоҳида эътибор беради. Сабаби – тракторлар кўп, уларга тиркаладиган механизмлар кам ёки акси бўлса, кутилган самарага эришиб бўлмайди. Чорва ҳайвонлари кўп бўлиб, ем-хашак кам бўлиши ҳам фойдасизdir. Демак, корхоналар самарали мувозанатдаги моддий-техника ресурслари билан даражасида таъминланган бўлишлари керак. Унинг даражасини қуидаги ифода ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$MTP_{TD} = \frac{(Ek + (A\Phi_k - Ac) + A\Phi_k + BG_k)}{KXe}; \quad (12.1)$$

бунда:  $MTP_{TD}$  – моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, сўм;

$E_k$  – қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати (сўм);

$A\Phi_k$  – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (сўм);

$Ac$  – асосий воситаларнинг ўртача йиллик эскириш суммаси (сўм);

$A\Phi_k$  – айланма воситаларнинг ўртача йиллик суммаси (сўм);

$BG_k$  – боғлар, токзорларнинг ўртача йиллик суммаси (сўм).

Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир хўжалик ихтиёридаги фойдаланилаётган 1 га қишлоқ хўжалик ерига ёки экин майдонига қанча сўмлик моддий-техника ресурслари тўғри келаётганлиги аниқланади. Унинг микдори талаб, яъни меъёр даражасида бўлиши керак. Бу умумий кўрсаткич мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда бошқа аниқ кўрсаткичлар ёрдамида янада аниқлаштирилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида кимёвий воситаларни, жумладан, минерал ўғитларни сотиб олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки улар тупроқ унумдорлигини ошириб, экинлар ҳосилдорлиги юксалишини, ёввойи ўтлар ҳамда зааркундаларни озайтириб, меҳнат ва маблағ сарфларини камайтиради, маҳсулотнинг сифати яхшиланади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятига кўра, меҳнат предметлари ҳамда меҳнат воситаларига бўлинади. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида яратилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда инсон меҳнати ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида бир марта қатнашиб, ўз шаклларини тўлиқ ўзгартирадиган предметлар тармоқнинг меҳнат предметларини ташкил этади.

Уларга саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган ёқилғи, ёғловчи материаллар, кимёвий ўғит, ем ва бошқалар киради. Улар тармоқнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш жараёнларида бир марта қатнашиб, ўз шаклларини тўлиқ ўзгартириб, қийматини ҳам уларга ўтказадиган предметлардир. Тармоқда банд бўлган инсонларнинг онгли меҳнати, меҳнат предметлари ёрдамида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, хизматларни бажариш мақсадида бир неча йиллар давомида фойдаланиладиган нарсалар меҳнат воситалари ҳисобланади. Улар табиат томонидан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалик тармоқларида яратилган бўлиб, турли хилдаги маҳсулотларни етиштиришда, хизматларни, ишларни бажаришда бир неча йиллар давомида фойдаланилиб, ўз кўринишини, шаклларини ўзгартирасдан, лекин қийматининг маълум бир қисмини маҳсулотларга, ишларга, хизматларга ўтказиб борадиган воситалардир. Уларга қишлоқ хўжалик техникалари ҳисобланган машина-тракторлар, комбайнлар, сеялкалар, культиваторлар суғориш иншоотлари, бинолар, станоклар ва бошқалар киради. Ерлар, табиий ўрмонлар – табиат маҳсулидир. Ишчи ва маҳсулдор чорва ҳайвонлари, боғзорлар, токзорлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун бир неча йиллар мобайнида фойдаланилади. Асосий воситалар йиллар давомида жисмоний ҳамда маънавий эскиради. Фан-техника тараққиёти натижасида янги, замонавий техникаларнинг яратилиши туфайли улар маънавий жиҳатдан ҳам эскиради.

**Амортизация** бу ишлатилган ишлаб чиқариш воситаларини пул ифодасидаги қопланишидир. Ҳар бир корхонада амортизация фонди ташкил этилади.

Асосий воситаларнинг эскириши и уларнинг амалдаги эскириш меъёрлари (нормативлари) ёрдамида аниқлаш мумкин. Уларнинг эскириш қиймати амортизация суммалари, деб аталади. Асосий воситаларнинг

эскириш меъёрини белгилаб берувчи амортизация меъёри асосида уларнинг эскириш қиймати (суммаси) қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$A_{\text{с}} = \frac{A_{\text{Бк}}}{A_{\text{н}}} \cdot 100 \text{ ёки } \frac{A_{\text{Бк}}}{A_{\text{н}}} \quad (12.2)$$

бунда:  $A_{\text{с}}$  - асосий воситанинг амортизация суммаси (сўм);

$A_{\text{Бк}}$  - асосий воситанинг баланс қиймати (сўм);

$A_{\text{н}}$  - асосий воситанинг эскириш меъёри (коэффициентда, йилда).

Асосий воситаларнинг эскириш меъёри (нормативи) берилмагандан асосий воситанинг баланс қийматини унинг хизмат муддатига тақсимлаш натижасида эскириш меъёри аниқланади. Хўжаликда бир неча йиллар давомида ишлатилган воситалар капитал таъмирланган бўлса, улар баланс қийматига қўшилади.

Эскириш қийматлари етиштириладиган маҳсулотларга, хизматларга белгиланган тартибда ўтказилади. Асосий воситалар иқтисодий моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараённида бир неча йиллар давомида қатнашиб, қийматини ишлаб чиқарилётган маҳсулотларга, бажарилаётган хизматларга йилма-йил қисман ўтказиб боради (яъни эскириш қийматини).

Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар меҳнат предметларидан ҳамда меҳнат воситаларидан оқилона фойдаланиш натижасида турли хилдаги сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, фойдали хизматларни бажарадилар. Уларнинг йиғиндинсини қишлоқ хўжалиги воситалари ёки фонdlари ташкил этади. Қишлоқ хўжалик фонdlари тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашишига ёки фойдаланишишига кўра, ишлаб чиқариш фонdlари ҳамда ноишлаб чиқариш фонdlаридан ташкил топади. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашишининг зарурийлиги ҳамда муддатига кўра, юқорида кўрсатилганидек, асосий ва айланма фонdlарга бўлинади.

Уларни натура ҳолдаги кўринишига кўра, асосий ва айланма воситалар, умумий ҳолда эса ишлаб чиқариш воситалари, деб аталади.

Асосий ва айланма воситалар маҳсулот ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бениҳоят катта аҳамият касб этади. Чунки уларсиз талабни қондирадиган миқдорда, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас. Улардан оқилона фойдаланиш натижасида меҳнат ва маблағ харажатлари тежалади.

Демак, асосий ва айланма воситалардан оқилона ва самарали фойдаланиш туфайли қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ривожланади. Натижада ахолининг ижтимоий-иктисодий аҳволи яхшиланади. Шунинг учун бундай воситаларни яратишга, қуришга, таъмирлашга, улардан яхши фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тармоқда маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий роль қишлоқ хўжалигида қатнашувчи фонdlарга тегишлидир, чунки улар асосий ишлаб чиқариш фондининг 80 фоизини ташкил қиласи. Бу фонdlарга қуидагилар киради:

- ер ресурслари;
- бинолар;

- иншоотлар;
- машина ва техникалар;
- транспорт воситалари;
- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари;
- сут берувчи қорамоллар;
- гўшт берувчи қорамоллар;
- қўп йиллик экинлар;
- ерни яхшилаш учун қилинган сарфлар (иншоотлардан ташқари).
- асбоблар ва ҳоказаолар.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг қиймат кўрсаткичлари: фонд қайтими ва фонд сигими.

**Фонд қайтими**ни қишлоқ хўжалигидаги бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қийматини ишлатилган асосий фондларнинг ўртача йиллик суммасига тақсимлаш натижасида аниқлаш мумкин

$$\Phi_{\text{к}} = \frac{\text{ЯМк}}{\text{ХАФк}} \quad (12.3)$$

бунда:

АФк - фонд қайтими (сўм);

ЯМк - ялпи маҳсулот қиймати (сўм);

ХАФк - асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати (сўм).

Фондлар қайтимини бир сўмлик асосий фонд эвазига маълум муддатда олинган ялпи даромад ва соф фойда кўрсаткичлари ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Улар ялпи даромад, соф фойда суммасини асосий фондларнинг йиллик ўртача қийматига тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунда қўйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$\text{ЯДФк} = \frac{\sum \text{ЯД}}{\text{ХАФк}} \cdot \frac{\sum \text{СФ}}{\text{ХАФк}} \quad (12.4)$$

бунда: ЯДФк-ялпи даромад бўйича фонд қайтими (сўм);

$\sum \text{ЯД}$  - йиллик ялпи даромад суммаси (сўм);

СФФк – соф фойда бўйича фонд қайтими (сўм);

$\sum \text{СФ}$  - йиллик соф фойда суммаси (сўм).

Бу кўрсаткичлар ёрдамида 1 сўмлик асосий фондлар эвазига неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва соф фойда олинганлиги аниқланади. Бу кўрсаткичлар миқдори юқори бўлгани яхши.

**Фондлар сигими.** Уни аниқлаш учун асосий фондларнинг йиллик ўртача суммасини етиштирилган ялпи маҳсулот қийматига тақсимлаш зарур. Бунинг учун қўйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$\Phi_{\text{с}} = \frac{\text{ХАФк}}{\text{ЯМк}} \quad (12.5)$$

бунда: Фс-фонд сигими (сўм).

Фонд сигими эса, бир сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш учун қанча асосий фонд қиймати тўғри келишини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш фондларининг (асосий ва айланма) иқтисодий

самарадорлиги рентабеллик кўрсаткичи билан ҳам характерланади. Иқтисодиётда бу кўрсаткични фойда меъёри дейилади. У куйидаги ифода билан аниқланади:

$$\Phi_{\text{н}} = \frac{\Phi_c}{A\bar{\Phi}_k + A\Phi_k} * 100\% \quad (12.6)$$

бу ерда:  $\Phi_{\text{н}}$ -фойда меъёри, фоиз;  
 $\Phi_c$ -реализациядан тушган фойда, сўм.

Фойда нормаси бир бирлик ишлаб чиқариш фондлари қийматига қанча фойда олинганинги кўрсатади. Бу кўрсаткичининг даражаси юқорига интилиши мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фондларининг муҳим қисмини айланма фондлар ташкил этади. Айланма фондлар ишлаб чиқариш ва реализация жараёнининг тўхтамай амалга ошишини таъминлаб туради. Уларнинг натура ҳолидаги кўриниши айланма воситалар дейилса, пул (қиймат) шаклидаги кўриниши айланма фондлар, маблағлар, деб аталади.

Асосий фондлардан фойдаланиш даражаси хўжалик, унинг ишчи ва хизматчиларини фондлар билан таъминланганлигига ҳамда меҳнатнинг куролланганлигига боғлиқ. Шундай экан, хўжаликда бу кўрсаткичларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Улар куйидаги тартибда аниқланади: жумладан, хўжаликнинг асосий фондлар билан таъминланганлигини аниқлаш учун ундаги асосий фондларнинг ўртача йиллик суммасини фойдаланилган ер майдонига тақсимлаш лозим.


Бу куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$A\bar{\Phi}_k = \frac{\bar{\Phi}_e}{\Phi_e} \quad (12.7)$$

бунда:  $A\bar{\Phi}_k$  – асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси (сўм/га);

$\bar{\Phi}_e$  – фойдаланилаётган ер майдони (га).

Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар меҳнат предметларидан ҳамда меҳнат воситаларидан оқилона фойдаланиш натижасида турли хилдаги сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириб, фойдали хизматларни бажарадилар. Уларнинг йиғиндинсини қишлоқ хўжалиги воситалари ёки фондлари ташкил этади. Қишлоқ хўжалик фондлари тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашишига ёки фойдаланилишига кўра, ишлаб чиқариш фондлари ҳамда ноишлаб чиқариш фондларидан ташкил топади. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашишининг зарурийлиги ҳамда муддатига кўра, юқорида кўрсатилганидек, асосий ва айланма фондларга бўлинади.



## **12.2-расм. Айланма воситалар таркиби**

Меҳнатнинг асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси эса, асосий фондларнинг йиллик ўртача суммаси, шунингдек, уларнинг қуввати ишлаган ишчи-хизматчилар (меҳнат ресурслари) нинг ўртача йиллик сонига тақсимланади. Уларни ушбу ифодалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M_t = \frac{\bar{X}A\Phi_k}{\bar{X}MP} ; M_t = \frac{\bar{X}A\Phi_{ky}}{\bar{X}Mp} . \quad (12.8)$$

бунда:  $M_t$  – меҳнатнинг (1 кишига) асосий фондлар билан таъминланганини (сўм/киши);

$\bar{X}A\Phi_{ky}$  – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қуввати (от кучида);

$\bar{X}Mp$  – меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар хўжаликларнинг ихтисослашишига, машина-техникалар билан таъминланганинига кўра, фарқ қилиниши мумкин. Айниқса, охирги формула ёрдамида аниқланган кўрсаткич ишлаб чиқариш механизациялаштирилишини, автоматлаштирилишини таъминлаб, жонли меҳнат харажатларини тежаб, меҳнат унумдорлиги юксалишига олиб келади.

Айланма фондларга (воситаларга) ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган меҳнат воситалари ва моддий неъматларнинг айримлари киради. Айланма воситалар, маблағлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, бир шаклдан иккинчи шаклга айланиб туради.

Масалан, буғдои уруғи экилиб, ниҳоли униб чиқиши жараёни. Бу жараён фалсафа қонунига кўра, инкорни-инкор этиш, деб аталади. Айланма фондлар асосий фондлардан фарқли ўлароқ, бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз моддий қийматини ва шаклини тўлиқ ўзгартиради. Мисол:

экилган уруғ ўсимликка, минерал ўғитлар эса озуқа моддаларга айланади, ёнилғидан фойдаланиш натижасида машина-тракторлар иш бажаради ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий бўлганлиги учун, айланма фондларнинг сарфланиши, таркиби йил давомида ўзгариб туради. Масалан, қишида айланма фондларнинг қўп қисми уруғ ва озуқада, ёзда эса фондларнинг аксарият қисми нефть маҳсулотлари, машина эҳтиёт қисмлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш билан банд бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг айланма фондларига (воситаларига) қуидагилар киради:

- ✓ хомашё материаллар;
- ✓ ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар;
- ✓ ёқилғи, ёғловчи моддалар;
- ✓ идиш ва идиш материаллари;
- ✓ уруғ ва уруғлик материаллари;
- ✓ қурилиш материаллари;
- ✓ эҳтиёт қисмлар;
- ✓ озуқалар, ем-хашиблар;
- ✓ боқувдаги ҳайвонлар;
- ✓ арzon баҳоли ва тез эскирувчи предметлар;
- ✓ тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари;
- ✓ реализацияга тайёр маҳсулот;
- ✓ харидорлар билан ҳисоб-китоб қилишдаги маблағлар;
- ✓ материал ва хомашёларни сотиб олиш учун пул маблағлари;
- ✓ ҳисоб рақамидаги, ғазнадаги маблағлар ва бошқалар.

**Айланма фондларнинг айланиш коэффициенти.** Уни аниқлаш учун сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, кўрсатилган хизматларнинг, бажарилган ишларнинг умумий қийматига асосий подага ўтказилган ёш ҳайвонларнинг қийматини қўшиб, ундан асосий подадаги ҳайвонларни сотишдан тушган маблағни айиргандан сўнг қолган қийматни айланма фондларнинг йиллик ўртacha қолдиқ суммасига тақсимлаш лозим. У қуидаги ифода орқали аниқланади:

$$K = \frac{Ck + Ex_k - Xc}{\bar{X} A \Phi_{kk}} \quad (12.9)$$

бунда:

$K$  - айланма фондларнинг айланиш коэффициенти;

$Ck$  - сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, бажарилган ишлар, хизматларнинг қиймати (сўм);

$Ex_k$  - асосий подага ўтказилган ёш ҳайвонларнинг қиймати (сўм);

$Xc$  - асосий подадаги ҳайвонларни сотишдан тушган тушум (сўм);

$\bar{X} A \Phi_{kk}$  - айланма фондларнинг йиллик ўртacha қолдиқ қиймати (сўм).

Бу кўрсаткич хўжаликлардаги айланма фондларнинг бир йил давомида айланиш тезлигини кўрсатади. Унинг миқдори имконият доирасида бирдан юқори бўлгани маъқул. Шу кўрсаткичга асосланган ҳолда айланма

фондларнинг айланиш муддати ҳам аниқланади.

Уни юқоридаги кўрсаткичдан фойдаланиб, йил давомида айланма фондлар (воситалар) айланишининг ўртача даврини топамиз. Бунинг учун бир йилдаги календарь кунлари

умумий сонини (365 ёки 366) айланиш коэффициентига тақсимлаб, қуидаги тенгликдан фойдаланилади:

$$A_d = \frac{365}{K}; \quad (12.10)$$

бунда-Ад-айланма фондларнинг айланиш муддати, кун.

**Фонд билан таъминланиш** - қишлоқ хўжалиги учун тайинланган ишлаб чиқариш фондлари қийматини қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган (ҳайдаладиган ерлар, экинзорлар) ҳар бир гектарга ёки 100 гектарга тўғри келадиган қийматидир.

Фонд билан таъминланиш қуидаги аниқланади:

$$\Phi_T = \frac{\Phi_{u\chi}}{S} \quad (12.11)$$

бунда –  $\Phi$  - ишлаб чиқариш фондлари қийматини

$S$ - ер майдони.

**Фонд билан қуролланиш-қишлоқ хўжалиги** учун тайинланган ишлаб чиқариш фондлар қийматини қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этган ўртача бир ишловчи ҳисобига тўғри келадиган қийматдир.

$$\Phi_{kyp} = \frac{\Phi_{u\chi}}{P} \quad (12.12)$$

бунда –  $P$  – ўртача йиллик ишчилар сони

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини қуидаги йўллар билан ошириш мумкин:

- илғор техникани қўллаш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, ихтисос-лаштириш;
- қишлоқ хўжалигида илмий асосланган хўжалик юритиш тизимини қўллаш;
- хўжалиқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш фондларидан мақсадга мувофиқ тежамли фойдаланиш;
- асосий ва айланма фондларни бир-бирига оқилона боғлаш ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш .

### **Назорат саволлари:**

1. Агробизнесда ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти қандай ҳисобланади?
3. Агробизнесда сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
4. Агробизнесда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали

фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

### **Адабиётлар.**

1. Abdug'anievA., A.Abdug'aniev.Qishloq xojaligi iqdisodiyoti. Darslik. – Т.: “ADIB NASHRIYOTI” МЧЖ, 2011. – 399 б.
2. Саматов Ф.А., Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 346 б.
3. Рустамова И.Б. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2015. – 174 б.
4. Галимова Ф.Р., Деканова Н.С., Наринбаева Г.К. Қишлоқ хўжалигига менежмент. Дарслик. – Т.: ТДАУ, 2020. – 280 б.

Интернет сайтлари:

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. www.Ziyonet.uz.
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
4. [www.agro.uz](http://www.agro.uz)
5. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

### **3-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ.**

#### **Режа:**

1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Асосий фондларнинг шаклланишида капитал қўйилмаларнинг роли. Молиявий ва реал инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги.
3. Инвестицияларни ўстириш омиллари. Жамғармалар инвестициялар манбаси сифатида.
4. Инвестиция фаолияти тушунчаси. Инвестиция фаолиятига таъсир этиш омиллари ва усувлари.

**Таянч иборалар:** инвестиция, бошқариш, асосий фондлар, реал актив, молиявий актив, номоддий инвестиция, капитал , капитал қўйилма.

#### **Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти**

Ўзбекистон давлат мустақиллига еришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. Иқтисодиётни ривожлантиришда эса инвестицияларнинг ўрни бекиёсdir.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмун - моҳияти тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида хилма – хил фикрлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қайта таҳрирдаги қонунида инвестицияга қуидагича

таъриф берилган: “инвестициялар— қонун ҳужжатларида таъкиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интэллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар”<sup>9</sup> сифатида таърифланади. Шундай қилиб, “инвестиция” деганда келгусида даромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самараға эришиш мақсадида қонун доирасида иқтисодиётнинг турли тармоғлари ва бошқа соҳаларига инвесторлар томонидан қуйиладаган барча турдаги мулкий, молиявий ва интеклектуал бойликлар тушунилади.

Бошқача айтганда, инвестициялар – мулкчиликнинг ҳар хил кўринишларидағи моддий, молиявий ва номоддий бойликларни иқтисодий – ижтимоий даромад олиш мақсадида муомалага киритишдир.

Инвестицияларга аниқ бир таъриф берилмаган. Жумладан, проф. Д. Ф. Гозибеков инвестицияларнинг иқтисодий мазмун – моҳиятини молиявий категория сифатида талқин этиб, қуидагича таъриф бериб ўтган: “Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рикслар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади”<sup>10</sup>.

Проф. Н.Х. Ҳайдаров инвестициялар мазмун – моҳиятига қуидаги таърифни беради: “Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”<sup>11</sup>.

Россиялик иқтисодчи-олим Л.Игошина томонидан: «инвестициялар – пулни сақлаш, кўпайтириш ёки ижобий миқдордаги даромадни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уни жойлаштириш мумкин бўлган ҳар қандай восита сифатида ифодаланади»<sup>12</sup>, деб таърифланган. «Инвестиции» дарслигининг муаллифи, профессор А.Нешитой инвестицияларнинг мазмунини қуидагича тавсифлайди: «фойда олиш ёки бошқа самараларга эришиш мақсадида ўз ёки ўзга мамлакатнинг турли тармоқларига, тадбиркорлик лойиҳалари, ижтимоий-иктисодий дастурлар ҳамда инновация лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган пул маблағларини (капитални) узоқ муддатга жойлаштиришдир»<sup>13</sup>.

Инвестиция атамасининг иқтисодий моҳияти яна бир қатор рус олимлари томонидан қуидагича тавсифланган:

- «инвестициялар иқтисодий фойда ва ижтимоий самара олиш мақсадида инвестиция соҳаси объектларига киритиладиган барча турдаги мулкий ва

<sup>9</sup>O’zbekiston Respublikasining “Investitsiya faoliyati to’g’risida”gi Qonuni, 2014 y 9 dekabr. 3 – modda.

<sup>10</sup>G’ozibekov D.G’. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. T.: “Moliya” nashriyoti. 2003. 26 bet.

<sup>11</sup>Haydarov N.H. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida korxonalar investitsions faoliyatidagi moliya-soliq munosabatlarini takomillashtirish masalalari. If.d ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. T.: 2003. 29 b

<sup>12</sup>Игошина Л.Л. Инвестиции. Уч. пос. – М.: «Экономист», 2005. – С. 23.

<sup>13</sup>Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд. – М.: «Дашков и К°», 2006. – С. 13.

интэллектуал бойликларни акс еттиради»<sup>14</sup>;

- «инвестициялар дэганды фойда (даромад) олиш ва инвесторларнинг индивидуал мақсадлари сингари ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларига, тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолият объектларига муайян муддатга капиталнинг мақсадли йўналтирилган қўйилмаси шаклида амалга ошириладиган харажатлар йифиндиси тушунилади»<sup>15</sup>;

- «инвестициялар ўзини фойда (даромад) олиш мақсадида миллий ва хорижий иқтисодиётнинг турли тармоғига хусусий ёки давлат капиталининг узоқ муддатли қўйилмаси сифатида намоён этоди»<sup>16</sup>;

- «инвестиция тушунчаси фойда олиш мақсадида қандайдир корхона, ташкилот, узоқ муддатли лойиҳалар ва шу кабиларга капитал, пул маблағларини узоқ муддатга киритишни англатади»<sup>17</sup>;

Инвестициялар кенг маънода ўзини маблағлар ва ресурсларнинг келгусида қўпайиши ва иқтисодий самара ёки бошқа режалаштирилган натижалар олиш (ижтимоий, экологик ва бошқа самаралар) мақсадида уларнинг сафарбар этилиши сифатида намоён этоди.

Хорижлик иқтисодчи-олимлардан У.Шарп, К.Еклунд, Кемпбэлл Р.Макконэлл, Станли Л.Брю кабилар инвестицияларнинг мазмун-моҳияти юзасидан турлича таърифларни баён этишган. Жумладан, Нобел мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати (1990 йил) У.Шарп таъкидлашича: «инвестициялар келгусида (эҳтимол, номуайян) қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматлиқдан воз кечишидир»<sup>18</sup>. «Инвестициялаш» атамасининг маъносини мана бундай шарҳлайдилар: «Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва ҳисоблайдиларки, маблағларни ёки реал ёҳуд молиявий активларга инвестициялаш мумкин. Улар инвестициялаш атамаси мазмунини келажакда фойда олиш мақсадида бугун пул билан «хайрлашиш»да кўрадилар.

Швед иқтисодчи-олими К.Еклунд фикрича: «инвестиция – бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир»<sup>19</sup>.

«Инвестициялар атамасини капиталнинг келгусида қўпайиши мақсадида унинг турли хил шаклда жойлаштирилиши сифатида белгилаш мумкин»<sup>20</sup>. «Инвестициялар – қўйилманинг келгусида ўсиш мақсадида бугунги истеъмолдан воз кечиши»<sup>21</sup>. «Инвестиция – ишлаб чиқариш даври давомида

<sup>14</sup>Староверова Г.С., Медведов А.Ю., Сорокина И.В. Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие. – М.: «КНОРУС», 2006. – С. 11.

<sup>15</sup>Подшиваленко и др. Инвестиции: учеб.пос. – 3-е изд. – М.: «КНОРУС», 2006. – С.7.

<sup>16</sup>Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ: учеб. пособие. – М.: «ИНФРА-М», 2009. – С. 7.

<sup>17</sup>Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции: учеб. пособие. – М.: «КНИГОДЭЛ», 2006.– С. 7.

<sup>18</sup>Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. Пер. с. англ. – М.: «Инфра-М», 1997.– С. 16, 979

<sup>19</sup>Клас Эклунд. Эффективная экономика: шведская модель.– М.: «Экономика», 1991. – С. 96.

<sup>20</sup>Ткаченко И.Ю. Инвестиции: учеб. пособие. – М.: «Академия», 2009. – С. 6.

<sup>21</sup>Самуэльсон П.А. Экономика: пер. с англ. – М.: «БИНОМ», 1997. – С. 783.

пайдо бўлган капитал қўйилма қийматининг жорий ўсиши. Бу ўша даврдаги фойданинг истеъмол учун ишлатилмаган қисми ҳисобланади»<sup>22</sup>. «Инвестициялар – пул маблағлари, мақсадли банк жамғармалари, қимматли қоғозлар, технологиялар, машина, асосий воситалар ва бошқа мулк кўринишидаги капитал қўйилмалар, шунингдек, пул қийматига эга бўлган мулкий ва номулкий хуқуқларни инвесторларнинг стратегик мақсадларини кўзлаб ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият объектларига киритиш»<sup>23</sup>.

Иқтисодчи-олимлардан Кемпбэлл Р.Макконэлл, Станли Л.Брю инвестиция тушунчасини қўйидагича шарҳлайдилар, яъни «инвестиция (инвестмент) – бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга ҳаражатлар»<sup>24</sup>. Ушбу таъриф ўз мазмунига кўра, кўпроқ, «капитал қўйилмалар» тушунчасига мос келишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Инвестиция тушунчаси ягона ва тўлиқ белги беришлик учун анчагина кенг тушунча бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий фаннинг турли қисмларида ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмуни ўзининг хусусиятларига эга.

Макроиқтисодиётда инвестициялар ишлаб чиқаришда янги воситаларга, турар-жойларга инвестициялар ва моддий захираларнинг ўсишига қилинадиган ҳаражатлардан ташкил топадиган ялпи ҳаражатларнинг бир қисми ҳисобланади. Инвестициялар – бу жорий даврда истеъмол қилинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ЯИМ нинг бир қисмидир.

Ишлаб чиқариш назарияси ва умуман макроиқтисодиётда инвестициялар янги капитални (ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда инсон капиталини қўшиб ҳисобланганда) яратиш жараёнидир. Молия назариясида эса инвестиция дэганда реал ёки молиявий активларни олишни тушунилади, яъни бугунги сарфларни мақсади келажакда даромад олиш бўлиб ҳисобланади.

Бошқача сўз билан айтганда, инвестициялар – муайян қийматни, бўлиши ноанироқ бўлган келажак қийматга алмашишdir<sup>25</sup>.

Лоренс Дж. Гитман ва Майкл Д. Джонкнинг «Инвестициялаш асослари» (М. «Дэло» нашриёти-1997) китобида инвестицияларга қўйидагича таъриф берилади: Инвестиция молиявий натижалар олишни кўзлаб акция ва облигацияларни сотиб олишни англатади: булар реал активларни белгилайди, масалан, у ёки бу молни ишлаб чиқариш ва сотиш учун машиналарни олишни назарда тутади. Умуман кенг маънода инвестициялар мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантиришни молиялаштириш учун зарур бўладиган механизmlарни таъминлайди.

## Асосий фондларнинг шаклланишида капитал қўйилмаларнинг

<sup>22</sup>Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: пер. с англ. – М.: «Гетос АРВ», 1999.– С. 352.

<sup>23</sup>Марголин А.М. Инвестиции. – М.: «РАГС», 2006. –С. 464.

<sup>24</sup>Кэмпбэлл Р. Макконэлл, Станли Л. Брю. Экономикс, принципы, проблемы и политика. 2-том.– М.: «Республика», 1992.– С. 388.

<sup>25</sup>Мертенс А.В. Инвестиции: курс лекций по современной финансовой теории. – Киев: Киевское инвестиционное агентство, 1997. 71 стр.

## **роли. Молиявий ва реал инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги.**

Маълумки, миллий бойликнинг муҳим таркибий қисмини корхона ва ташкилотлардаги, халқ хўжалиги тармоқларидағи асосий фондлар ташкил қиласди.

Узоқ муддат (бир йилдан ортиқ вақт) мобайнида моддий ишлаб чиқариш соҳасида, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиласидиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлар асосий воситалар ҳисобланади. Мамлакатимизда амалдаги меъёрий-хуқукий ҳужжатларга мувофиқ асосий воситалар – корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активларни ифодалайди. Асосий воситалар таркибиغا қуидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади: бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддати; бир бирлик (тўплам) учун қиймати энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти шундаки, моддий-мулкий қийматлик кўринишидаги асосий фондлар корхона ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат воситаси сифатида кўп маротаба ишлатилиди (фойдаланилади) ва уларнинг қиймати аста-секин қисмларга бўлинган ҳолда товар (маҳсулот) баҳосига ўтиб боради. Асосий фондларнинг муҳим хусусияти меҳнат воситаси сифатида амал қилиши, ишлаб чиқариш циклида кўп маротаба ишлатилиши ва улар қийматининг маҳсулот баҳосига кўчиб ўтиши билан тавсифланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, асосий фондларни шакллантиришда капитал қўйилмалар муҳим ўрин эгаллаб, бу муҳимлик капитал қўйилмаларнинг таркибий тузилишидан келиб чиқади. Капитал қўйилмаларнинг таркибий тузилиши қуидагиларни қамраб олади: капитал қўйилмаларнинг технологик тузилиши; капитал қўйилмаларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилиши; капитал қўйилмаларнинг тармоқ ва худудий тузилиши.

Реал инвестицияларни иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимлаш ва ўзлаштириш мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг тармоқлар ва худудлар бўйича таркибий тузилишига боғлиқ бўлади.

Капитал қўйилмаларнинг тармоқ тузилиши (таркиби) дэгандা капитал қўйилмаларнинг бутунлай иқтисодиёт ва саноат тармоқларига нисбати ва тақсимланиши тушунилади. Уни такомиллаштириш, энг аввало, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини пропорционал равища ривожлантириш билан боғлиқ бўлади.

Сўнгги йилларда иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши этокчи ўринни сақлаб қолгани ҳолда пасайиш тенденциясига эга. Қишлоқ хўжалиги тармоғини

ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг саъи-ҳаракатларига қарамасдан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши тармоқ эҳтиёжига нисбатан пастроқ даражада сақланиб турибди.

Айтиш мумкинки, инвестицияларнинг тармоқ тузилишини режалаштириш – мамлакат иқтисодиётининг келгуси ҳолатини режалаштириш билан тенглаштирилади ва буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим. Давлат бюджет маблағлари ва бошқа дастаклар ёрдамида инвестицияларнинг тармоқ тузилишининг ўзгариш тенденциясига сезиларли даражада таъсир кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиётда капитал қўйилмаларнинг роли, асосан, қуидагилар билан хусусиятланади:

- капитал қўйилмалар асосий фондларни барпо этиш, амалдаги корхоналарни таъмирлаш ва кенгайтириш, корхоналарни техник қайта қуроллантиришнинг мұхим ва бош омилидир;
- капитал қўйилмалар ёрдамида иқтисодиёт тармоқлари ва алоҳида ишлаб чиқаришдаги асосий фондларнинг ривожланиш суръатларини тартибга солиш амалга оширилади;
- капитал қўйилмалар ёрдамида ижтимоий характердаги муаммолар (уй-жой, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият обьектлари қурилиши) бартараф этилади;
- капитал қўйилмалар ёрдамида мамлакатнинг барча иқтисодий ҳудудларининг ривожланиши тартибга солинади ва бошқ.

**Инвестицияларни ўстириш омиллари. Жамғармалар – инвестициялар манбаси сифатида.**

Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари кўп омилларга боғлик. Аввалинбор инвестициялар ҳажми олинган даромадни истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлик. Аҳолини ўртacha даромади паст бўлган ҳолда уларнинг асосий қисми (70-80%) истеъмолга сарфланади. Аҳоли даромадларини ўсиб бориши жамғаришга юбориладиган қисмни ортиб боришига сабаб бўлади.

Умумий даромадда жамғариш улушкининг ортиб бориши инвестициялар ҳажмини ўсишига олиб кэлади, ва аксинча. Аммо бу шарт аҳолини давлатга ишончи юқори бўлганда, давлат фуқароларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаганда ва кафолатлаганда бажарилади.

Инвестициялар ҳажмига кутилаётган даромад нормаси ҳам таъсир кўрсатади, чунки кўрилаётган фойда инвестициялашга ундейди. Кутилаётган фойда нормаси қанчалик юқори бўлса, инвестициялаш ҳажми шунчалик юқори бўлади, ва аксинча.

Инвестициялар ҳажмига ссуда фоизи ставкаси катта таъсир кўрсатади, чунки инвестициялаш жараёнида қарзга олинган маблағларидан ҳам фойдаланилади. Агар кутилаётган соғ фойда нормаси ўртacha ссуда фоизи ставкасидан юқори бўлса бу қўйилмалар инвестор учун даромадлидир. Шунинг учун ўртacha фоиз ставкасини ўсиши инвестициялаш жараёнини сусайишига олиб кэлади.

Инвестициялар ҳажмига кутилаётган инфляция суръатлари ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бу қўрсаткич қанчалик юқори бўлса инвесторнинг келажакдаги фойдаси шунчалик қадрсизланади ва инвестицияларни рағбатлантирувчи омиллар қисқариб боради.

Маълумки, иқтисодчи-олимлар жамғармани инвестициялашнинг асоси, деб қарашади. Бу мутлақо тўғри, чунки инвестиция қилиш учун, энг аввало, пул капитали бўлиши керак. Ресурслар (шу қатори пул маблағлари ҳам) чекланган. Асосий муаммо маблағ топиш масаласидир. Айниқса, инвестиция узоқ муддатни кўзлаши ва тез натижа бермаслиги билан ажралиб туради.

Жамғариш – бу жорий даврдаги қайта ишлашнинг моддий асосини кенгайтириш орқали келажакда аҳоли истеъмолини оширишга йўналтирилган жараён. Жамғаришнинг асосий функцияси – такрор ишлаб чиқариш жараёнининг пировард мақсадига эришишга қўмаклашишдир. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мақсади аҳолининг ўсиб ва ўзгариб бораётган ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Иқтисодий назарияда миллий даромад бир қисмининг асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёж захираларини кўпайтириш учун сарфланиши жамғармани тавсифлайди. Ўзбекстон Республикаси Президентининг №4947 сонли фармонининг **4.1.бандига асосан “Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш**<sup>26</sup> тизимини кенгайтириш устиворлик сифатида белгиланди. Шунингдек, Жамғарма, одатда, инвестиция сифатида иқтисодиётга киритилади, яъни жамғарманинг иқтисодиётга ижобий таъсири инвестицияга айлангандагина юз беради. Жамғарма дейилганда аҳоли, корхона ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб бориши тушунилади. Унинг ҳажми барча хўжаликлар даромадидан истеъмол сарфларини айриб ташлаш йўли билан аниқланади. Даромад таркибида истеъмол сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса, жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади. Бундай ҳолат инвестиция фаолияти тараққиётiga ижобий таъсир кўрсатмайди. Жамғарманинг ўсиши иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлар харид қилишдан инвестиция товарлари харид қилишга йўналтирилишини билдиради. Шунга кўра, муддат жиҳатдан кечиктирилган истеъмол жамғармани англалади.

Аммо, жамият олдида доимо бугунги ва ертанги истеъмолнинг қанча бўлишини ечиш муаммоси туради. Жамият бугун қанча кўп инвестиция қилса, ертага бойроқ бўлади, аксинча, кўпроқ истеъмол қилинса, кейинчалик кўпроқ истеъмол қилиш имконияти шунча камаяди.

Ялпи харажатларда инвестициялар ҳиссаси нисбатан унча кўп бўлмасада, айнан, инвестициялар туфайли асосий макроиктисодий силжишларга эришилади. Шу билан бирга, жамғариш билан инвестиция ўртасидаги мувозанат макроиктисодий мувозанатга эришишнинг энг муҳим шартидир.

<sup>26</sup>O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «2017 — 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini amalga oshirishga doir tashkiliy choratadbirlar to‘g‘risida» 15.02.2017 yilgi qaror

Бироқ, бу мувозанатга эришиш доимо осон кечмайди. Бунга сабаб инвестиция даражаси ва жамғарма даражасининг бошқа-бошқа жараён ва ҳолатларга боғлиқлигидир.

Жаҳон амалиётининг қўрсатишича, юқори жамғариш меъёрига эга бўлган мамлакатлар, бошқа шарт-шароитлар ўзгармаган ҳолда, одатда, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлишади. Миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва унинг иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ролини оширишнинг муҳим зарурий шартларидан бири – бу жамғариш меъёрининг нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш хисобланади. Жамғариш меъёри барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий қўрсаткичи бўлиб хизмат қиласди. 2003-2018 йилларда ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўртacha ўсиш суръатлари 3,4 %ни, жамғариш меъёри 22,5 %ни ташкил этган. Жамғариш меъёрининг ўсиши билан ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати ҳам ортиб боради. Жумладан, жамғариш меъёри 25 %дан ортиқ бўлган мамлакатларда ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати ўртacha 4,8 %га тенг бўлгани ҳолда, жамғариш меъёри 30 %дан ортиқ мамлакатларда ушбу қўрсаткич ўртacha 8,7 %ни ташкил этган.

Хитой, Жанубий Корея каби ривожланаётган мамлакатларда охирги 15 йил давомида кузатилган ўртacha 10 %ли иқтисодий ўсиш даврида жамғарма улушкининг ўртacha қиймати 30 %ни ташкил этган. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни қўрсатдик, бир йилда 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ЯИМнинг камида 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизини ташкил этиши керак.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инвестиция меъёрининг барқарорлигини таъминлаш муаммосининг мавжудлиги макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашга тўсқинлик қиласди.

Демак, иқтисодиётда мавжуд бўлган жамғарма улуси бир қатор ривожланаётган мамлакатлар даражасидан юқори бўлса-да, унинг иқтисодий ўсишга таъсири нисбатан паст ҳолатни намоён етмоқда. Шу муносабат билан жамғармадан самарали фойдаланиш асосида барқарор иқтисодий ўсиш давомийлигини таъминлаш учун, энг аввало, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш асосида мавжуд аҳоли жамғармаларини иқтисодиётга инвестиция сифатида кириб келишини фаоллаштириш ҳамда тармоқлараро капитал оқимини таъминлашга қаратилган меъёрий-хуқуқий хужжатлар базасини мукаммаллаштириш асосида корхона жамғармаларининг инвестицияга айланиш самарадорлигини ошириш лозим.

### **Инвестиция фаолияти тушунчаси. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг роли.**

Инвестиция фаолияти инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлик бўлган ҳаракатлари мажмуаси тушунилади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси биринчи навбатда ўз манфоатини кўзлаб ягона бир мақсадга, яъни фойда олишга ёки ижтимоий самара олишга интилади.

Инвестиция фаолиятида инвестиция субъекти, инвестиция объекти, инвестор, емитент, инвестиция ресурслари каби тушунчалар мавжуд.

Инвестициянинг объекти бўлиб, маблағлар яъни бойликларни сафарбар этоётган обьектлар тушунилади. Улар янги корхоналар ёки амалдаги корхоналар, қимматли қофозлар, банк депозитлари бўлиши мумкин.

Инвестиция субъекти бўлиб, инвестицияни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Улар: хорижий давлатлар, ҳалқаро ташкилоталар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқарув органлари, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, мулк эгаси бўлган фуқоролар бўлиши мумкин.

Инвесторлар - ўз капиталини инвестиция фаолияти обьектларига инвестициялашни амлга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир.

Эмитент – қимматли қофозларни муаммалага босиб чиқарувчи юридик ва тўловга қобиятли жисмоний шахслар.

Реинвестициялар – инвесторлар томонидан корхоналар фаолиятидан олинган фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уни шу корхонага қайта киритишdir.

Инвестиция ресурслари – бу инвестицион фаолияти амалга оширишда иштирок этодиган ҳар хил кўринишдаги маблағлардир. Булар жумласига қўйидагилар киради:

Республикада инвестиция фаолиятини юритиш учун қулай шартшароитлар яратилиши билан бирга уни давлат томонидан мувофиқлаштириш учун ҳам ҳукуматимиз томонидан бир қанча қонун ва қоидалар қабул қилинган. Ушбу қонунлар инвестицион фаолиятнинг тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилиши бўйича ҳукуқий тизимнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласи. Бундан ташқари давлатнинг инвестицион фаолиятга қандай воситалар ва ричаглар орқали таъсир кўрсатиши ҳам муҳим масаладир.

Ҳар қандай жамиятдаги инвестицион фаолият ўз-ўзидан ривожлана олмайди, унга албатта, муайян таъсир кўрсатувчи субъектларнинг аралашуви талаб қиласи. Бундай аралашувнинг самарали натижасини фақат давлат қўли билангина таъминлаш мумкин бўлади. Бироқ бундай вазиятда давлат инвестицион фаолиятининг ривожланишини бўғиб қўймаслиги керакки, акс ҳолда унинг амал қилиши субъективлик таъсир кучига бўйсундирилиб қолади.

Одатда, инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш унинг муҳим йўналишларида қулай шароитлар яратишга қаратилган, аввалом бор, ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш, янгилик ва ихтиrolарни тадбиқ этиш асосида ижтимоий талабларни қондиришга қаратилган давлатнинг инвестицион дастурлари ишлаб чиқилади ва бошқарib борилади.

Ҳар бир давлат инвестицион фаолиятни қўйидаги мақсадларда мувофиқлаштириб туради: бозор иқтисодиёти шароитига кириб бериш жараёнида давлатнинг иқтисодий сиёсати амлга оширилиши; давлатнинг фан-техника сиёсатини ўtkазиш ва бунинг асосида хўжалик табақаларини мустаҳкамлаш ҳамда жаҳон бозорига чиқиш.

Мамлакат ижтимоий сиёсатини юритиш.

Давлат томонидан инвестицион фаолиятини бошқариш бир қатор чоратадбирларни қўллаш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш асосида амалга оширилади. Бу чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат.

Солиқ тизимини қулайлаштириш, яъни солиқ субъектларини, объектлари ва ставкаларини табақалаштириш ва солиқ имтиёзларини бериш.

Амортизация сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш ҳамда амортизация имтиёзларини бериш.

Айрим ҳудудларни, тармоқларни ривожлантириш мақсадга дотациялар, субсидиялар, субвенциялар орқали ёрдам кўрсатиш.

Кредит сиёсатини, давлатнинг норма ва стандартларининг антимонопол тадбирларини ишлаб чиқариш, давлат мулкини хусусийлаштириш ва нархнаво сиёсатини ўтказиш.

Ер ҳамда бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш.

Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш давлат дастурларига киритиш.

Инвестиция лойиҳаларининг мониторингини ўтказиш ва механизмини ишлаб чиқиш.

Зарур ҳолларда ёки қонунга мувофиқ инвестиция фаолиятини тўхтатиб туриш, чеклаш ёки тугатиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, инвестиция фаолиятининг амалга оширилиши зарурий барча шарт-шароитларнинг, қулайликларнинг яратилишига боғлиkdir. Бу инвестицион иқлим иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омилларга боғлиқ бўлган муҳит сифатида қаралади. Бунда инвестицион муҳитнинг аҳволи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳукуқий шарт-шароитларнинг мавжуд холатидан келиб чиқади. Шунинг учун иқтисодий сиёсатни олиб бориш, давлат бошқариш органларининг инвестицион жараёнларни тартибга солиш, иқтисодиётда давлатнинг аралашуви, ҳалқаро битимларда иштирок этиши ва чет эл инвестициларини жалб қилиши инвестицион муҳитга катта таъсир кўрсатади.

1-жадвал

### **Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиши билан шуғулланадиган расмий муассасалар<sup>27</sup>**

Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	Куйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради: -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; -давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва
--	---

<sup>27</sup>Маматов Б.С, Хўжамкулов Д.Ю, Нурбеков О.Ш. Инвестиция. Дарслик. - Т.: “Иқтисод – молия”, 2013 й. 784 – б.

		идоралар ишини ташкил этиш.
	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа тегишли вазирликлар	Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқишиш
	Давлат мулки Кўмитаси	Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиш.
	Молия Вазирлиги	Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш.
	Адлия Вазирлиги	Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш.
	Ташқи ишлар вазирлиги	Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларга визалар бериш.
	Ички ишлар вазирлиги	Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларни турад жойи бўйича рўйхатга олиш.
	Давлат солик кўмитаси	Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни соликка тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш
	Марказий банк	Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишини тартибга солиш, қарз сиёсати.
	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк	Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш.
	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	-Мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириш; -инвестиция муҳитини ўрганиш; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -хорижий инвесторларга давлат рўйхатидан ўтилганидан кейин юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишида ёрдам бериш (товар ишла чиқарувчилар палатаси билан ҳамкорликда).

	Ўзбекинвест экспорт-импорт миллий сұғурта компанияси	Чет әл инвестицияларини таваккалчилігидан суғурталаш
	«Ўзбекинвестлойиха» миллий инжиниринг компанияси	Дастлабки техник-иктисодий асосламани ва инвестиция лойихалари техник-иктисодий асосламаларини тайёрлаш
	Давлат мулки құмитаси хузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соқаларидан давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий емитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш.

Ушбу тизим субъектлари алоҳида ҳолда фаолият юрита олмасликларини жадвал маълумотларидан күришимиз мумкин. Улар бир-бирининг фаолиятини түлдирган ҳолда инвестицион фаолиятни самарали мувофиқлаштириш имконини беради.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш механизmlари, биринчи навбатда, барча хўжалик юритиш босқичларида жамғармалар ўсиши суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунга, бизнинг назаримизда, иқтисодиётдаги юридик ва жисмоний шахслардан, чет эллик инвесторлардан ундириладиган солиқларни тартибга соловчилик функциясини амал қилишини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб кэлади.

Тўғридан-тўғри чет әл сармоялари оқимини кенгайтириш мақсадида, чет эллик инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йигимлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишда имтиёзли солиқقا тортиш тартибини алоҳида кўллаган ҳолда улар ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш маъқул бўлар еди.

Инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни барпо этишда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий вазифаси – уларнинг мақбул нисбатларини мувофиқлаштириш, ҳаммасига teng ҳуқуқий шароитлар ва ҳаётда амалга ошириш учун кафолатлар яратиб беришдан иборатdir.

### **Инвестиция фаолиятига таъсир этиш омиллари ва усуллари.**

Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция сиёсати натижасининг қандай самара бәриши мамлакатдаги инвестицион фаолиятнинг ривожланиш ҳолати билан белгиланганади. Шу сабабли, одатда, ҳар қандай инвестиция сиёсатининг мақсади мавжуд инвестиция фаолиятининг ривожланиш

истиқболига қаратилади. Бу мақсад үзида давлатнинг инвестиция фаолиятини мунтазам равища тартибга солиш вазифасини ҳам мужассам этоди.

Давлат томонидан инвестиция фаолиятини тартибга солиш, одатда, куйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- инвесторларни рафбатлантириш;
- миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- мамлакат ҳудудида инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- лозим бўлса, ички инвесторлар манфаатларини, биринчи навбатда, юзага чиқариш ва уларни ҳимоялаш.

Давлат инвестиция фаолиятини тартибга солиш билан бирга бевосита ўзи ҳам унда иштирок этоди. Бунда у:

- давлат инвестиция дастурларини қабул қилиш ва уларни республика бюджетидан молиялаштириш;
- йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тўловлилик, муддатлилик ва қайтариб бериш асосида республика бюджетининг марказлашган инвестиция ресурсларини тақдим этиш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этилган кредитлар учун давлат кафолатини тақдим этиш;
- инвестиция лойиҳаларининг давлат комплекс экспертизасини олиб бориш;
- маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун концессиялар тақдим этиш кабилар билан инвестиция фаолиятида қатнашади.

Одатда, инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш унинг муҳим ўйналишларида қулай шароитлар яратишга қаратилган, аввалом бор, ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш, янгилик ва ихтиrolарни татбиқ этиш асосида ижтимоий талабларни қондиришга қаратилади.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назаридан, турли мулқдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни тақрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларни назарда тутади. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари – чет эллик инвестициялардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар (резиденилар ва норезидентлар) гача бу муносабатларнинг иштирокчилариға айланадилар. Ҳуқуқий нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нутқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракат шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш еҳтимолига эга бўлади.

Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Инвестиция фаолияти ривожланишининг объектив шароитларини акс еттирадиган алоҳида инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил

предмэти бўлишини тақазо қилади. Ҳуқуқий нуқтаи назаридан инвестиция фаолиятини тартибга солиш умумий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини қамраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларини характери ва моҳиятини ифода этоди ҳамда уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усуллари ҳуқуқ меъёрларини ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатлари характерига ўзига хос тарзда таъсир қўрсатиш йўлларидан иборат.

Инвестиция фаолияти предметининг кўп укладли иқтисодиётини барпо этиш давридаги аҳамияти бу фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинишини талаб қилади.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, биринчи навбатда, давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, у фаолият субъектларини сугурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитларида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда асосий вазифалар қўйидагилардан иборат: ижтимоий ва хусусий манфаатларни; айrim мамлакатлар, корпорациялар, ҳалқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш; уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш; уларни ҳаётда рўёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилаш.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, соликларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда қўйидаги усуллардан фойдаланилади:

- инвесторларнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асосларни яратиш, мустаҳкамлаш, такомиллаштириб бориш;
- инвестицион сиёсати оқали;
- пул-кредит сиёсати орқали;
- ваюлта сиёсати орқали;
- амортизация сиёсати орқали;
- нарх сиёсати орқали;
- дотациялар, субсидиялар тизими орқали;
- бюджет-солик сиёсати, жумладан, фиксал сиёсат, турли соликлардан имтиёзлар бериш, солик кредитлари орқали;
- давлат кафолатлари тизими орқали;
- чет эллик ва маҳаллий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали;

- айрим тармоқ, соҳа, худудлар ва улардаги объектларни давлат ўз назоратида сақлаб қолиш, инвестициялаш орқали ва шу кабилар.

Ҳар бир давлат инвестиция фаолиятини қўйидаги мақсадларда мувофиқлаштириб туради:

- бозор иқтисодиёти шароитига кириб бериш жараёнида давлатнинг иқтисодий сиёсати амалга оширилиши;

- давлатнинг фан-техника сиёсатини ўтказиш ва бунинг асосида хўжалик табақаларини мустаҳкамлаш ҳамда жаҳон бозорига чиқиш;

- мамлакат ижтимоий сиёсатини юритиш.

Давлат томонидан инвестицион фаолиятини бошқариш бир қатор чора-тадбирларни қўллаш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш асосида амалга оширилади.

Бу чора-тадбирлар қўйидагилар усуллар орқали амалга оширилади:

- солиқ тизимини қулайлаштириш, яъни солиқ субъектларини, объектлари ва ставкаларини табақалаштириш ва солиқ имтиёзларини бериш;

- амортизация сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш ҳамда амортизация имтиёзларини бериш;

- айрим худудларни, тармоқларни ривожлантириш мақсадга дотациялар, субсидиялар, субвенциялар орқали ёрдам кўрсатиш;

- кредит сиёсатини, давлатнинг норма ва стандартларининг антимонопол тадбирларини ишлаб чиқариш, давлат мулкини хусусийлаштириш ва нархнаво сиёсатини ўтказиш.

### **Назорат учун саволлар.**

1. “Инвестиция” фанинг предмети, мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини ёритиб беринг?

2. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни,моҳияти ва уларнинг таснифланишини тушунтириб беринг?

3. Инвестицияларнинг мақсадлари ва диверсификацияланишини аҳамиятини тушунтиринг?

4. Асосий фонdlарнинг шаклланишида капитал қўйилмаларнинг роли, молиявий ва реал инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги нимада?

5. Инвестицияларни ўстириш омиллари, жамғармалар – инвестициялар манбаси сифатида эканлигини ёритиб беринг?

6. Инвестицияларнинг макро ва микроиқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини очиб беринг?

7. Инвестиция фаолияти тушунчасини,Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг ролини ёритиб беринг?.

8. Инвестиция фаолиятига таъсир этиш омиллари ва усулларини айтинг?.

9. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг меъёрий-қонуний базасини ёритиб беринг?.

### **Адабиётлар.**

7. Бочаров В.Р. Инвестиции: Учебник для вузов. – 2-е изд.-СПб.: Питер, 2018. – 384 с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
8. Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент, Iqtisod-moliya. 2010. – 164 б.
9. Юсупов Э.Д., Мардиев Н. Қишлоқ хўжалигида инвестицион жфараёнларни бошқариш. Ўқув қўлланма.-Тошкент.: 2020.- 388 б.

### **Интернет сайклари.**

1. www.edu.uz.
2. www.bimm.uz
3. www.Ziyonet.uz.
4. www.infocom.uz.
5. www.agro.uz
6. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

## **4-МАВЗУ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИНВЕСТИЦИОН МУХИТ**

1. Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти ва турлари. Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишнинг объектив зарурлиги
2. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш турлари ва шакллари.
3. Инвестицион муҳит тушунчаси

### **1. Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти ва турлари. Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишнинг объектив зарурлиги**

Маълумки, ҳар қандай давлат ташқи дунёдан ажралган ҳолда, жаҳондаги илм, фан ва техника соҳасида еришган ютуқлардан, иқтисоди ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланмасдан ривожланиши мумкин эмас. Ушбу мақсад йўлида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этоди. Бироқ, бундай вазифанинг уddyаланиши, авваламбор, «хорижий инвестиция» тушунчасининг мазмун-моҳиятини, хусусиятларини, турларини, иқтисодиёт тараққиётидаги ролини аниқ ва равшан англаб олиш заруратини юзага кэлтиради.

Проф. Д.Ғозибековнинг хорижий инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларида қуйидаги фикрлар баён этилган: «Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, хукуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан

тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва миңтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради»<sup>28</sup>. Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хорижий инвестициялар бир мамлакат иқтисодиётидан мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётига кўчувчи капитал бўлиб, у рисклар доираси кенглиги билан ички инвестициялардан фарқланади.

Иқтисод фанлари доктори Н.Кўзиеванинг илмий ишларида хорижий инвестицияларнинг моҳияти тўғрисида: «Келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли кўринишдаги бойликлар (кўчар, кўчмас мол-мулк, интэллектуал бойликлар ва бошк.) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивидендлар, лицензия ва комиссион мукофотлар, роялти, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)ни кўйилишига хорижий инвестициялар дейилади»<sup>29</sup>, дэган таъриф келтирилган. Олимнинг фикрича, хорижий инвестицияларни турли белгиларига асосланган ҳолда таснифлаш уларнинг иқтисодий моҳиятини янада ойдинлаштиради.

Иқтисод фанлари номзоди Қ.Хошимов илмий ишида: «чет эл инвестициялари – чет эл мулкдорлари томонидан маълум капитални бир иқтисодиётдан мутлоқ бошқа мамлакат иқтисодиётининг қонун билан таъқиқланмаган турли тармоқларига аниқ ва ноаниқ рискларни ҳисобга олган ҳолда, ўз манфаатига эришиш, нисбатан юқори даражада самара олиш мақсадида муайян муддатга сафарбар этодиган барча мулкий, молиявий, интэллектуал бойликлардир»<sup>30</sup>, деган мазмунда таъриф берилган.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг З-моддасида: «чет эл инвесторлари асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун хужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият обьектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳукуқлар, шу жумладан, интэллектуал мулкка доир ҳукуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари»<sup>31</sup>, деб эътироф этилган.

Хорижий инвестицияларни мулкчилик шаклига кўра хусусий, давлат, хорижий ва аралаш инвестицияларга таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Хорижий инвестицияларни йўналиш обьектига қараб, молиявий ва реал инвестицияларга ҳам ажратиш мумкин. Ривожланган мамлакатларда молиявий инвестицияларнинг таркибида асосий ўринни хусусий мулк

<sup>28</sup>G’ozibekov D. G’. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. – Т.: «Moliya», 2003. – В. 45.

<sup>29</sup> Xoshimov Q.B. Chet el investitsiyalari ishtirokida korxonalarini soliqqa tortish va uni takomillashtirish yo’llari. Iqt. fan. nom. ilm. dar. ol. uch. yoz. dis. avtor. – Т.: BMA, 2004. – B. 7

<sup>30</sup> O’zbekiston Respublikasining 1998 yil 30 apreldagi «Chet el investitsiyalari to’g’risida»gi Qonuni. // «Xalq so’zi», 1999 yil 12 yanvar, – №7. – B. 1.

<sup>31</sup>Вахобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. “Хорижий инвестициялар” Ўкув қўлланма.- Т.: Молия, 2010. - 328 б.

эгаларининг инвестициялари ташкил этоди.

Расм-4

## Хорижий инвестициялар билан боғлиқ рисклар<sup>32</sup>



Хорижий инвестицияларни ички инвестициялардан фарқли жиҳатларидан бири, уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча уч гуруҳга ажратилган барча рискларнинг олдиндан ҳисоблаб чиқилишидадир.

## Хорижий инвестициялар билан боғлиқ рисклар

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини англашда унинг хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Хорижий инвестицияларнинг қуидаги хусусиятларини таъкидлаш мумкин:

- хорижий инвестициялар бир иқтисодиётдан иккинчисига кўчаётган капитал;
- капитални ўзга мамлакатга қулайроқ қилиб жойлаштириш мақсади;
- қўйилган сармоя эгасига қайтиб кэлгунга қадар нисбатан узоқ муддат давомида юқор и фойда кўриш;
- қўшимча рискларга эга бўлиш;
- аниқ мақсадларга интилиш (юқори даромад олиш, янги бозорларни эгаллаш, ишонч қозониш);

<sup>32</sup> Вахобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. “Хорижий инвестициялар” Ўқув қўлланма.- Т.: Молия, 2010. - 328 б.

- ўзга мамлакат қонунчилигидан, имкониятларидан фойдаланиш асосида вақтдан унумли фойдаланган ҳолда ўз капиталини ўстириш;
- рағбатлантириш тизими, кафолатлар, имтиёзлар, ишончли ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилишини талаб этиши;
- ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни четга олиб чиқиш йўли билан маҳсулотни арzonлантириш, янги бозорларни эгаллаш, юқори даромад олиш, бойликларни янада фойдалироқ жойлаштириш;
- ўз миллий ҳуқуқий шароитларини ва ўз миллий инвестиция муҳитини капитал қабул қилувчи ўзга мамлакат миллий ҳуқуқий шароитларига, ўзга инвестиция муҳитига алмаштириш.

Хорижий сармоядорлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш орқали жаҳон амалиётида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш асосида қўйидаги самараларга эришиш мумкин бўлади:

- энг замонавий технологияларга эга бўлган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини йўлга қўйиш;
- янги технология, замонавий жиҳозларни, юқори унумли ускуналарни қўлга киритиш;
- янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш;
- ихчам, амалга оширилган харажатларни тез суръатлар билан қоплайдиган, юқори самара берадиган корхоналарни қуриш;
- замон даражасида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ўз манфаатларига эришиш;
- қўшма корхоналар тузиш, илғор тажрибага эга бўлиш, бошқарувни, рақобатни тўғри йўлга қўйиш;
- бозор талабини қониқтирадиган маҳсулот (хизматларни) этиштириш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган қилиб етказиш;
- тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни янада кенгайтириш имкониятларини қўлга киритиш;
- жаҳон бозорида ўзининг мустаҳкам мавқени эгаллаш;
- даромадни кўпайтириш, юқори самарага эришиш, сарф этилган маблағларни ҳеч қандай талофат ва йўқотишларсиз тез фурсатда қоплаш;
- мамлакат экспорт имкониятларини кенгайтириш ва жаҳон бозорида «қаттиқ» валюта ишлаб топишни ўрганиш;
- мамлакат хазинасини тўлдириш;
- ички, ташки бозорда олиб чиқиладиган маҳсулотлар (иш, хизмат)га бўлган талабни қондириш;
- миллий ва жаҳон иқтисодиёти равнақи ва жамият фаровонлигини ошириш.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти “Халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташки қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган

хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш”<sup>33</sup> деб алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамиятини қуидаги рақамлар орқали ифодалаш мумкин. Агар 1990 йилда мамлакатимизнинг инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2000 йилда инвестиция ва кредитларнинг улуши 23,2 фоизни, жумладан, хукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 19,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 3,4 фоизни ташкил қилди. Хорижий инвесторлар учун яратилган қулай бизнес муҳити, кенг хуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими, хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналарни рағбатлантиришга қаратилган бутун бир чора-тадбирлар мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини тубдан қўпайтириш имконини берди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, “2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари микдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари”<sup>34</sup><sup>35</sup>.

Қуидаги 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг салмоғи 2007-2015 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу иқтисодиётни модернизация қилиш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бироқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғи 2013 йил ва 2015 йилда нисбатан пасайган. Мазкур пасайиш таҳлил қилинган давр мобайнида жами инвестицияларнинг ўсиш суръатини тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини юқори еканлиги кўриниб турибди.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг динамикаси<sup>36</sup> (фоиз ҳисобида)

Иқтисодиёт тармоқлари	Йиллар				
	2007	2009	2015	2018	2019
Хорижий инвестицияларнинг жами	24,5	35,4	23,5	23,1	21

<sup>33</sup>O’zbekiston Respublikasi Prezidentining «2017 — 2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha harakatlar strategiyasini amalga oshirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to’g’risida» 15.02.2017 yilgi qaror

<sup>34</sup>Karimov I.A. Bosh maqsadimiz – mavjud qiyinchiliklarga qaramasdan, olib borayotgan islohotlarni, iqtisodiyotimizda тarkibiy о’згарishlarni izchil davom ettirish, xususiy mulkchilik, kichik biznes va tadbirkorlikka yanada keng yo’l ochib berish hisobidan oldinga yurishdir. – T.: O’zbekiston, 2016 y., 12-bet

<sup>36</sup>O’zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo’mitasining statistik ma’lumotlari.

инвестициялар ҳажмидаги салмоғи					
Тұғридан-тұғри инвестицияларнинг хорижий жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	20,6	30,5	21,2	16,9	15,2
Тұғридан-тұғри инвестицияларнинг хорижий жами хорижий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	84,0	86,2	78,8	72	73

Хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғини пасайғанлиги ички манбаларнинг күпайғанлиги билан характерланади.

Албатта, бундай натижаларнинг қайд этилгани мамлакатимизда фаол ва самарали инвестиция сиёсати олиб борилаётғанлигидан далолат беради.

## **2.2. Миллий иқтисодиётта хорижий инвестицияларни жалб қилиш турлари ва шакллари**

Маълумки, миллий иқтисодиётта хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Хорижлик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш. Бунга мисол қилиб ХИИКларни (устав капиталининг камидаги 30 фоизи хорижлик инвесторга тегишли бўлиши керак) кэлтириш мумкин, яъни қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш энг оммабоп шакл ҳисобланади.

2. Хорижлик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш, яъни соф хорижий инвестицияли корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Бунда жами (100 %) устав капитали хорижлик инвесторга тегишли бўлади

3. Мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қофозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан емиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш асосида хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

4. Интэллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳукуqlари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳукуқлар киритиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

5. Концессиялар, шу жумладан, табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиши, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш асосида хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

6. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари обьектларига, туарар-жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали хориж сармоясини жалб қилиш.

7. Эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

8. Халқаро лизинг амалиётини ривожлантириш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг энг оммабоп шакли ҳисобланган ХИИКларни ташкил этиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўлида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Кэлинг, азиз ўқувчи, шу ерда «хорижий инвестиция иштирокидаги корхона»га аниқлик кирицак. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона, деб нимага айтилади? Унга қандай таъриф бериш мумкин? Чунки, ХИИК нималигини тўлиқ англамай туриб, у ҳақда фикр билдириш маънога эга эмас.

Ўзбекистон миллий енциклопедиясида «Корхона – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект. Махсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш учун ташкил этилади, иқтисодий фаолиятнинг хилма-хил турлари билан шуғулланади. Давлат, муниципиал, жамоа, қўшма, якка (оила, хусусий) корхоналар бор»<sup>37</sup>, деб таърифланади. Мазкур таърифнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда корхонанинг «қўшма корхона» шаклида ҳам ташкил этилиши эътироф этилган. Чунки, қўшма корхонага берилган таърифларнинг аксариятида мазкур масала эътибордан четда қолган. Россиялик иқтисодчи-олимлардан Л.Макаревич: «Корхона – мустақил хўжалик юритувчи субъекти бўлиб, истеъмол талабини қондириш ва фойда олиш мақсадида қонунчилик асосида ташкил этилади, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади»<sup>38</sup>, деб таъриф беради. Муаллиф ушбу таърифда қўшма корхоналарни эътибордан четда қолдирганлиги кўриниб турибди.

Шунингдек, иқтисодчи-олимлар Б.Райзберг, Л.Лозовский, Е.Страдубцевалар таърифига кўра: «қўшма корхона, асосан, юридик шахслар томонидан, маҳаллий корхоналар ёки хорижий ҳамкорларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан таъсисчи жойлашган мамлакатда ташкил этилган хўжалик ташкилотидир. Мулкий шакли жиҳатидан акциядорлик, масъулияти чекланган ёки шерикчилик кўринишида бўлиши мумкин»<sup>39</sup>. Муаллифлар томонидан «қўшма корхона»га берилган таъриф айрим чекланишлардан ҳоли эмаслиги кўриниб турибди. Жумладан, сўнгги таърифда «таъсисчи жойлашган мамлакатда ташкил этилган», деб қайд этилган жумла мунозаралидир. Назаримизда, мазкур жумла қўшма корхоналарнинг

<sup>37</sup>О'zbekiston milliy entsiklopediyasi. – Т.: «О'МЕ» Davlat ilmiy nashriyoti, 2003. – В. 48.

<sup>38</sup>Макаревич Л.М. 200 правил бизнэса. – М.: «Дэло и Сервис», 2003. – С. 125.

<sup>39</sup>Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стадубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 4-изд., перераб. и доп.–М.: «Инфра-М», 2005. – С. 235.

иқтисодий моҳиятини очиб беришга бевосита хизмат қилмайди. Чунки, қўшма корхонанинг таъсисчиси иккинчи мамлакатда жойлашган бўлиб, унинг ўзи бошқа мамлакат ҳудудида ташкил этилиши амалиётдан маълум.

А.Борисов томонидан тузилган «Катта иқтисодий лугат»да: «Қўшма корхона икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар томонидан ташкил топган хўжалик юритиш шаклидир. Қўшма корхона маҳаллий тадбиркорлар ёки хорижий ҳамкорлар иштирокида ташкил этилади. Таъсисчилардан бири жисмоний шахс бўлиши мумкин. Қўшма корхона устав капиталининг ҳамкорликда шакллантирилиши ва таъсисчилардан бири жойлашган ҳудудда ташкил этилиши унинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан далолат беради»<sup>40</sup>, дея таърифланган. Фикримизча, қўшма корхонага берилган мазкур таъриф мантикий жиҳатдан бир-бирига узвий боғланмаган. Шу билан бирга, қўшма корхонанинг таъсисчиларидан фақат бири эмас, иккаласи ҳам жисмоний шахслар бўлиши мумкин, яъни иккита мамлакатнинг вакили ҳисобланган жисмоний шахслар ўз маблағларини қўшма корхонанинг устав капиталига киритиш асосида уни ташкил этиши ҳам мумкинлиги эътироф этилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар (ХИИК) дэгандан акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини хорижий инвестициялар ташкил этодиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид кэлмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. ХИИК қатнашчиларидан бири ушбу қонунга кўра хорижлик инвестор бўлиши шарт.

Умумлаштирадиган бўлсак, икки ёки ундан ортиқ маҳаллий ва хорижий мамлакат субъектлари иштирокида товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, фойда олиш мақсадида юридик шахс сифатида ташкил этиладиган, мамлакатнинг қонунчилик талаблари асосида тузилган хўжалик юритувчи субъектга қўшма корхона дейилади.

ХИИК давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. ХИИКлар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланганади.

ХИИКлар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг кенг тарқалган шакллардан бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона дэгандан хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 АҚШ долларига тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади<sup>41</sup>. ХИИК низом жамғармасининг 150000 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги, асосан, сифатсиз маҳсулотларнинг олди-

<sup>40</sup>Борисов А.Б. Большой экономический словарь.– М.: «Книжный мир», 2005. – С. 126.

<sup>41</sup>Vahobov A. va boshq. Xalqaro moliya munosabatlari: Darslik. /Mual.: A.Vahobov, N.Jumaev, U.Burxanov. – Т.: «Sharq», 2003. – В. 277.

сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашган кичик ХИИКларнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланганган.

## 2-жадвал

### Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сабаблари<sup>42</sup>

Ички сабаблар	Инвестиция мухитининг устунликларидан фойдаланиш
	Рискларни тақсимлаш
	Ишлаб чиқариш миқёсида тежаш
	Бошқарувнинг янги усулларини ўрганиш
	Хорижий бозорларга чиқишини жадаллаштириш
	Шартнома харажатларини камайтириш
Ташқи сабаблар	Жаҳон бозорига чиқиш
	Сиёсий кескинликнинг юмшаси
	Миллий хукумат талаблари
	Самарали рақобатни вужудга кўлтириш
Стратегик сабаблар	Мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлиш
	Технологиялар трансфери
	Ишлаб чиқариш диверсификацияси
	Мамлакатда узоқ вақт фаолият олиб бориш имконияти

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ХИИКларнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

ХИИКлар ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида уюшмалар, концернлар, корпорациялар, консорциумлар ва бошқа хўжалик бирлашмалари ташкил этиши, амал қилиб турган бирлашмалар таркибига тўла хуқуқли аъзо сифатида кириши мумкин.

ХИИКлар қонун хужжатларига мувофиқ қуйидаги хукуқларга эга: Ўзбекистон худудида, шунингдек, ундан ташқарида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисобварақлар очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш; хорижий валютада ссудалар олиш ва уни қайтариш; ХИИКларнинг ҳисобварақларида маблағлардан фойдаланишни чеклаш ёхуд маблағларни мажбурий олиш давлат бошқарув органлари томонидан фақат қонунда белгиланганган тартибда амалга оширилиши мумкин.

ХИИКларни ташкил этишни ички, ташқи ва стратегик сабабларга бўлиш мумкин

<sup>42</sup>Вахобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. “Хорижий инвестициялар” Ўқув қўлланма.- Т.: Молия, 2010. - 328 б.

Мамлакатимизда ХИИКлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-куvvатлаш уларга солиқ ва божхона имтиёзлари, имтиёзли кредитлар, қонун ўзгармаслиги кафолатлари, сугурта ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда амалга оширилмоқда.

ХИИКлар фаолиятининг таҳлили қуйидаги хулюсларни шакллантириш имконини беради:

– мамлакатимизнинг суст ривожланаётган ҳудудларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан олиб борилаётган чоратадбирларни фаол давом эттириш зарур. Бунда ҳудудий бошқарув органларининг турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларининг амалиётга самарали татбиқ этилиши юзасидан масъулиятини ошириш лозим;

– ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва хорижий инвесторларни ҳудуднинг экспорт имкониятлари бўйича зарурий маълумотлар билан таъминлаш;

– инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш мақсадида мамлакатимизнинг кам ривожланган ҳудудларида инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан давлат мониторингини ўрнатиш. Бунда, айниқса, тэлекоммуникация ва меҳмонхона ҳўжалиги соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир;

– қўшма корхоналарнинг низом фондида хорижий инвесторнинг эгаллаган улушини ҳисобга олган ҳолда минимал талабдан ошган ҳар бир фоизи учун қўшимча солиқ имтиёзларини бериш;

– инвестиция дастурларини тузишда ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш.

Қўшма корхоналарга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда, яъни;

– республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда;

– амалга оширилиши хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилиши мумкин.

### **2.3. Инвестиция муҳити ва тушунчаси**

Хориждан капитал қабул қилувчи томонидан инвестиция муҳити моделини ишлаб чиқиш ҳар томонлама асосланган ташқи иқтисодий алоқаларни аниқлаб берувчи воситадир. У орқали хорижий инвесторга таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўлиш, хорижлик инвесторларнинг хулқ-атворини ҳар томонлама англаш ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни чуқурроқ баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу жараёнларнинг барчаси республиканизнинг бошқа давлатлар

билин дастлабки иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш жараёнида четдан капитални жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий инвестиция иштирокида амалга оширилиши лозим бўлган лойиха ва дастурларни ишлаб чиқишида нафақат ўз манфаатлари билан чегараланмасдан инвесторнинг мақсад ва имкониятлари билан ҳисоблашиш алоҳида эътиборга лойиқдир.

Инвестиция муҳити тушунчаси ўз мураккаблиги ва мукаммаллиги жиҳатидан макро ва микро иқтисодиёт даражасида кўриб чиқилади. Макроиктисодиёт даражасида у капитални қабул қилувчи мамлакатдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатларни ўз ичига олади. Макроиктисодиёт даражасида ёндашилганда хорижий инвестицияларга нисбатан давлат сиёсати, халқаро шартномалар шартларини бажариш хорижий мулкни миллийлаштириш, турли масалалар бўйича халқаро шартномалар тизимида иштирок этиш давлат бошқарув тизимиларининг мустаҳкамлиги, сиёсий раҳбариятнинг муқаррарлиги, давлатнинг иқтисодиётга аралашиш даражаси, иқтисодий сиёсатнинг мукаммаллиги, давлат аппаратининг иш самарадорлиги, банклар тизимининг такомиллашув даражаси, пул муомаласи ва давлат бюджетининг барқарорлиги, давлатнинг ички ва ташки қарзлари миқдори ва бошқалар ҳал қилувчи ўринда туради. Инвестиция муҳитига капитални қабул қилувчи мамлакатнинг қонунларида акс эттирилган тўғридан-тўғри харажатлар ва хорижий фирмаларининг фаолиятини чегараловчи ёки тақиқловчи омиллардан ташқари, тўлик аниқланмаган баъзи қоидалар ва мувофиқлаштирилмаган жараёнларнинг мавжудлиги салбий таъсир этади.

Микроиктисодиёт даражасида инвестиция муҳити бир томондан инвестор-фирмаси ва иккинчи томондан хорижий инвестицияни қабул қилувчи хўжалик субъектлари, яъни сотувчилар, сотиб оловчилар, банклар ҳамда касаба уюшма ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги икки ёқлама муносабатларни акс эттиради. Бу даражада инвестиция иклими умумлаштирилган баҳолар иқтисодий, ҳукуқий ва маданий жабҳаларда яққол кўринади. Макро ва микроиктисодиёт даражалари биргаликда ягона инвестиция муҳитини ташкил этади ва потенсиал инвесторлар ҳамда капитални қабул қилувчи томонларнинг бўлажак муносабатларини белгилаб беради.

Инвестиция муҳити объект категорияси бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган вакт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт- шароитлар мажмуасини акс эттиради. Лекин ҳозирги шароитда инвестиция муҳити фақат давлат органлари таъсири остида шаклланмоқда. Албатта, бу ишларни амалга оширишда жаҳон тажрибасидан, жумладан хорижий инвестиция билан ташкил этилиб, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришган компания ва фирмалар тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу жараённи амалга оширишда миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Давлат ҳокимиятининг таъсирчанлиги инвестиция муҳитини аниқловчи омиллардан биридир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир капитал жалб қилувчи мамлакат маълум бир инвестиция тизимига эгалигини таъкидлаш мумкин. Бу

тизим хуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими ва инвестиция мухитини ўз ичига олади. Хорижий капитални қабул қилиш тизими инвестиция мухитининг компоненти бўлиб хизмат қилади ва унга нисбатан мустақил равишда ташкил этилади. Чунки у инвестиция мухитини ўзгартиришга қодирдир. Хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими қабул қилувчи томоннинг хорижий капитални миллий иқтисодиётга қулай равишда кириб келишини намоён эза, инвестиция мухити кириб келган капитални мамлакат ичидага оптималь равишда ўсиб бориш вазиятига баҳо беради.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали саноатни янги замонавий технологиялар билан, қишлоқ хўжалигида қайта ишловчи саноат мажмuinи ва бошқа соҳаларда туб ўзгаришлар ясаш мумкин. Шундай ижобий ишларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларга қулай бўлган инвестиция мухитини яратиб бериш керак. Инвестиция мухити иқтисодиётда янги тушунча эмас, аммо мустақил Ўзбекистон шароитига нисбатан ишлаб чиқилмаган. Энди бу шароитни яратишга уринишлар бўлмокда. Бир қатор ривожланган давлатлар бу жараённи ижобий тарзда амалга оширган. Инвестиция мухитининг аҳамияти, амалий жиҳатдан, қайси бойликлар ва йўналишлар тизими асосида хорижий инвесторлар фаолият юритишлари тўғрисида тушунча беради ва шунинг негизида хорижлик инвесторларга нисбатан қандай муносабатда бўлишни ишлаб чиқишига имконият яратади.

Инвестиция мухити- жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммолар ва масалаларни ўз ичига қамраб олади. Инвестор томонидан маълум бир давлатга инвестиция қилишнинг қулай ва ноқулай томонлари баҳоланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади. Инвестиция мухити ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниши асосида инвестиция риски аниқланади. Инвестиция мухити ва риск даражалари бир-бирларига тескари нисбатдадир. Инвестиция мухити қанчалик қулай бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик риски шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини кўпайтиради. Аксинча, инвестиция мухити ноқулай бўлса, риск даражаси юқори бўлади. Бу эса инвестиция қабул қилувчининг сарф-харажатларининг ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, инвестиция мухитининг ҳолати фақат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам мухимdir.

#### **2.4. Инвестиция рисклари ва тоифалари**

Хозир турли мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги инвестиция учун авж олаётган рақобат кўраши нуқтаи назаридан инвестиция риски тушунчасини кўриб ўтиш зарур. Инвестиция оқимларининг у ёки бу мамлакатларга йўналганлиги, шунингдек уларнинг реал ҳажмлари охир-оқибат шу рисклар билан белгиланади.

Умуман олганда инвестиция рискини уч тоифага бўлиш мумкин:

1. Асосий (ёки мамлакат билан боғлик) риск:

-инвестиция киритиладиган мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий барқарорлик;

-хукумат ўтказадиган макроиқтисодий сиёсатнинг изчиллиги ва барқарорлиги (инфлясия даражасини назорат қилиш, бюджет, кредит сиёсати ва бошқалар);

-тадбиркорлик фаолиятидан олинган фойда ва бошқа даромадларнинг инвестиция қўйилган мамлакатдан хорижга ўтказиш имкониятлари ва шароитлари;

-инвестициялашнинг ўзга ҳуқуқий шароитлари (хорижий инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қиласидиган қонун ва қонун доирасидаги ҳаракатларнинг мавжудлиги).

## 2. Шартнома ёки инвестицияга қадар ризк:

-мураккаб жараёнларнинг давомийлиги ва самарадорлиги;

-шартнома шартларини келишиш ва маъқуллаш жараёни, шунингдек томонларнинг шартномаларда назарда тутилган шартларга риоя этишларини назорат қиласидиган муассасаларнинг бўлиши ва самарали ишлаши;

-муносиб маҳаллий шерик топиш имконияти;

-янги ташкил этиладиган корхона низом жамғармасига ускуна-жихозлар, технологиялар, ноу-хау, хомашё, материаллар ва бошқа кўринишида қўшиладиган ҳиссани баҳолаш тизимининг мавжудлиги;

-интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, шу жумладан технологияларни трансферлаш (ўтказиш) масалалари.

## 3. Операцион ёки инвестициядан кейинги рисклар:

-операцион (ҳаракат) қарорларни қабул қилиш жараёни тартиб-коидалари ва давомийлиги;

-фойда ва уни тақсимлаш масалалари бўйича қарор қабул қилиш жараёнида таъсир кўрсатиш даражаси;

-менежментни ташкил этиш масалалари, шу жумладан инвестиция лойиҳаси инфратузилмасини, ходимларни бошқариш, молиявий менежментни ташкил этиш;

-маҳаллий хомашёдан фойдаланиш имкониятлари ва уни олиш тартибларини ҳал қилишнинг давомийлиги; -маҳаллий бозор маркетинги; -малакали маҳаллий иш кучининг топилиши;

-жамоат ҳавфсизлиги, шу жумладан ушбу мамлакатда ишлаётган хорижлик ходимлар учун ҳавф-хатарсиз ишлаш шароитлари.

Ҳар бир компания ўзининг инвестициялаш стратегияси, рақобат кўрашидаги ўз ўрнидан келиб чиқсан ҳолда инвестиция риски мажмуини мустақил баҳолайди ва у ёки бу мамлакатга инвестиция киритади. Кейинги ўн йилларда ривожланган мамлакатлардаги компаниялар билан саноат жиҳатидан жадал ривожланаётган мамлакатларнинг компаниялари ўртасидаги фарқлар яққол қўзга ташлана бошлади.

Ривожланган мамлакатлардаги компаниялар ғоят синчков ва пишиқлиги билан ажralиб турадилар. Улар мамлакатдаги сиёсий- иқтисодий вазиятни узоқ ўрганади, таҳлил этади ва шундан кейингина бу мамлакатга инвестициялар киритиш ёки киритмаслик ҳақида бир қарорга келади. Янги

саноати ривожланган мамлакатлардаги компаниялар уларга қараганда фаолроқ. Уларнинг стратегияси ҳужумкорлиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Бу компаниялар учун янги бозорларга тез кириш ҳамда у ерда етакчи мавқени эгаллаш асосий масала ҳисобланади.

Бозорга киришнинг ҳам биринчи, ҳам иккинчи стратегиясига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо уларнинг қайси бири яхши, қайси бири ёмон деган саволга жавоб бериш қийин. Бу стратегиялар умуман бошқабошқа, ҳар бири мазкур мамлакатларнинг тарихий тажрибаси, бизнес олами анъаналари, кишиларнинг менталитети (дунёқараши) асосида шаклланган.

Ўзбекистонда мустақилликка эришгандан сўнг хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш тизимини яратишга киришилди. Бу борада бир қатор қонунлар ва Президент фармонлари чиқарилди. "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қонун ва фармонлари шулар жумласидандир. Бу қонун ва фармонлар маълум маънода хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳукуқий асосини ташкил этади.

Жаҳон статистикасининг далолат беришича, уч йилдан ортиқ фаолият кўрсатган фирмаларнинг 30 фоизи муассисларнинг ўзаро даъволари ҳал этилмаслиги оқибатида ёпилиб қолмоқда. Тадбиркорларнинг профессионал билимлари етарли эмаслиги мазкур фирмалар тугатилишининг яна бир сабабидир. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиб ва ўсиб бораётган секторларида янги барпо этилаётган КБ (кичик бизнес) корхоналари (електроника, информатика тизимлари, компьютер техникаси соҳасидаги корхоналар) ўсиб, кенгайиб бораётганлиги билан анъанавий бизнес соҳасидаги КБ корхоналаридан фарқ қиласи. Кенгайиш стратегиясига амал қилувчи бу корхоналар анъанавий бизнес корхоналаридан фарқли ўлароқ, турли соҳаларда: маркетинг, янги товарлар, ишлаб чиқариш, молиялаштириш муаммоси мазкур соҳалар орасида энг муҳимдир. Амалда, янги ташкил этилган КБ корхоналари айланма капитални шакллантириш учун ўз маблағига эга бўлмайди, асосий капиталга инвестиция қўйиш ҳақида гап юритмаса ҳам бўлади.

Ўсишнинг мутаносиб эмаслиги, қарз мажбуриятларининг кўпайиб бориши ўз капитални, одатда, венчур инвестициялар ҳисобига шаклланади. Венчур капиталнинг инвестори ўзининг барча маблағидан маҳрум бўлиши мумкин, аммо бу капитал 10 ва ҳатто 50 баравар кўпайиш эҳтимоли ҳам бор. Венчур капиталидан фойдаланиш имконияти эса фонд бозорининг ҳолатига бевосита боғлиқдир. Венчур капитал эгалари ҳамиша ҳаётий қобилиятга эга бўлган ва фаол капитал бозорини излаш жараёнида бўладилар. Уларни доимий равишда юксак технология соҳасидаги лойиҳалар қизиқтиради.

Анъанавий бизнес соҳасидаги кичик корхоналар кенгайиш мақсадини кўзламайди. Одатда, улар бир-икки корчалонга жуда қарам бўлади ва уларнинг ихтисослашуви учун деярли имконият бўлмайди. Қабул этиладиган қарорлар эса бир ёки бир неча менежерларнинг хоҳиш- иродасига бўйсунади, истиқболда эса стратегик мақсадларни аниқлаш жуда қийин вазифага

айланади. Қарорларнинг кўп қисми дурустроқ таҳлил этилмай қабул қилинади. Капитал корхона эгаларининг маблағи ҳисобидан шакллантирилади, уларда эса маблағ етишмаслиги сезилиб туради.

КБ корхоналари бюджет маблағларидан, фонд бозоридан фойдалана олмайди, уларнинг жамғармаси ҳам йўқ. Қарзга олинадиган кредитлар ва банк ссудалари уларни молиялаштиришнинг асосий манбалариридир. 2000 йилда КБ субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 92 млрд. сўмдан юқори бўлди ва 2,5 баравар ошди, шу жумладан 12,9 млрд. сўм микрокредит тарзида берилди. Бюджетдан ташқари фондлардан КБ лойиҳаларининг молиялаштирилишига 2000 йилда 4,4 млрд. сўм, ёки 1999 йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўп маблағ ажратилди.<sup>43</sup> 2000 йилда тижорат банклари томонидан КБ корхоналарига берилган кредитлар умумий ҳажмининг таркибиغا қисқа муддатли ссудалар 65 фоизини ташкил этди. Бунинг маъноси шуки, КБнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кредитларнинг атиги 35 фоизи йўналтирилган.

2000 йилда кичик фирмаларга ва якка тадбиркорларга микрокредит беришнинг янги тартиби қабул қилинди. Бу тартиб микрокредитлар олиш қоидасини осонлаштиради, гаровга нисбатан юмшоқроқ талаблар қўяди ва микрокредитлар 50 фоизгача бўлган қисмини нақд пул билан олиш имконини беради. Шу билан бирга, КБ корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми зарур. Қишлоқ хўжалиги соҳасида КБ корхоналари учун кредит иттифоқлари (кооперативлари) кредит олишнинг жуда муҳим тузилмаси бўлиши мумкин. Улар орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш, қайта ишлаш ва сотишни кредитлашни уюштириш мумкин бўлур эди.

### 3. Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар

Инвестиция муҳитига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Сиёсий омиллар: -хорижий инвестиция борасида давлат сиёсати; -халқаро келишувларга риоя қилиш; -давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси; -иқтисодий сиёсатнинг ҳаётйлиги;

-мамлакатнинг халқаро шартномалар тизимида қатнашуви;  
-давлат аппаратининг иш фаолияти;  
-сиёсий хукumatнинг инвестицияларга мойиллиги.

Иқтисодий омиллар: -иқтисодиётнинг умумий ҳолати (юксалиш, пасайиш); -валюта кўрсининг барқарорлиги; - инфлясия жараёнининг динамикаси; -солиқ имтиёzlари; - божхона тартиби; -иш кучидан фойдаланиш тартиби; -иш кучи қиймати;

-аниқ маҳсулотларга талаб ва таклиф; -кредит қиймати ва бошқалар.

Ижтимоий омиллар: -жамоатчиликнинг хусусий мулк ва хорижий инвестицияларга муносабати;

<sup>43</sup> Қаранг. Приоритет малого и среднего бизнеса. Народное слово. 11январь 2001. 1 с.

- жамиятнинг мафкуравий бирдамлик даражаси;
- мамлакат ижтимоий- иқтисодий тараққиётининг асосий масалалари бўйича келишувнинг мавжудлиги;
- ишчи гуруҳининг ташкилотчилиги.

Бирон мамлакатнинг инвестицион муҳитини таҳлил қилинганда, амалдор нуқтаи назари эмас, балки ўз маблағини даромад келтирувчи лойихага жойлаштирмоқчи бўлган хорижий инвесторларнинг фикрлари аҳамиятлидир. Уларнинг фикрича инвестиция муҳити бир қатор зарурӣ омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг мавжудлиги инвестиция муҳитининг энг қўлай бўлишини таъминлайди.

Биринчиси, сиёсий барқарорлик бўлиб, унинг мавжуд бўлиши инвесторнинг келгуси ишларини режалаштириш ва ишонч билан олдинга интилишига имкон беради. У кучли қонуний тизимнинг мавжудлиги, ташки ва ички ҳарбий низолар ҳамда инқилобий ўзгаришларнинг бўлмаслигига намоён бўлади.

Иккинчиси, иқтисодий самарадорлик. Ҳар бир инвестор иқтисодий ўсиш жуда юқори бўлган, ҳукумат иқтисодиётни ривожлантириш борасида барқарор сиёсат олиб бораётган мамлакат иқтисодиётига маблағ сарфлашни хоҳлади.

Яна бир муҳим омил мамлакатдаги ҳукумат раҳбарлари, меҳнат жамоалари, муҳолиф партия вакиллари ва халқнинг хорижий инвесторларга нисбатан бўлган дўстона муносабатларидир. Ундан ташқари оддий халқнинг хорижликларга, уларнинг мамлакатдаги ижтимоий- иқтисодий фаолиятига бўлган муносабати ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу омил ҳам инвесторларнинг мамлакатдаги фаолиятларига катта таъсир ўтказади.

Ҳукуматнинг сиёсати яна бир муҳим омил ҳисобланиб, инвесторларнинг фаолиятига турлича таъсир ўтказиши мумкин. Албатта, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат бевосита ёки билвосита бизнес, савдо ва инвестициялаш жараёнига ўз таъсирини ўтказади. Бунда уч жиҳатга алоҳида эътибор берилиши зарур: хорижий инвесторларнинг лойиҳаларда қатнашиш даражаси. Хорижий инвесторларни ўз бизнесининг қандай қисмига эгалик қилишлари қизиқтиради. Бу эса лойиҳа турига боғлиқ: а) агар инвестиция лойиҳаси экспортга йўналтирилган ҳамда хомашёнинг асосий қисми четдан келтирилаётган бўлса, инвестор бизнеснинг максимал даражада катта қисмига (баъзида 100% зига) эгалик қилишга даъвогар бўлади; б) агар инвестиция лойиҳаси экспортга йўналтирилган ҳамда хомашёнинг асосий қисми мамлакатнинг ички хомашёси бўлса, инвестор ҳудди шундай бизнеснинг қўшни мамлакатлардаги шарт-шароитларига қараб иш тутади; в) агар инвестиция лойиҳаси маҳсулотни ички бозорда сотишга мўлжаллаган бўлса, кўпгина ТМКлар шерикчилик асосида иш юритишга ҳаракат қиласидилар, акс ҳолда бошқа рақобатчилар улардан олдин бозорни эгаллаб олишлари мумкин. Хорижликларнинг меҳнати. Хорижий инвесторлар ўз бизнеси ва даромадларини ҳамюртлари назорати остида бўлгани маъқул, деб фикралашади. Аммо ишга жуда кўп хорижликларни жалб этиш харажатларни ошириб юборади. Валюта муомаласини тартибга солиш.

Хорижий инвесторларни мамлакатга маблағ олиб кириш, уни сарфлаш имкониятларидан ташқари бизнесдан топилган даромадни конвертиранган валютага айирбошлаш, четга олиб чиқиши, валюта ҳисоб рақамига эга бўлиш имкониятлари ниҳоятда қизиқтиради.

Кейинги омил инфратузилма ҳолати бўлиб, у мамлакатдаги юқоридаги санаб ўтилган омилларнинг мавжуд бўлишидан кейинги муҳим омиллардандир. Унда ишлаб чиқариш учун ер майдонларидан фойдаланиш, ерни ижарага олиш шартлари ва муддати, автомобил ва темир йўлларнинг саноат ҳудудларини асосий транспорт бўғинлари (портлар, аэропортлар) ва бозорлар билан боғлангандиги, электр энергиясининг мавжудлиги, сув таъминоти даражаси (баъзи ҳолларда ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси), телекоммуникациянинг ривожланиш даражаси, телефон, факс, телекс алоқаларининг мавжудлиги, компьютер орқали алоқа ўрнатиш масалалари муҳимдир.

Ишчи кучи. Кўпинча хорижий инвестицияларни киритишнинг асосий сабаби қилиб қабул қилувчи мамлакатда иш кучининг арzonлиги кўрсатилади. Лекин, инвестицияларни жалб қилишга саводхонлик, ишчи кучининг малака даражаси, меҳнат қилиш этикаси, меҳнат унумдорлиги даражаси, турли ижтимоий ҳаракатларнинг ишлаб чиқариш жараёнига таъсири ва бошқалар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Банклар ва молия. Мамлакатда жаҳон савдоси ва инвестиция соҳасида фойдаланиладиган барча молиявий инструментлар мавжудлиги ушбу соҳадаги хизматлар сифатини англатади. Инвесторлар учун мамлакатда етарли миқдорда фаолият кўрсатувчи молия институтлари ва жаҳондаги йирик банкларга тегишли филиалларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда жаҳоннинг йирик савдо ва инвестиция компаниялари филиалларининг фаолият кўрсатиши инвесторлар учун ишончлилик даражасини оширади.

Ҳукумат тузилмаларида расмиятчилик. Ҳукумат ўз инвестиция сиёсатини қандай баҳолаши муҳим эмас. Бунда катта тажрибага эга бўлган тадбиркорлар берган баҳо муҳимдир. Инвесторлар расмиятчилик, қофозбозлик авж олган муҳитга камдан-кам ўз маблағларини сарфлайдилар. Ҳукумат учун энг муҳими, расмиятчилик сабаб бўлиб, амалга оширилиши тўхтаб қолган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, йўл қўйилган хатоликларни тузатишидир.

Маҳаллий ишбилармонлик муҳити. Бу тушунча жуда кенг бўлиб, унга: адвокат, маслаҳатчиларнинг кўплиги, малакали иш юритувчилар, бухгалтерлар, архитекторлар ва конструкторларнинг мавжудлиги киради. Бундан ташқари қўшма корхона очишда маҳаллий ҳамкорнинг тажрибаси, алоқалари, меҳнацеварлиги ва ишончлилиги ҳам ҳисобга олинади.

Яшаш сифати. Ушбу омил хорижий инвесторга таклиф қилинаётган барча нарсаларда ўз аксини топади. Аҳоли турмуш тарзи ва даромадларининг даражаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хилмачиллиги ва меҳнат учун қилинадиган ҳаражатлар ҳажмида ўз аксини топади.

Хорижий инвестор ўзи учун ишлаш, яшаш, банк ва бошқа хизмат турларидан фойдаланишда қулайлик қиласи.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар**

1. Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти, турлари ва уларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишнинг объектив зарурлигини очиб беринг?
2. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш турлари ва шаклларини ёритиб беринг?.
3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни модернизация қилишдаги роли нимада?
4. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмуни, мақсади ва аҳамиятини очиб беринг?. Хорижий инвесторларга берилган имтиёзлар, кафолатлар ва рағбатлантириш омилларни келтиринг?
5. Инвестиция муҳити нимани англатади?
6. Инвестиция муҳитига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
7. Инвестиция муҳитини баҳолашда Бери индексининг аҳамияти нималардан иборат?
8. Иқтисодий омил қандай усулларни ўз ичига олади?
9. Маҳаллий ишбилармонлик муҳитини тушунтиринг?
10. Валюта муомаласини тартибга солиша нимани тушунасиз?
11. Қимматли қофозларни турларга ажратинг?
12. Бери индексини тушунтириб беринг?

### **Адабиётлар.**

10. Бочаров В.Р. Инвестиции: Учебник для вузов. – 2-е изд.-СПб.: Питер, 2018. – 384 с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
Қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда тупроқдан сизиб йўқоладиган ва суғориш тизимлари такомиллаштирилмаганлиги туфайли исроф бўладиган сув миқдори 35-40 фоизга teng бўлади. Ўзбекистонда экинларни суғоришда фойдаланилдиган сув асосан ўз оқими билан келадиган сув бўлиб, асосий суғориш усули қатор оралари ишланадиган экинлар ва ем-хашак экинларини эгатлар орқали суғориш ҳисобланади. Келажакда суғориш усуслари ва техникасини такомиллаштириш, суғориш тизимларига хизмат қилишни тегишли йўлга кўйиш, мавжуд суғориш машиналарини такомиллаштириш ва шу асосда эгатлар орқали суғориш учун сув етказиб беришга қилинадиган қўл меҳнати сарфларини камайтириш талаб қилинади.

Бу борада Ўзбекистонда ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурӣ-ҳудудий тамойилидан ҳавза тамойилига ўтишни кўзда тутувчи, сув ресурсларини бошқариш, шунингдек сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини барча даражада тадбиқ қилиш амалга оширилмоқда.

### ***Назорат ва муҳокама учун саволлар:***

- 1.СИУларнинг сувдан самарали ва тежамли фойдаланишдаги тутган ўрни
- 2.Сув танқислигини юмшатиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар

3. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?

4. Сувдан фойдаланишда тежамкор технологиялар қайсилар?

### **5-мавзу. Инвестицияларнинг мақсадлари ва диверсификацијланиши. Инвестицияларнинг таснифланиши.**

**Дарс жиҳозлари:** компьютер ва мультимедиа воситалар, маркер, плакатлар, ватман, керакли адабиётлар.

**Услубий таъминот:** намунавий дастур, ишчи дастур, календар режа, техкарта, ўкув услубий мажмуа, таркатма материаллар.

#### **Адабиётлар:**

1. Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Iqtisod-moliya. 2010. – 164 б.
2. Юсупов Э.Д., Мардиев Н. Қишлоқ хўжалигида инвестицион жфараёнларни бошқариш. Ўқув қўлланма.-Тошкент.: 2020.- 388 б.
3. Abdug'anievA.,A.Abdug'aniev.Qishloq xojaligi iqdisodiyoti. Darslik. – Т.: “ADIB NASHRIYOTI” МЧЖ, 2011. – 399 б.
4. Саматов F.A., Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 346 б.
5. Исмоилов И.А., Муртазаев О. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. Ўқув қўлланма. – Т., 2003.
6. Рустамова И.Б. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2015. – 174 б.

Мустақиллик йилларида мамлакатда хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносаб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чоратадбирлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган йўл ва ортирилган тажрибани холисона баҳолашдан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда, олдимиизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ мэрраларини белгилаш вазифаси турган эди.

Мазкур вазифани амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилиармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий сұхбат ҳамда мұҳокамалар олиб борилди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маъruzалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш учун “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони чиқди.

Фармоннинг З чи бандига асосан, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш белгиланган: Шунингдек,

-миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини кўпайтириш;

-ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш;

-саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўtkазиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш;

-иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма босқич камайтириш;

-принципial жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар турларини чиқаришни ўзлаштириш, бунга асосан ички ва ташки бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

-ишлаб чиқариш маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом этиш ҳамда энг аввало истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиши, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

-иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

-эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш;

-хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

-экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспортнинг тузилмаси ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

-соҳага, бошқариш тизимиға информацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш ва бошқа устивор йўналишлар белгилаб олинди<sup>44</sup>.

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда гурухлаштирилади.

Биринчидан, қўйилиш обьектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади.

Реал инвестициялар (капитал қўйилмалар) – пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун ўз маблағлари билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Қарзга маблағ олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағлари ажратаётган банк бажаради. Номоддий (потенциал) инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (НИОКР) амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради. Мутахассисларни тайёрлаш, тажриба, илмий текшириш, лицензия ва ноу – хоу бериш, авторлик хуқуқи ва умуман олганда номоддий активларга йўналтирилган инвестицияларни кўпгина иқтисодчи – олимлар интеллектуал инвестициялар деб атамоқдалар.

Расм-1

### Инвестицияни туркумланиши<sup>45</sup>



<sup>44</sup>Мирзиёев Ш.М.“Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.

<sup>45</sup>Ергашева Ш., Узоков А. Инвестиция. Ўкув кўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.-208 б.


Хорижий адабиётларда портфел инвестициялар инвестор томонидан сотиб олинган акцияларнинг фирма устидан назорат ва таъсир доираси белгиларига кўра таснифланади. Инвестицияларнинг бир мунча илмий асосланган таснифи рус олими Н.Бланк ишларида келтирилган. Бунда инвестициялар қўйидаги белгиларига кўра таснифланган: қўйилма объектларига кўра; инвестициялашда иштирок этишига қараб; инвестициялаш даври бўйича; мулкчилик шакллари бўйича; худудий белгиси бўйича.

Россия иқтисодий адабиётларида<sup>46</sup> портфел (акция, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозларга, шунингдек, бошқа корхоналарнинг активларига йўналтирилган инвестициялар) ва реал (фаолият кўрсатаётган корхоналарни таъмирлаш ва техник қайта қуроллантириш, кенгайтириш, янги корхоналар барпо этишга йўналтирилган инвестициялар) инвестициялар фарқланади. Бундай шароитда инвестор-корхона маблағ кирита туриб, ўзининг ишлаб чиқариш капиталини, яъни асосий ишлаб чиқариш фондлари ва унинг фаолияти учун зарур бўлган айланма маблағларни қўпайтиради (оширади). Портфел инвестициялар амалга оширилганда инвестор ўзининг молиявий капиталини, яъни қимматли қоғозлардан олинадиган даромад-дивидендини қўпайтиради.

Инвестицияларни корхона миқёсида қўйидаги таснифлаш мумкин:

Расм-2

### Корхона инвестицияси<sup>47</sup>



стационной деятельности предприятий. – М.: «Финансы и статистика», 1998. – С. 6-7. Сергеев И.Б., Беретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций. – М.: «Финансы и статистика», 2001. – С. 6.

<sup>47</sup>Ергашева Ш., Узоков А. Инвестиция. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.-208 б.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Конунида инвестиция мўлжалланган обьектига кўра, “капитал, инновация ва ижтимоий” инвестицияларга бўлинади (4- модда).

Иккинчидан, инвестицияда қатнашиш ҳарактерига кўра бевосита ва портфел инвестициялар фарқланади.

Учинчидан, инвестициялаш даврига қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга берилади) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ муддатга берилади) бўлади. Масалан, оддий акциялар умуман бирор – бир муддат билан чекланмайди.

Тўртинчидан, мулк шаклларидан келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларга ажратилади. Хусусий инвестициялар нодавлат юридик шахсларининг ва фуқароларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолияти обьектларига қўйилишини англатади. Давлат инвестициялари давлат бюджети ва давлат корхоналарининг маблағларини жойлаштириш орқали намоён бўлади.

Бешинчидан, ҳудудий жойлаштирилиш бўйича инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Олтинчидан, инвестициялар таваккаллик даражаси бўйича юқори таваккалли ва паст таваккалли инвестицияларга ажратилади. Молия соҳасида таваккаллик дэганда инвестицияларга мутлоқ ёхуд нисбий микдордаги фойда кутилганидан анча кам бўлади, бошқача айтганда «таваккаллик» атамаси кутилмаган натижа олиш имкониятини англатади.

### *Назорат ва муҳокама учун саволлар:*

1. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмунимоҳияти ва уларнинг таснифланишини тушунтириб беринг?
2. Инвестицияларнинг мақсадлари ва диверсификацияланишини аҳамиятини тушунтиринг?
3. Асосий фондларнинг шаклланишида капитал қўйилмаларнинг роли, молиявий ва реал инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги нимада?
4. Инвестицияларни ўстириш омиллари, жамғармалар – инвестициялар манбаси сифатида эканлигини ёритиб беринг?
5. Инвестиция фаолиятига таъсир этиш омиллари ва усулларини айтинг?.
6. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг меъёрий-қонуний базасини ёритиб беринг?
7. Инвестиция сиёсати: унинг мазмуни, роли, асосий йўналишлари ва амалга ошириш босқичлари неча босқичдан иборат?.

## **6-мавзу. Инвестицияларнинг макро ва микроиқтисодиётни ривожлантиришдаги роли.**

**Дарс жиҳозлари:** компьютер ва мультимедиа воситалар, маркер, плакатлар, ватман, керакли адабиётлар.

**Услубий таъминот:** намунавий дастур, ишчи дастур, календар режа, техкарта, ўқув услубий мажмуа, таркатма материаллар.

### **Адабиётлар:**

7. Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент, Iqtisod-moliya. 2010. – 164 б.
8. Юсупов Э.Д., Мардиев Н. Қишлоқ хўжалигида инвестицион жфараёнларни бошқариш. Ўқув қўлланма.-Тошкент.: 2020.- 388 б.
9. Abdug’anievA.,A.Abdug’aniev.Qishloq xojaligi iqdisodiyoti. Darslik. – Т.: “ADIB NASHRIYOTI” МЧЖ, 2011. – 399 б.
10. Саматов F.A., Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 346 б.
11. Исмоилов И.А., Муртазаев О. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. Ўқув қўлланма. – Т., 2003.
12. Рустамова И.Б. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2015. – 174 б.

Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялар этокчи рол ўйнайди, чунки инвестиция орқали корхоналарнинг капитал жамғарилишига, натижада мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий ўсишга эришилади.

Инвестициялар иқтисодий категория сифатида қатор функция ва вазифаларни бажаради-ки, уларсиз ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти бир маромда ривожлана олмайди. Инвестициялар макродарражада қуидагиларни таъминлайди:

- такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш сиёсатини амалга ошириш;
- илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, унинг сифати ва ҳажминини ошириш;
- ижтимоий соҳаларни (соғлиқни сақлаш, таълим ва бошк.) ривожлантириш;
- аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим бўлган уй-жой қурилиши, ичимлик суви, газ, электр энергия билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш;
- атроф-муҳит ва экологиянинг ифлосланишининг олдини олиш;
- умумжамият ишлаб чиқаришини таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва барча иқтисодиёт тармоқларини бир маромда ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал сектори ва этокчи тармоқларини ривожлантириш;
- худудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва ихтисослашувини мустаҳкамлаш;
- инвестициялар импорти ва экспорти орқали миллий иқтисодиётнинг

халқаро интеграциясини кучайтириш;

- саноат учун зарур хом ашё базасини яратиш;
- ишсизлик муаммосини юмшатиш ёки маълум даражада ҳал этиш;
- мамлакатнинг ҳарбий саноат мажмуини мустаҳкамлаш;
- давлатнинг мудофаа имкониятларини таъминлаш;
- бошқа қатор муаммоларни ҳал этиш.

Ўзбекистон Республикаси учун инвестициялар, биринчи навбатда, иқтисодиётни янада барқарорлаштириш учун зарурдир. Реал инвестицияларни (бино ва иншоотлар қуриш ва модернизация қилиш, замонавий машина ва асбоб-ускуналар сотиб олиш) жалб қилиш иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширади. Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни олиб кэлишга йўналтирилган инвестициялар каттиқ рақобат шароитларида омон қолишга кўмаклашади.

Инвестициялар микродаражада ҳам муҳим рол ўйнади. Бунда инвестициялар, энг аввало, қуйидаги мақсадларга эришиш учун зарурдир: корхона ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш; асосий фондларнинг ҳаддан ташқари жисмоний ва маънавий ескиришига йўл қўймаслик; ишлаб чиқаришнинг техник-технологик даражасини ошириш; корхона маҳсулоти рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш; табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш; қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа корхона активларига ўз маблағини сарфлаш.

Инвестициялар микродаражада, пировардида, корхоналарнинг келгусида меъёрда фаолият кўрсатиши, барқарор молиявий ҳолатини ва максимум (юқори) фойда олишини таъминлаш учун зарурдир.

Шундай қилиб, инвестициялар макро ва микроиқтисодиётни ривожлантиришда катта рол ўйнайди, биринчи навбатда, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, корхона фойдасини кўпайтириш ва шу асосда бошқа кўпгина муаммоларни ижобий ҳал этиш имкониятларини яратади.

Мамлакатда инвестиция фаолиятининг аҳволини (ҳолатини) қуйидаги кўрсаткичлар динамикаси характерлайди:

- инвестицияларнинг умумий ҳажми;
- ЯИМда инвестицияларнинг улуши;
- инвестицияларнинг умумий ҳажмида реал инвестицияларнинг улуши;
- инвестицияларнинг технологик таркиби ва унинг ўзгариши;
- реал инвестицияларнинг умумий ўсиши;
- инвестициялар таркибida хорижий инвестицияларнинг улуши;
- асосий капиталга йўналтирилган реал инвестицияларнинг улуши;
- хорижий инвестициялар таркибida тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши ва бошқалар.

Билвосита, бироқ, объектив ҳолатда, инвестиция фаолиятининг ҳолатини қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари характерлайди: миллий даромад; ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва ЯИМ; саноат ишлаб чиқариш ҳажми; саноат маҳсулотларининг алоҳида турини

ишлиб чиқариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлиб чиқариш ҳажми ва бошқ. Инвестиция фаолиятининг ҳолатига баҳо беришда ушбу кўрсаткичларнинг объективлиги шундаки, инвестиция қўйилмаларисиз ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу кўрсаткичлар у ёки бу даражада инвестицияларнинг самарали ишлатилишини характерлайди. Агар ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари инвестицияларнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлса, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатади ва аксинча.

Сўнгги йилларда иқтисодиётда фаол амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизация қилиш жараёни инвестиция фаоллигини янада оширеди. Иқтисодиётдаги инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга сезиларли равишда ўсиб бориши муқаррар равишда миллий ишлиб чиқариш ҳажмининг ўсиши орқали ўзининг ижобий натижаларини кўрсатишига имкон бермоқда. Давлат томонидан инвестиция фаолиятини ривожлантиришга берилган эътибор ва қўллаб-қувватлаш натижасида ЯИМ ҳажми ва инвестициялар миқдори ўсиш суръатларига эга бўлди.

Бу ҳолат инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғининг ўсишига олиб келди.

Фикримизча, инвестицияларнинг иқтисодиёт ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг қуйидаги вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

➤ иқтисодиётда ишлиб чиқариш қучлари ва ишлиб чиқариш воситаларини оптималь жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларини шакллантиришга имкон яратиш;

➤ иқтисодиётдаги такрор ишлиб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга татбиқ этиш;

➤ мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги қонуний кафолатланган инвесторларни қониқтирувчи улушкини яратадиган ва молиявий ўшишни таъминловчи инфратузилмаларни фаоллаштириш;

➤ иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашувини тезлаштириш.

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, ишлиб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлиб чиқаришни ривожлантиради;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлиб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида, аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш (фаровонлигини ошириш) имконини яратади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлиб чиқаришини жадалаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

тўртингидан, корхоналарнинг ескирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга қўмаклашади ва ҳ.к.

### **3. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг меъёрий-қонуний базаси.**

Мамлакатда инвестицион муносабатларни амалга ошириш ва унинг ҳуқуқий тизмини ташкил этувчи муайян ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги<sup>48</sup>, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги<sup>49</sup> янги таҳрирда, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларнинг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонун, фармон, қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, мазкур фаолиятни тартибга солишини самарали тизими ва механизмини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиши тўғрисида» 2017 йил 31 мартағи ПФ-4996-сонли Фармони ишлаб чиқилди.

Бу қонун, фармонларда инвестицион муносабатларга тааллуқли барча жараёнларга ва тушунчаларга аниқликлар киритилган. Инвестиция фаолиятининг субъектлари ва объектлари, инвестицион фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниш масалалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, мол-мулк кафолатлари ва имтиёzlари кабилар аниқ белгилаб берилган.

Бироқ, бу каби мамлакатда инвестицион фаолиятни рағбатлантирувчи қонуний-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги бозор муносабатларининг ривожланганлигини белгиламайди. Бугунги кунда мамлакатда инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширмоқ зарур<sup>50</sup>. Давлат мазкур қонунлар доирасида инвестицион фаолиятнинг турли субъектлари ўртасида юзага кэладиган муносабатларни тартибга солиб туради. Бошқача қилиб айтганда, бу тартибининг қандай ўрнатилганлигига қараб у ёки бу мамлакат хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қандай ҳуқуқий муҳит яратилганлигини аниқлаб олиш мумкин.

Ўзбекистонда инвестицион муносабатларни тартибга солишининг яратилган қонуний асослари мос равища тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги<sup>51</sup> Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари<sup>52</sup> билан тўлдирилиб борилмоқда.

“Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистонда тадбиркорликни фаолият кўрсатишининг ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий эркинликларини кафолатлашни

<sup>48</sup>O’zbekistonning yangi qonunlari. 21-soni. T.: “Adolat”. 1998 yil. 265 b

<sup>49</sup>O’zbekistonningyangi qonunlari. 19-soni. T.: “Adolat”. 1998 yil. 532 b

<sup>50</sup>Xalq so’zi 2005 yil 20 iyul. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining majlisi to’g’risida AXBOROT

<sup>51</sup>O’zbekistonningyangi qonunlari. 16-soni. T.: “Adolat”, 1997. 427 b.

<sup>52</sup>O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmonlari. 1995-y. 5 yanvardan 2000-y 1 yanvargacha. T. ::“Adolat”2000. 80-b

аниқлаб берди. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Бу қонун тадбиркорларнинг бошқа корхоналар, ташкилотлар ва давлат бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солади ва мулкчилик шаклларини эркин танлашни, хўжалик юритишни, фаолиятни тенг ҳуқуқли асосда амалга оширишни, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатни таъминлашни ўз ичига оладиган шартларнинг шаклланишига ёрдам беради.

“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги<sup>53</sup> Қонун Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг асосий тамойиллари ва тартибларини белгилаб беради ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг мулкларини, мулкчиликнинг қандай шаклида бўлишидан қатъий назар, манфаатларини ва ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқнинг қабул қилинган умумий меъёрларига мувофиқ равишда ҳимоя қилишни таъминлайди. Бу қонун Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимиға уйғунлашиши учун ҳуқуқий асосни яратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги<sup>54</sup> ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги<sup>55</sup> Қонунлари инвестициялар тўғрисидаги қонунчиликнинг ядросини ташкил қиласади.

Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестицияларни амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий асосларини яратиш, чет эл сармоялари солиқ тартибларини белгилаб беради, хорижий инвесторларнинг самарали фаолият кўрсатишини кафолатлайди ва Республика иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш, уни жаҳон хўжалик алоқаларига киритиш мақсадида чет эл молиявий, моддий, интэллектуал ва бошқа ресурсларни жалб этишга ва улардан фойдаланишга қаратилган.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги<sup>56</sup> Қонуннинг асосий вазифалари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга ва унинг хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш йўли билан жаҳон хўжалик тизимиға уйғунлашувига кўмаклашишдан, шунингдек, хорижий молиявий, моддий, интэллектуал ва бошқа захираларни, замонавий технологияларни ва бошқарув тажрибаларини жалб қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат.

Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторларнинг маълум категорияларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва уларни кафолатлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>57</sup> ги Қонуннинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг З-моддасида, давлат бошқарув идоралари ва давлат ҳукумат органлари жойларда чет эл инвестицияларининг Ўзбекистон

<sup>53</sup>O’zbekistonning yangi qonunlari. 17-soni. T.: “Adolat”, 1997.

<sup>54</sup>O’zbekistonning yangi qonunlari. 19-soni. T.: “Adolat”. 1998 . 532 b.

<sup>55</sup>O’zbekistonning yangi qonunlari. 16-soni. T.: “Adolat”. 1997. 427 b.

<sup>56</sup>O’zbekistonning yangi qonunlari. 21-soni. T.: “Adolat”1998. 532 b.

<sup>57</sup>O’zbekistonning yangi qonunlari. 19-soni. T.: “Adolat”. 1998 y. 532 b

Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилган хўжалик фаолиятларига аралашиб ҳуқуқига эга эмаслар, деб айтилган.

Қулай инвестицион муҳитни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам муҳим аҳамият касб этоди.

Инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари таркибида энг муҳим сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади.

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айборд бўлган шахслар белгиланганган тартибда жавобгар бўладилар. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, инвестиция фаолиятининг субъекти етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани, қонун ҳужжатларида белгиланганган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Инвестициялар билан боғлиқ низолар (инвестицияга оид низолар) суд томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг №4947 сонли фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

1)мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтиришни рафбатлантириш, республикада инвестиция муҳитини янада таомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ягона давлат инвестиция, жумладан, хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

2)хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шартшароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқукий базани янада таомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3)Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишда иштирок этиш, хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник қўмаклашишга қаратилган маблағларни жалб этиш учун инвестиция таклифлари бўйича ягона базасини юритиш;

4)Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, чет эл банклари, жамғармалари, агентликлари, компаниялари ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш ва ҳамкорлик йўналишларини диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

5)хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш ва амалга ошириш, шунингдек, халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни амалга

оширишда Ўзбекистон Республикасининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари, халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

6)Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия институтлари, етакчи хорижий компания ва банк тузилмалари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномаларини ўрнатилган тартибда тайёрлаш, келишиш ва имзолашда иштирок этиш;

7)тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги комплекс дастурлар, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий соҳалардаги инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, авваламбор тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашишга қаратилган маблағларни жалб этиш;

8)инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

9)халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар молия институтларининг жалб этиладиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашишга қаратилган маблағлар (грантлар), Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

10)мамлакатимизнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўtkазилишини ташкил этиш;

11)иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида технологик ускуналар,

бутловчи буюмлар ва материалларни харид қилиш учун тендер (танлов) савдолари ўтказиш ва уларнинг якунлари бўйича ғолибларни аниқлашда иштирок этиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати ва рақобатдошлиги, энергия ва ресурс тежамкорлиги бўйича замонавий талабларга, экологик стандартларга жавоб берадиган илғор технология ҳамда ускуналар бўйича жаҳон бозоридаги вазиятнинг чуқур таҳлилидан, таклиф этилган нархларнинг дунё бозоридаги ўртacha баҳо ва юзага келган бозор конъюнктурасига мос келиши, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳалар қиймати таклиф этилладиган технологияга қанчалик мувофиқ эканидан келиб чиқсан ҳолда, тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тендер таклифларини баҳолашда қатнашиш, зарурат туғилганда, ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижаларини рад этиш;

12)инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида сотиб олинадиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичлари, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларнинг қиймат кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини тизимли асосда пухта экспертизадан ўтказиш;

13)мамлакатимиз лойиҳа институтлари ва ташкилотларининг инвестиция лойиҳалари, аввало хорижий инвестициялар иштироқидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришдек муҳим вазифалар белгилаб олинди.

#### ***Назорат ва муҳокама учун саволлар:***

1. Инвестицияларнинг макро ва микроиқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини очиб беринг?
2. Инвестиция фаолияти тушунчасини, Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг ролини ёритиб беринг?.
3. Инвестиция фаолиятига таъсир этиш омиллари ва усулларини айтинг?.
4. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг меъёрий-қонуний базасини ёритиб беринг?.
5. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини ташкил этишни, субъектларнинг инвестиция фаоллигини таъминлаш вазифалари нималардан иборат?.
6. Инвестиция сиёсати: унинг мазмuni, роли, асосий йўналишлари ва амалга ошириш босқичлари неча босқичдан иборат?.
7. Глобаллашув ва чет эл капитал миграциясининг кучайишини, Замонавий инвестиция сиёсатини амалга оширишда чет эл инвестициялари кўчишини ёритиб беринг?.
8. Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти, турларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишнинг объектив зарурлигини очиб беринг?.

## V. КҮЧМА МАШГУЛОТЛАР

**1. мавзуларнинг номи:** Агробизнесни ташкил этиш ва инвестицияларни жалб этилиши

**2. Мақсади:** Агрофирмаларда бизнесни ташкил этиш тажрибаларини ўрнаниш, ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида тузиладиган шартномалар, бизнес-режаси ва инвестицияларни жалб қилиш ҳолатини таҳлил қилиш

**3. мазмуни:** Агрофирмаларда бизнесни ташкил этиш бўйича хклоса ва таклифлар ишлаб чиқиш

### 4. Адабиётлар

1. Abdug'anievA., A.Abdug'aniev.Qishloq xojaligi iqdisodiyoti. Darslik. – Т.: “ADIB NASHRIYOTI” МЧЖ, 2011. – 399 б.

2. Саматов F.A., Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 346 б.

3. Исмоилов И.А., Муртазаев О. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. Ўқув қўлланма. – Т., 2003.

4. Рустамова И.Б. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2015. – 174 б.

5.Имомов X.X. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент, Iqtisod-moliya. 2010. – 164 б.

6.Юсупов Э.Д., Мардиев Н. Қишлоқ хўжалигига инвестицион жфараёнларни бошқариш. Ўқув қўлланма.-Тошкент.: 2020.- 388 б.

### 5. Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари шакллари,
2. Агробизнес нинг ишлаб чиқаришдан фарқланиши,
3. Бизнес-режа тузишнинг моҳиятини ёритинг,
4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва агрофирмалар ўртасида шартнома турлари,
5. Қишлоқ хўжалик корхоналарида инвестицион муҳитни шакллантириш омиллари,
6. Қишлоқ хўжалик корхоналари инвестицион салоҳиятини баҳолаш

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Fermer xo‘jaligiga investitsiyalarni jalg etish maqsadida loyihamalar tuzish va maqbul bo‘lganini tanlash masalasi

#### I. Pedagogik annotatsiya

**Berilgan keysning maqsadi:** Loyiha tuzish, bir necha variantlarini o‘rganish va tahlil asosida maqbulini tanlash bo‘yicha bilim va ko‘nikmalarni rivojlantirish, o‘tilgan mavzular bo‘yicha egallangan bilimlarini tekshirib ko‘rishdan iborat.

#### **Kutilayotgan natijalar:**

- o‘rganilayotgan mavzu bo‘yicha amaliy ko‘nikmalarga ega bo‘ladi;
- fermer xo‘jaligiga investitsiyalarni jalg etish uchun loyiha tuzishni o‘rganadi;
- loyiha tuzish natijasida maqbulini tanlash ko‘nikmalari shakllanadi;
- tuzilgan loyihami jihatlari bo‘yicha tahlil qilishni o‘rganadi;
- tanlangan maqbul varianti bo‘yicha baho berish hamda mantiqiy xulosalar qilishni anglab yetadi;
- loyiha bo‘yicha investitsiyalarni olish uchun tegishli xujjatlarni belgilab olishni bilib oladilar.

**Keysni muvaffakiyatli bajarish uchun talaba quyidagi bilimlarga ega bo‘lishi lozim:**

- loyiha turlari;
- loyihalarni tuzish tartibi
- investitsiyalarni jalg etish shartlari;
- marketing rejani tuzishni;
- ishlab chiqarish rejasini tuzishni;
- moliyaviy rejani tuzishni.

**Mazkur keys real xayotimizda faoliyat yuritayotgan fermer xo‘jaligi ma’lumotlari asosida ishlab chiqilgan.**

#### **Keysda ishlatilgan ma’lumotlar manbai:**

Toshkent viloyati Parkent tumani “Oxun To‘layev” fermer xo‘jaligi 2018-2019 yillardagi moliyaviy xisobotlari, biznes reja hamda moliyaviy ko‘rsatkichlari asos qilib olingan.

**Keysni tipologik xususiyatlariga ko‘ra tafsifnomasi:** mazkur keys ilmiy-uslubiy tadqiqotlari sirasiga kirib, unda qo‘yilayotgan savol va topshiriqlar syujetli tarzda tuzilgan. Keysning ob’ekti sifatida yuqorida qayd etganimizdek, Parkent tumanidagi “Oxun To‘layev” fermer xo‘jaligi olingan. Ma’lumotlar aniqligi va ishonchlilikiga to‘liq kafolat beriladi. Keys tuzilishi jixatidan o‘rta xajmdagi keys-texnologiya hisoblanadi.

**Didaktik maqsadlarga ko‘ra** trening keys hisoblanadi, shuningdek bu keys talabalar bilimini mustaqil ta’limda tekshirish uchun belgilangan.

Masalaning qo‘yilishi izchillik asosida ketma-ket tarzda tahliliy jarayonlar asosida ishlab chiqilgan. Muammoli vaziyatlarga javob izlash va yechish maqsadida nazariy bilimlar turli xildagi ko‘rsatmalar, qo‘llanmalar, eslatmalar tarzida berilgan Mustaqil ta’limni keys-texnologiyasi asosida tashkil etilganda

talabalarning xar bir hatti-harakati, ularning qo'yilgan muammoga bo'lgan qarashlari, sababiy bog'liqlikdagi tahlillari hamda xulosalar yasashlarini kuzatish va baholash oson kechadi.

Ushbu keys bakalavr yo'nalishi talabalari uchun "Loyiha tahlili", "Horijiy investitsiyalar" "Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish" fanlarida foydalanish mumkin.

## KEYS

### **"Fermer xo'jaligiga investitsiyalarni jalb etish maqsadida loyihalar tuzish va maqbul bo'lganini tanlash masalasi"**

## KIRISH

Chet el investitsiyasi va qabul qiluvchi mamlakatning manfaatlari o'zaro mos kelgan taqdirdagina to'g'ridan to'g'ri chet el investitsiyalari mamlakatni iqtisodiy va ijtimoiy rivojlantirishning muhim rag'batlantiruvchi omili bo'lishi mumkin. Investitsiyalar bu ikki tomonlama o'zaro xarakat jarayonining ya'ni tadbirkor va investorning maqsad sari harakati natijasidir.

Bizga ma'lumki, har kanday investitsion loyiha maqsadga yo'naltiriladi va asosiy maqsadi foyda olish hisoblandi. Lekin loyihani makbulini tanlash uni tahlil etish va baholash asosida aniqlash mumkin. Tanlangan loyihani amalga oshirish bo'yicha tashkiliy, institutsional, tijorat, ekologik, ijtimoiy, iqtisodiy va moliyaviy tahlilni amalga oshirib loyiha bo'yicha umumiyl natija kilish mumkin. Loyiha bo'yicha sarflangan xarajatlar daromadlar olib keladimi yo'kmi degan savolga javob berishi lozim. Tuzilgan loyihani fermer xo'jaligiga investitsiyalarni jalb etishda muhim ahamiyatga ega.

*Keys yechimi orqali quyidagi natijalarga erishish mumkin:*

Keysda Parkent tumanida faoliyat yuritayotgan "Oxun To'layev" fermer xo'jaligini faoliyati bo'yicha ma'lumotlar va tuzilgan birlamchi loyiha keltirilmoqda.

#### **Topshirik:**

1. Fermer xo'jaligi ma'lumotlari bo'yicha qanday turdag'i mahsulotlarni qayta ishlab chiqish lozimligini aniqlang;
2. Fermer xo'jaligi faoliyati bilan tanishib chiqing;
3. tuzilgan birlamchi loyihani o'rgangan holda qayta ishslashga belgilangan mahsulot turi bo'yicha loyiha tuzing;
4. Loyihani samaradorligini asoslab bering;
5. Texnik-iqtisodiy asosnomasi bilan biznes reja farqini izohlab bering?

#### **1. "Oxun To'layev" fermer xo'jaligi to'g'risida ma'lumot**

"Oxun To'layev" fermer xo'jaligi Toshkent viloyati Parkent tumani Changi qishloq fuqarolar yig'ini Olmazor mahallasida joylashgan.

Fermer xo'jaligi Parkent tumani hokimligi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006 yil 11 yanvaridagi "Meva-sabzavotchilik va uzumchilik sohasini isloh qilish bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlari to'g'risida" gi

255-sonli, Toshkent viloyati hokimining 2006 yil 13 yanvardagi 6-sonli qarorlari ijrosini ta'minlash, tumanda yangi tashkil etilayotgan fermer xo'jaliklari hamda Parkent tumani Changi shirkat xo'jaligini fermer xo'jaliklariga aylantirish bo'yicha qayta tashkil etish komissiyasining 2006 yil 26 martdagi yig'ilish bayoni asosida 2006 yil 13 apreldagi Parkent tumani hokimining 277-sonli qarori asosida tashkil etilgan.

Fermer xo'jaligi bog'dorchilik va uzumchilikka ixtisoslashgan.

"Oxun To'layev" fermer xo'jaligi sharq tomondan "G'anixo'ja Turopxo'jaev" fermer xo'jaligi, "Abdurazzoqov Abduvahob" fermer xo'jaligi, "Zarkent Qahramoni" agrofirmasi, janubdan "Changi Hamkorlik" agrofirmasi, g'arbdan "Orzimali Qanog'ot" fermer xo'jaligi, shimoldan Bo'stonliq tumani bilan chegaradosh.

"Oxun To'layev" fermer xo'jaligi rahbari To'laev Nishonboy.

## **2. Tahlil qismi.**

"Oxun To'layev" fermer xo'jaligida yer maydonidan foydalanish tartibi 1-jadval tahlilida berilgan bo'lib, 2018 yillar davomida jami yer maydoni 14.8 hektarni, sug'oriladigan yer maydoni 13.8 hektarni tashkil etgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 6 oktyabrdagi "Fermer xo'jaliklari tasarrufidagi yer uchastkalarini maqbullashtirish chora-tadbirlari bo'yicha takliflar ishlab chiqish maqsadida maxsus komissiyani tashkil qilish to'g'risida" gi PF-3077 farmoyishiga ko'ra kam rentabelli va zarar ko'rib ishlayotgan fermer xo'jaliklari yerlari optimallashtirilib, yirik fermer xo'jaliklariga biriktirildi.

### **1-jadval**

#### **"Oxun To'layev" fermer xo'jaligida yer maydonidan foydalanish**

Yillar	Umumiy yer maydoni (ga)	Sh.j sug'oriladigan yer maydoni (ga)	Ariq, zovurlar (ga)	Yo'llar (ga)
2018	14.8	13.8	0.5	0.5
2019	18.8	17.8	0.5	0.5
2018-2019 yillar farqi	4	4	-	-

Shunga ko'ra "Oxun To'layev" fermer xo'jaligi yer maydoniga optimallashtirishdan so'ng qo'shni fermer xo'jaliklari yerlari ham biriktirildi. Natijada fermer xo'jaligi yer maydoni 2019 yilda 18.8 hektarni, sug'oriladigan yer maydoni 17.8 hektarni tashkil etdi.

Fermer xo'jalinining 2018-2019 yillar davomida yer maydonidagi farq 4 hektarni tashkil etdi.

“Oxun To’layev” fermer xo‘jaligida yer maydonida ekin turining taqsimlanishi tahlili 2-jadvalda keltirilgan.

“Oxun To’layev” fermer xo‘jaligida 2018 yilda jami yer maydoni 14.8 gektarni tashkil etgan bo‘lsa, 2019 yilda yer maydonlarining optimallashtirilishi natijasida fermer xo‘jaligi yer maydoni 4 gektarga ko‘payib, 18.8 gektarni tashkil etgan. Shundan qishloq xo‘jaligiga yaroqli yerlar 2018 yilda 13.8 gektarni tashkil etgan bo‘lsa, 2019 yilga kelib esa 17.8 gektarni tashkil etgan. “Oxun To’layev” fermer xo‘jaligida bog‘lar 2018 yilda 3.50 gektarni tashkil etgan bo‘lib, shundan 1.50 hektarida olma, 2.0 hektarida nok yetishtirilgan. Tokzorlar 10.3 gektarni, shundan xosilga kirgani 7.3 gektarni tashkil etgan.

## 2-jadval

### “Oxun To’layev” fermer xo‘jaligida yer maydonida ekin turining taqsimlanishi

Ko‘rsatkichlar	2018	2019	farqi
Jami yer maydoni	14.8	18.8	4
Sug‘oriladigan jami maydon (ga)	13.8	17.8	4
1. Bog‘lar shundan	3.50	7.50	4
Olma	1.50	5.50	4
Nok	2.0	2.0	-
2. Tokzorlar, shundan	10.3	10.3	
Yosh tokzorlar	3	3	-
Xosilga kirgani	7.3	7.3	

“Oxun To’layev” fermer xo‘jaligida bog‘lar 2019 yilda 4 gektarga ko‘payishi natijasida 7.50 gektarni tashkil etib, shundan 5.50 hektarida olma, 2.0 hektarida nok yetishtirilgan. Tokzorlar esa 2018 yilgi xolatida qolib, 10.3 gektarni, shundan xosilga kirgani 7.3 gektarni tashkil etgan.

“Oxun To’layev” fermer xo‘jaligida yetishtirilgan ekinlar xosildorligi tahlili 3-jadvalda keltirilgan.

“Oxun To’layev” fermer xo‘jaligida 2018 yilda olma 1.5 hektar maydonda yetishtirilib, hosildorlik 66 s/ga ni, yalpi hosil 99 s ni tashkil etgan. Nok 2.0 hektar maydonda yetishtirilib, hosildorlik 87 s/ga ni, yalpi hosil 174 s ni tashkil etgan. Uzum 7.3 hektar maydonda yetishtirilib, hosildorlik 102.7 s/ga ni, yalpi hosil esa 750 s ni tashkil etgan.

2019 yilga kelib esa olma 5.5 hektar maydonda yetishtirilgan, hosildorlik 73 s/ga ni, yalpi hosil 401.5 s ni tashkil etgan. Nok 2.0 hektar maydonda yetishtirilib, hosildorlik 90 s/ga ni, yalpi hosil 180 s ni tashkil etgan. Uzum 7.3 hektar maydonda yetishtirilib, hosildorlik 104.1 s/ga ni, yalpi hosil esa 760 s ni tashkil etgan.

### 3-jadval

#### “Oxun To’layev” fermer xo‘jaligida yetishtirilgan ekinlar xosildorligi

Ekin turi	2018			2019		
	Maydon (ga)	Xosildorlik (s)	Yalpi xosil (s)	Maydon (ga)	Xosildorlik (s)	Yalpi xosil (s)
1.Bog‘,shun dan Olma Nok	3.5 1.5 2.0	66 87	99 174	7.5 5.5 2.0	73 90	401,5 180
2.Tokzor, Hosil beradigani	10.3 7.3	- 102.7	- 750	10.3 7.3	- 104.1	- 760

2018 yilga nisbatan 2019 yilda fermer xo‘jaligida olma yetishtirishdan 302.5 s, nokdan 6 s, uzumdan 10 s ko‘proq yalpi hosil olingan.

“Oxun To’layev” fermer xo‘jaligi ishlab chiqarishida mehnat resurslaridan foydalanish va mehnat unumdarligi tahlili 4-jadvalda keltirilgan.

### 4-jadval

#### “Oxun To’layev” fermer xo‘jaligi ishlab chiqarishida mehnat resurslaridan foydalanish va mehnat unumdarligi

Nº	Ko‘rsatkichlar	O‘lchov birligi	2018 yil	2019 yil	Farqi (+,-)
1	Yalpi mahsulot qiymati	Ming so‘m	65907	74485	8578
2	Ishlovchilarning o‘rtacha yillik soni	Kishi	11	25	14
3	Qishloq xo‘jaligida jami sarflangan				
	A) ish kuni	Kun	2970	6750	3780
	B) ish soati	Soat	20790	47250	26460
4	Bir kishi uchun to‘g‘ri keladigan				
	A) kishi kuni	Kun	270	270	-
	B) kishi soati	Soat	1890	1890	-
jadval davomi					
5	Mehnat unumdarligi 1 kishiga yetishtirilgan mahsulot				
	A) bir yilda	Ming so‘m	5991545	2979400	- 3012145
	B) bir kunda	Ming so‘m	22191	11035	- 11156
	V) bir soatda	so‘m	3170	1576	- 1594

Fermer xo‘jaligida 2018 yilda yetishtirilgan yalpi mahsulot qiymati 65907 ming so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, 2019 yilda bu ko‘rsatkich 74485 ming so‘mni tashkil qilgan.

Fermer xo‘jaligida 2018 yilda ishlovchilarining o‘rtacha yillik soni 11 kishidan iborat bo‘lgan bo‘lsa, 2019 yilga kelib ishchilar soni 25 kishiga yetgan. Ya’ni 2018 yilga nisbatan 2019 yilda ishchilar soni 14 taga ko‘paygan.

Qishloq xo‘jaligida jami sarflangan ish kuni 2018 yilda 2970 kunni, jami sarflangan ish soati 20790 soatni, 2019 yilda esa jami sarflangan ish kuni 6750 kunni, jami sarflangan ish soati 20790 soatni tashkil etgan.

Fermer xo‘jaligida 2018 yilda mehnat unumdorligi 1 kishiga yetishtirilgan mahsulot qiymati 1 yilda 5991545 so‘mdan, 1 kunda 22191 so‘mdan, bir soatda 3170 so‘mdan to‘g‘ri kelgan bo‘lsa, 2019 yilda bu ko‘rsatkich 1 yilda 2979400 so‘mni, 1 kunda 11035 so‘mni, 1 soatda 1576 so‘mni tashkil etgan.

Korxona faoliyatining moliyaviy natijalari foydaning quyidagi ko‘rsatkichlari bilan tavsiflanadi.

- mahsulotni sotishdan olingan yalpi foyda bu foydadan olingan sof tushum bilan sotilgan mahsulotni ishlab chiqarish o‘rtasidagi tafovut sifatida aniqlanadi:

$$YaF=SST-IT \quad (1)$$

bunda, YaF- yalpi foyda;

SST-sotishdan olingan sof tushum;

IT-sotilgan mahsulotni ishlab chiqarish tannarxi.

- asosiy faoliyatdan ko‘rilgan foyda bumahsulotni sotishdan olingan yalpi foyda bilan davr xarajatlari o‘rtasidagi tafovut asosiy faoliyatdan ko‘rilgan boshqa daromadlar qo‘shilgan yoki boshqa zararlar olinishi natijasida aniqlanadi:

$$AFF=YaF-DX+BD-BZ \quad (2)$$

bunda, AFF-asosiy faoliyatdan olingan foyda;

DX-davr xarajatlari;

BD-asosiy faoliyatdan olingan boshqa daromadlar;

BZ- asosiy faoliyatdan ko‘rilgan boshqa zararlar.

- xo‘jalik faoliyatidan olingan foyda yoki (zara), bu asosiy faoliyatdan olingan foyda summasi, moliyaviy faoliyatdan olingan daromadlar va ko‘rilgan zaralar o‘rtasidagi tafovut sifatida hisoblab chiqiladi:

$$UF=AFF+MD-MZ \quad (3)$$

bunda, UF- umumxo‘jalik faoliyatidan olingan foyda;

MD-moliyaviy faoliyatdan olingan daromadlar;

MZ-moliyaviy faoliyatdan ko‘rilgan zararlar.

- soliq to‘langungacha olingan foyda, u umumxo‘jalik faoliyatidan olingan foydaga qo‘shilib favkulodda vaziyatlardan ko‘rilgan zararlar summasi chegirishi natijasida aniqlanadi:

$$STF=UF+FF-FZ \quad (4)$$

bunda, STF-soliq to‘langungacha olingan foyda;

FF-favkulodda vaziyatlardan olingan foyda;

FZ-favkulodda vaziyatlardan ko‘rilgan zarar.

- sub'ektning sof foydasi, soliqda tortiladigan daromad (foyda) summasidan daromad (foyda) va qonunda ko'rstaqlan soliqlar va to'lovlar summalarining chegirilishi natijasida qolgan summaga teng:

$$SF=STF-(DS+BST) \quad (5)$$

bunda, SF-sof foyda;

DS-daromad (foyda)dan to'lanadigan soliq;

BST-boshqa soliqlar va to'lovlar.

“Oxun To'layev” fermer xo‘jaligida dehqonchilik mahsulotlari yetishtirish xarajatlari tahlili 5-jadvalda keltirilgan.

### **5-jadval**

#### **“Oxun To'layev” fermer xo‘jaligida dehqonchilik mahsulotlari yetishtirish xarajatlari (ming so‘m)**

Nº	Xarajat turlari	2018	2019	Farqi
